


ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МЕНЕЖМЕНТ” ЙӮНАЛИШИ**

**“ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

**Мазкур модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастури асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

Шаназарова Г.Б. - ТДИУ, “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

**Тақризчилар:**

Назарова Ф.Х. - Тошкент молия институти ”Менежмент ва маркетинг“ кафедраси профессори, и.ф.д.

Умарходжаева М.Г. – ТДИУ, “Корпоратив бошқарув” кафедраси доценти, и.ф.н.

Модулнинг ишчи ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....</b>	<b>21</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>75</b>
<b>V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....</b>	<b>79</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>80</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>113</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>118</b>

## I.ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Raқамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ракамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш,

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўнкма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўнкма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Экологик менежмент” модулининг **мақсади** ОТМ тингловчилари таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда замонавий андозаларга жавоб берадиган инновацион менежменти асосларини тадқиқ этишни, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришда инновациялардан самарали фойдаланишни, уни бошқариш бўйича зарур билим ва тажрибаларни ўргатиш, уларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлашда ва мавжуд билимларни янгича асосда чуқурлаштириш, ҳамда уларнинг малакаларини оширишдан иборат.

**“Экологик менежмент” модулининг **вазифалари:****

- экологик менежмент ривожланишининг илмий-назарий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;
- экологик менежментни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш;
- Ўзбекистонда экологик менежментни ривожлантиришнинг аҳамиятини тадқиқ этиш, унинг ривожланишига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистонда экологик менежментнинг ривожланишини қўллаб-куватловчи қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш ва шакиллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнкмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Экологик менежмент” модулини ўзлаштириш жараёнида тингловчи:

**Тингловчи:**

- экологик менежментнинг иқтисодий моҳияти ва тушунчасини;
- экологик менежментнинг жорий этишда меъёрий-хукуқий ҳужжатларни амалдаги ижросини;
- корхоналарда эгологик хавфсизлиги таъминлаш мақсадида инновацион лойиҳаларни тузиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашни;

- экологик менежментнинг функционал вазифалари ижросини **билиши керак**.

**Тингловчи:**

- экологик менежментни жорий этишда асосий ютуқларини тарғиб қилиш;

- корхонада экологик менежментни қўллашнинг имкониятларини яратиш ва уларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

- экологик менежментга доир масалалар ечиш ва кейслар тузиш;

- экологик менежментни амалиётда қўллаш **кўнималарини эгаллаши лозим**.

**Тингловчи:**

- экологик менежментини ривожлантиришда ҳамкорлик режаларини ишлаб чиқиш;

- корхоналарда экологик менежментни жорий этилишини амалда тўғри қўллаш;

- экологик менежментга доир муаммоларни аниқлаш;

- экологик менежментни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- корхона ва ташкилотларда экологик менежментни қўллашни баҳолаш ва умумлаштиришга оид **малакаларни эгаллаши лозим**.

**Тингловчи:**

- олий таълим муассаларида экологик менежментни қўллашда ўзаро ҳамкорликка таъсир кўрсатиш;

- замонавий корхоналарда экологик фаолиятни юритиш, унинг тузилма ва вазифаларини ўрганиш асосида инновацион жараённи самарали бошқариш;

- экологик менежментни юритиш асосида хуносалар бериш;

- экологик менежментнинг функционал вазифаларини ижро этиш асосида қарорлар қабул қилиш;

- экологик - фаолият тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши зарур**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Экологик менежмент” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Экологик менежмент” модули ўқув режада “Стратегик менежмент”, “Инновацион менежмент” ҳамда “Операцион менежмент” каби модуллар билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларга инновацион фаолиятни амалга ошириш, ўқув жараёнларини олиб боришда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион менежмент бўйича касбий ва бошқарув маҳорати даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Ўқув модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида, таълим хизматларини ташкил этишда инновацион менежмент асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Аудитория ўқув юкламаси жумладан		
			Назарий машнулот	Амалий машнулот	Кўчма машнулот
1	Экологик менежментнинг асосий инструментлари	4	2	2	
2	Корхоналарнинг экологик менежменти	4	2	2	
3	Стратегик экологик менежменти	4		4	
4	Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш	4		4	
	<b>Жами:</b>	<b>16</b>	<b>4</b>	<b>12</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Экологик менежментнинг асосий инструментлари**

Экологик менежмент инструментларининг таркиби. Экологик бошқарувнинг маъмурий-назорат инструментлари. Атроф-мухит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий инструментлари. Экологик менежментнинг ахлокий-маънавий таъсир ва ишонтириш инструментлари. Ихтиёрий экологик битимлар.

### **2-мавзу: Корхоналарнинг экологик менежменти**

Корхонлар фаолияти экологик натижалари. Экологик натижалар индикаторлари түгрисида тушунча. Индикаторлар тизими гурухлари. Корхона фаолиятининг экологик натижалари индикаторлари. Корхона фаолиятининг экологик шароитлари индикаторлари. Корхоналар фаолияти экологик натижалари индикаторларининг тизими. "Режалаштир-бажар-текшир-харакат кил" тадбирлар тизимининг моҳияти ва мазмуни.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1–амалий машғулот:**

#### **“Экологик менежмент”нинг асосий инструментлари**

Машғулот баҳс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион менежментнинг функциялари ва усуллари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва қўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. «Экологик менежмент»нинг инструментлари тўғрисида тушунча ва уларнинг классификациялаш
2. Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардаги ўрни
3. Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг «Экологик менежмент» тизимидағи ўрни
4. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари
5. Маҳсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш
6. Экологик контроллинг

## **2– амалий машғулот: Корхоналарнинг экологик менежменти**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда монополияга қарши бошқарувнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Корхонанинг «Экологик менежменти» тўғрисида тушунча
2. Корхоналар, илмий менежмент ва атроф-муҳит муҳофазаси
3. Корхоналарнинг функционал хусусиятлари ва уларнинг Экология менежменти тизимида ифодаланиши
4. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқиш

## **3– амалий машғулот: Стратегик экологик менежмент**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Стратегик экология менежменти тўғрисида тушунча
2. Стратегик экология менежментининг таҳлил усуллари

## **4– амалий машғулот: Стратегик экологик менежмент**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

1. Фирманинг экологик стратегияси ва уларнинг классификацияси
2. Хорижий мамлакатларнинг экологик стратегия менежменти тажрибалари ва улардан фойдаланиш

## **5-амалий машғулот:**

### **Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

#### **Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:**

1. Ўзбекистоннинг ўзига хос экологик вазиятлари, экологик вазияларни бартараф этиш йўналишлари.

## **6-амалий машғулот:**

### **Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

2. Экологик муаммоларни келтириб чиқарувчи асосий манбалар, шаҳарлар экологик вазиятларида: димографик, саноат, транспорт, комунал хўжалиги, қурилиш тармоқларини таъсири.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулот режалаштирилмаган.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: кўргазмали маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда жуфтлик, индивидуал.

## **МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ**

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Инновацион менежмент” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **Маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:**

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Ишлаб чиқариш тизимларини самарали бошқаришни базавий концепцияларини биласизми?”

2) Тингловчиларнинг операцион тизимлар, хорижий компанияларда операцион менежмент. Операцион ресурслар, кириш-ишлаб чиқариш жараёни тизими- чиқиш ва истеъмолчига йўналтирилганлик тизимига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → берилган тушунчалар бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

#### **Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар**

	<b>Тушунча</b>	<b>Биламан “+”, Билмайман “-”.</b>	<b>Билдим “+”, Била олмадим “-”.</b>
	Операцион заҳиралар 5П аҳамияти.		
	Операцион менежментнинг эволюцияси		
	Дунё миқёсидаги компанияларда опрецион менежмент ва операцион-қўймат таҳлили		
	Мижозни нима жалб қиласди?		
	Мижоз фахри – бу.....		
	Самарадорлик ўлчови		
	Турмуш сифати.		
	Истеъмолчи учун нима аҳамиятли?		
	Таннарх хақидаги маълумотлар		
	Истеъмолчилар ва маҳсулотлар даромадлилиги		

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси-** Ахборотни қисқача баён қилиш, мураккаб ахборотни синтезлаш, ижодий ифодалаш

Синквейн схемаси:

1–қатор – тушунча;

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат;

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл;

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз бирикмаси;

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

**Вазифа:** сифат, тежамкор ишлаб чиқариш, ҳаражат, бошқарув тизими.

**Намуна :**

Ишлаб чиқарувчи тизим

Кириш, чиқиш

Талабга йўналтирилганлик, ишлаб чиқариш, қайта алоқа

Кириш, ишлаб чиқариш жараёнини сифатли ташкил этиш ва

истеъмолчига ўз муддатида ҳаражатларни минималлаштириш асосида етказиш

Ишлаб чиқариш жараёни

### **1- амалий машғулот мавзуси бўйича қўйидаги интерфаол ўқитиши методларидан фойдаланилади:**

**1.“Кластер” методи** тингловчиларни бирон-бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб, уларда мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни чукур таҳлил этган ҳолда эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.


**“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:**

1. Топшириқни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.

**Топшириқ мазмуни:**

1. Ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.
2. Корхона рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар
3. Маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир этувчи омиллар.

**Намуна:** Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида янги маҳсулот хусусиятларини ўрганиш



**2. Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан Тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Муҳим техник ва технологик инновациялар				
Фаолиятнинг янги турларини чиқариш				
Мавжуд товар ва хизматлар бозори учун янги маҳсулотларни ўзлаштириш				
Маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш				
Маҳсулотни яхшилаш				

## **Мұхокама учун саволлар**

1. Операцион стратегия хакида етарлича маълумот биласизми?
2. Операцион стратегиянинг асосий масалалари нималардан иборат эканини айта оласизми?
3. Операцион стратегиянинг асосий йўналишларига нималар киришини тушунтира оласизми?
4. Операцион стратегия корпоратив стратегиядан нимаси билан фарқ қилишини изохлай оласизми?
5. Аутсорсинг нима эканлигини тушунтира оласизми?
6. Ишлаб чиқариш компаниясининг операцион стратегияси билан сервис компанияси операцион стратегиясининг фарқи нимада эканлигини айта оласизми?

### **2- амалий машғулот мавзуси бўйича қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:**

**1.“ЕЛПИФИЧ”** методи – тингловчилар бирор мавзунинг ижобий ва салбий томонилари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва заарларини белгилашни ўрганади. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан мұхокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

Мисол тариқасида янги маҳсулотни лойиҳалаштиришда маркетинг тадқиқотларидан қайси усулардан фойдаланиш ҳаражатларни камайтиради.

Жараёнининг босқичлари кетма-кетлигини келтиришимиз мумкин:

**Топшириқ мазмuni:** SWOT, BKG, STEP, PEST, 7S методларини таҳлил қилинг.

**❖ Намуна:**

**“Янги маҳсулотни лойиҳалаштириш жараёни“** мавзусини “Елпифич” методида ўқитиш:

Маркетинг тадқиқотлари			
Эксперт сўров		Дала тадқиқоти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
Хулоса:			

Мазкур жараёнлар кетма-кетлиги тартибсиз равища тарқатма материал шаклида берилади. Уларга жараён босқичларининг кетма-кетлигини тўғри белгилаш уқтирилади. Вазифа аввал якка ҳолда, сўнгра гурӯҳ тарзида

бажарилади. Гурухда ишлаш жараёнида тингловчилар ўз фикрини исботлаш, шахсий қарапшларини гурух аъзоларига теран етказиб бериш қобилияти шаклланиб боради. Шунингдек, 2 ҳил уннинг афзаллик ва камчиликлари аниқлангач, тингловчилар томонидан умумий хулоса келтирилиши мумкин. Ушбу харакатлар орқали тингловчиларда ишлаб чиқаришда янги маҳсулотни лойиҳалаштириш жараёни тўғрисида умумий тасаввур ҳосил бўлади.

### **Амалий машғулотда қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:**

☞ **1.ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ** ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Бир тизимда мушохада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш куникмасини ривожлантиради.

#### **Тоифали жадвални тузиш буйича ўкув топширик йўриқномаси**

1. Ўкув ахборотни бирлаштирадиган белги (тоифа) ларни ажратинг.
2. Жадвалнинг биринчи горизонтал каторига ажратилган тоифалар ёзинг, тоифалар тагига, яъни иккинчи каторга ушбу тоифанинг белгиларини акс эттирувчи ахборотни киритинг.

#### **Диккат килинг!**

Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

Намуна:“Автомобиллар таснифланиши” мавзусидаги тоифали жадвал (лавҳа)

<i><b>Автомобиллар таснифланиши</b></i>		
<b>Юк автомобиллари</b>	<b>Йўловчи ташувчи автомобиллар</b>	<b>Махсус автомобиллар</b>
1. Юк ташувчи <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Умумий фойдаланишга мўлжалланган</li> <li>2. Ихтисослашган Ўзи ағдаргич автомобиллар</li> <li>Фургон</li> <li>Систерна</li> </ul>	1. Енгил автомобиллар <ul style="list-style-type: none"> <li>2. Автобуслар</li> <li>3. Тиркама ва ярим тиркамалар</li> </ul>	1. Махсус жихозланган <ul style="list-style-type: none"> <li>2. Транспорт ишларига мўлжалланган</li> <li>3. Тиркама ва ярим тиркама</li> </ul>

**2. КОЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ** ўрганилаётган ходиса, тушунча, қарапшлар, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жихатлари бўйича таққослаш имконини беради.

Концептуал жадвалда таққосланадиган фикр, назариялар вертикал тик катор буйича жойлаштирилади, горизонтал қатор бўйича таққосланиш олиб бориладиган турли тавсиф ва хусусиятлари ёзилади.

Концептуал жадвални тузиш бўйича ўқув топшириқ йўриқномаси

1. Ўқув топшириқда кўрсатилган назариялар (ёндашишлар, тушунчалар)ни таққослаш амалга ошириладиган тавсифлар руйхатини тузинг.

2. Жадвални расмийлаштиринг: вертикал бўйича – таққослаш талаб этиладиган нарсалар (қарашлар, назариялар) жойлаштирилади; горизонтал бўйича – таққослашни амалга оширишдаги ҳар хил тавсифлар жойлаштирилади

**“Двигатель турлари” мавзусидаги концептуал жадвал (лавҳа)**


Двигатель турлари	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқалар		
	Ёкилғи тури	афзалликлари	камчиликлари
Дизел двигатель	Дизел ёқилғи	Атмосферага кам захарли газлар чиқаради, ёкилғи сарфи кам ва арzon	Дизел двигателларини ишлаб чиқариш 1,5...2,0 марта қиммат, оғирлиги ва ўлчамлари катта.
Карбюраторли двигатель	Бензин, газ ёқилғиси	Двигатель ўлчамлари кичик	Сиқиши даражаси нисбатан кичик, атмосферага кўп заҳарли газ ажратади

**3- амалий машғулот мавзуси бўйича қўйидаги интерфаол ўқитиши методларидан фойдаланилади:**

**1.ВЕНН ДИАГРАММАСИ** Британиялик файласуф, математик ва мантиқчи Венн томонидан 1881 – йилда киритилган. 2 ва 3 жиҳатларини солишириш, таққослаш, қарама-қарши қўйиш хамда уларни умумий тарзда кўрсатиш учун қўлланилади. Тизимли мушоҳада қилиш, таққослаш, солишириш, тахлил ва синтезни амалга ошириш кўнинкаларини ривожлантиради.

Венн диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириқ йўриқномаси


1. Иккита бир-бири билан кесишувчи доираларни чизинг:



2. Ўқитувчи томонидан таклиф қилинган иккита объект (тушунча)ни, қайси жиҳатлари бўйича таққослашингизни аниқлаб олинг.
3. Ушбу жиҳатлар бўйича чап доирада биринчи обектни тавсифланг, ўнг доирада эса – иккинчи обектни.
4. Доиранинг кесишган жойида иккала доиранинг ахбороти (xx) учун умумий бўлган жиҳатлар рўйхатини тузинг

### **❖ Намуна.**

**“Электрон почта ва оддий почтанинг ўхшаш томонлари” мавзусидаги Вени диаграммаси (лавҳа)**



**Амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:**

**1.Т - ЖАДВАЛ** – Битта концепция (мальумот)нинг иккита жиҳатини қайд қилиш ёки иккита (ҳа/йўқ, ҳа/карши) жиҳатларини солишириш учун қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.

**T – жадвалини тузиш бўйича ўқув топширик йўриқномаси**

1. Жадвални расмийлаштиринг: Жадвалнинг юкори горизонтал қатори чап томонида “Ҳа” (афзалликлар), ўнг томонида эса – “йўқ” (камчиликлар) сўзларини ёзинг.

2. Жадвалнинг кейинги қаторининг чап томонига сабаблари (ҳа) ёзиш, ўнг томонига эса чап томондаги фикрга қарама – қарши фикр, ғоя, омил ва шу кабиларни ёзинг

☞ Мисол. “Компьютер орқали Интернетдан фойдаланишнинг афзалик томонлари ва камчиликлари” мавзусидаги Т - жадвал

<i>Афзаликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>
Турли хил фанлардан зарур маъруза матнларини олиш	Интернетдаги турли вируслар юқиб қолиши
Турли адабиётлардан фойдаланиш	Турли маънавиятимизга мос бўлмаган сайтларнинг мавжудлиги

#### **4- амалий машғулот мавзуси бўйича қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:**

Тингловчиларнинг замонавий бошқарув концепциялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

##### **“Тушунчалар”- таҳлили**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?</b>	<b>Қўшимча маълумот</b>
TQM		
Kayzen		
Канбан усули		
JIT		

Амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

*Топшириқ мазмуни → “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси материаллари асосида SWOT-таҳлил усули.*

##### **“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

### **III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

#### **1-МАВЗУ. ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИ**

##### **РЕЖА:**

- 1.1. «Экологик менежмент»нинг инструментлари тўғрисида тушунча ва уларнинг классификациялаш
- 1.2. Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардаги ўрни
- 1.3. Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг «Экологик менежмент» тизимидағи ўрни
- 1.4. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари
- 1.5. Маҳсулот экологик ҳаётйи циклини баҳолаш
- 1.6. Экологик контроллинг

##### **1.1. «Экологик менежмент»нинг инструментлари тўғрисида тушунча ва уларнинг классификациялаш**

"Инструмент" тушунчаси "восита", "усул" маъноларини билдиради. Шунга мувофиқ "Экология менежменти инструменти" тушунчаси "экологик бошқарув воситалари", "усуллари" маъноларида кўлланилади. Турли худудий-маъмурӣ иерархия даражаларида экологик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотлар тўпланади ва тайёрланади, улар баҳоланади ва турли мақсадларда ишлатилади. Шу нуқтаи назардан инструментларни «Экологик менежмент» учун ахборотларни аниқлаш ва топиш, кўллаш усуслари сифатида тушуниш мумкин.

Кўп хил ва турдаги ахборот оқимлари мавжудлиги ва уларни кўллаш усусларининг ҳам хилма-хиллиги уларни тўлиқ классификациялашга имкон бермайди ва ҳар қандай классификациялаш шартли бўлади. Шу сабабдан «Экологик менежмент» инструментларини муҳим белгилари, моҳияти ва мазмуни бўйича турлича классификациялаш мумкин.

«Экологик менежмент» инструментлари фойдаланиш ҳолатига кўра, оддий (статик) ва фаол (динамик) инструментлар тизимига бўлинади. Оддий (статик) инструментларга қўйидагилар киради: 1) экологик баланслар; 2) экологик ҳисоб ва экологик аудит; 3) экологик индикаторлар; 4) маҳсулот ҳаётйи циклини экологик баҳолаш. Фаол (динамик) инструментларга қўйидагилар киради: 1) экологик контроллинг; 2) иерархия жараёнларининг таҳлил усуслари. Динамик (фаол) инструментлар ёрдамида маълум қоидалар ишлаб чиқилади ва улар «Экологик менежмент»нинг турли схемаларини амалга ошириш учун статик (оддий) инструментлардан фойдаланишга имкон беради.

Статик (оддий) инструментлар қамраб олиш соҳаси, ўлчови, амалий йўналишларига боғлиқ ҳолда фарқ қиласди. Масалан, қамраб олиш соҳаси ва ўлчови бўйича инструментлар аниқ адресатларга (олувчиларга) фойдали амалий ахборотларни етказиб беришга асосий эътиборини қаратади. Амалий йўналишларга боғлиқ инструментлар эса ахборотларни маълум адресатларга етказиб беришни аниқ кўзда тутмайдиган вазиятни қамраб олади. Динамик инструментлар асосан ўзларининг умумийлиги (бир хиллиги) ва формализация даражаси билан ажралиб туради. Масалан, Эко-контроллинг менежментни зарур ахборотлар билан таъминлашнинг ғоят умумий схемаси ҳисобланади; иерархия жараёни таҳлили усули «Экологик менежмент» мақсадларининг мос тизимларини жамоавий ишлаб чиқиш йўли билан стратегик қарорларни асослашга ёрдам беради.

#### **a. Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардаги ўрни**

Корхоналар, туманлар, вилоятлар ва мамлакат экологик ахборотлар тизими улар фаолиятининг экологик аспектига тааллукли бўлади. Масалан, маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришда сув истеъмоли ёки энергия ва хом ашё ресурсларини сарфлаш даражасига боғлиқ ахборотлар шулар қаторига киради. Экологик ахборотлар тизимлари (ЭАТ) корхоналар ва бошқа иерархия бирликлари фаолиятининг атроф табиий муҳитига (АТМ) таъсирини (нагрузкаси) акс еттиради ва уни баҳолашга имкон беради. ЭАТ табиатдан фойдаланувчилар фаолиятининг экологик муҳити ва хавф хатарини аниқлашга йўналтирилган маҳсус бошқарув инструментлари тизими бўлиб хизмат қиласди. У фаолиятнинг узок муддатли, превентив (олдини олувчи, огохлантирувчи), инновация аспектлари фаоллигини ҳам қамраб олади.

ЭАТ ички ва ташқи адресатлар учун экологик ахборотларни аниқлайди, қайта ишлайди ва уларга миқдорий шаклда етказиб беради. Ички адресатларга акционерлар, истеъмолчилар, суғурта компаниялари, буюртмачилар, харидорлар, ҳокимият органлари, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар киради. Ташқи адресатлар қаторига олий раҳбарлар, менежерлар, шу жумладан, менежер-экологлар, бўлимларнинг раҳбарлари ва мутахассислари киради.

Ички ва ташқи адресатларнинг эҳтиёжлари ҳар-хил бўлади. Ички адресатлардан, масалан, менежерларни, энг аввало, янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг имконият ва хатарларини олдиндан кўришга имкон берадиган, уларни реализация қилишнинг жараёни кечишининг режа топшириқларидан четга чиқиши эҳтимоли тўғрисидаги, шунингдек, тузатишлар киритиладиган тадбирларнинг оқибати тўғрисидаги ахборотлар қизиқтиради. Бўлимларнинг раҳбарларига, энг аввало маркетинг ва моддий-техника таъминоти бўлимлари мутахассисларига салбий самарани камайтиришга ёки негатив (кераксиз) маҳсулот ва уларни упаковкалашни (жоулаш, ўраш, солиш) камайтиришга имкон берадиган ахборотлар керак. Ишлаб чиқариш жараёнида қандай ресурслар (хомашё ва материаллар) қатнашиши ва маҳсулотни

истеъмолчига етказиб бериш жараёнида қандай транспорт оқимлари пайдо бўлиши энг кўп даражада таъминотга боғлиқ бўлади. Шунга мос экологик оқибатлар корхоналардаги барча жараёнлар учун, шунингдек, барча мутахассислар ва ходимлар иш фаолиятлари учун аниқланиши керак.

Ташқи адресатлар, масалан, маҳсулотнинг экологик сифати тўғрисидаги ахборотлар билан доимий таъминлашга эҳтиёж сезадилар. Булар истеъмолчилар учун экологик маркировка орқали амалга оширилади. Таъминотчилар учун етказиб бериладиган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар асосий ўринни эгаллайди. Банклар ва суғурта компаниялари учун, масалан, фирмалар жоулашган ер участкаларининг экологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ва улар билан боғлиқ бўлган таваккалчилик ва хатарлар муҳим аҳамиятга эга. Давлат органлари учун атроф-муҳиттга чиқариладиган (ташлаб юбориладиган) чиқиндилар тўғрисидаги ахборотлар керак. Жамоатчилик учун эса экологик рЭконструкцияларнинг ижтимоий оқибатлари, шу жумладан корхоналарда иш ўринларининг ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар муҳим аҳамият касб этади.

Экологик ахборот тизимларининг шакланиши ва ишлаши қўйидаги қатор муҳим муаммолар ечимида боғлиқ:

- фирмалар, корхоналар, туманлар вилоятларнинг моддий ва энергетик оқимлар ва цикллар тизимини моделлаштириш ва лимитициялашга тайёрлиги. Улар орқали корхоналар доирасида хомашё материал ва энергиянинг ҳар қандай турининг харакати акс еттирилади;

- экологик маълумотларни танлаш, олиш ва агрэгациялашнинг қийинлиги;

- корхоналарнинг турли экологик таъсиrlарини баҳлашнинг мураккаблиги. Улар ўртасидаги ўзаро таъсиr, ўзини ўзи тартибга солиш ва сусткашлик (кечикиш) эҳтимоллари бундай мураккаблик сабаблари қаторига қиради.

Экологик баланслар (экобаланслар)-корхоналар ахборот тизимларининг элементи бўлиб, улар корхонанинг атроф табиий муҳит (АТМ) таъсирини ҳисобга олишнинг турли тизимларини ўз ичига олади. Экологик баланслар моддий ва энергетик оқимларнинг экологик йўналтирилган ҳисобидир. Экобаланс маълумотлари турли соҳаларда қўлланилади. Масалан, улар упаковка материаллар турли хилларини таққослашда, инвестиция лойиҳаларининг харажат-натижаларини таҳлил қилиш жараёнида, токсик (захарли) материалларнинг миллий балансни тузатишда зарур бўлиб, айrim корхоналарнинг, иқтисодиёт ва унинг тармоқларининг АТМга кўрсатадиган таъсири юкларини ифодалайдиган ахборотларга талабнинг бориши билан узвий боғлиқдир. Шундай қилиб, Экобаланс кўплаб маҳсулотлар, уларнинг гурухлари, тизимлари жараёнлари, ёки иқтисодий феъл-атвори усувларининг экологик оқибатларини мумкин қадар тўлиқ таққослашни таъминлайдиган инструмент ҳисобланади.

Экологик балансларнинг тўлиқ ҳажми бир-бирига асосланган қўйидаги учта инструкциядан тузилади:

1) Энергия ва материаллар баланси (предмет баланси). Улар ёрдамида корхонанинг ишлаб чиқариш тизими ва чиқим оқимлари мажмуаси тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади ва улар таҳлил қилинади. Унинг маълумотларидан экологик сиёсатни ишлаб чиқишида фойдаланилади.


2) Оқибатлар баланси. Предмет баланси асосида экологик, иқтисодий, ижтимоий таъсир кўрсатилади ва таҳлил қилинади. Улар қаторига, масалан, қўйидагилар киради: Яқин ёки узоқ раёнларнинг атмосфера ҳавосига, сувига ерига, флора, фаунасига газсимон моддалар емиссияси таъсири; ресурсларни олишнинг маҳаллий (локал) ва минтақавий тизимларига таъсири.

3) Хўжалик фаоллигининг соҳалари ва устунлигини аниқлаш мақсадларида оқибатлар баланси натижаларини баланс баҳолашни амалга ошириш. Бунда режа- факт таққослаш вситасида норматив (режа) кўрсаткичлар максимал рухсат бериладиган кўрсаткичлар, фан ва техника ривожланиши даражаси билан таққослаб таҳлил қилинади ва экологик оқибатлар бўйича маълум хуносалар чиқарилади.;

Баланс маълумотлари қўйидаги принципларга мос бўлиши керак: баланс тузиш процедурасининг яққол кўриниб туриши процедураларни тасивирлаш (акс эттириш) имконияти; процедура қоидаларининг мажбурийлиги; маълумотлар манбааларининг очиқлиги;

Экологик балансларнинг Ўзбекистон учун ибратли бўлган яхлит концепцияси Германияда ишлаб чиқарилган ва кенг қўлланилади. Германияда қўлланиладиган Экобаланс тизимлари қўйидаги тўртта хусусий баланслардан ташкил топади; харажат-маҳсулот ва ишлаб чиқаришнинг жойлашган ўрни баланси. Уни қўйидаги чизмада ифодалаш мумкин (1-чизма).

### 1-чизма. Экологик баланс систематикаси



1-расмдан кўриниб турибдики, бу хусусий баланслар воситасида корхона хўжалик фаолиятининг асосий экологик оқибатлари қамраб олинади ва баҳоланади. Бу тўртта хусусий баланслар бир-бирини тўлдиради ва бир-бири билан маълум даражада кесишади.

Харажат-ишлиб чиқариш баланси (ёки корхона баланси) таҳлилиниг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бунда бир томондан барча моддий (материал) ва энергетик ресурслар ҳажми (кирим оқимлари), бошқа томондан эса корхона ишилб чиқариш (чиқим оқимлари) тадқиқ этилади. Бунда корхона ичидаги содир бўладиган жараёнлар ҳисобга олинмайди. Чиқим оқимларига ишилб чиқариладиган маҳсулот (хизмат турлари) билан бир қаторда турли-туман чиқиндилар (қаттиқ, суюқ, газсимон ва бошқалар) ҳам киради.

Бундай типдаги балансларнинг хусусияти шундаки, корхонага олиб келтириладиган барча материал ва энергия бошқа шаклларига ўтади. Масалан, ҳом материаллар ишилб чиқариш ресурсларига айлантирилади ёки бошқа ҳолатга ўтади (масалан, блокли иссиқлик електрстансияларида ишлатиладиган газнинг бир қисми иссиқлик чиқиндиларига айланади). Кирим ва чиқим оқимларининг балансини тузиш шу билан характерланади, табиий (физик) ҳажм бирликларида ифодаланиладиган бундай оқимлар бир-бирлари билан таққосланади. Материал ва энергия оқимларини ёзиб қўйиш турли даражада олиб борилади. Корхонанинг экологик баланси қўйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

### **3-жадвал**

#### **Корхонанинг экологик баланси**

<b>1-даражада</b>	<b>1. Кирим оқимлари</b>	<b>2. Чиқим оқимлари</b>
	I. Материаллар.  II. Энергия	I. Маҳсулотлар.  II. Моддий материал ифлосланиши:  1.Чиқиндилар  2.Оқавалар.  3.Атмосфера чиқитлари.  III. Энергетик ифлосланиши:  1.Иссиқлик чиқитлари  2.Шовқин билан ифлосланиши.

		3.Бошқа ифлосланишлар (ёруғлик таъсири ва бошқалар).
2-даражада	Айрим материаллар, чиқиндиларни утилизация қилиш йўлларини дифференсиал кўриб чиқиши.	
3-даражада	Айрим материаллар таркиби.	

Жараёнлар баланси (ички хўжалик жараёнлари) орқали АТМга биргалиқда таъсир кўрсатишда айрим жараёнларнинг ҳиссаси кўрсатилади.

Маҳсулотлар баланси маълумотлари ишлаб чиқариладиган товарнинг экологик таъсирига нисбатан баҳолашга хизмат қиласи. Шундай баҳолаш учун маҳсулотнинг умумий экологик ҳаётий циклларини кўриб чиқиш зарур. Унинг доирасида энергия ва материалларнинг айланиши ҳар томонлама ҳисобга олинади. Гап шундаки, ишлаб чиқариш жараёнида, шунингдек, хизматини ўтаб бўлган маҳсулотларни утилизациялаш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнида АТМга катта босим (таъсир) юзага келади.

### **2.3. Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг «Экологик менежмент» тизимидағи ўрни**

Экологик ҳисоб муҳим бошқарув ва ахборот инструментлари қаторига киради ва у корхоналар, туманлар вилоятлар ва мамлакат табиат муҳофазаси фаолияти ва АТМга турли шаклдаги таъсирнинг тўпламини ва самарадорлиги таҳлили ва назоратини амалга оширги.

Экологик ҳисоб умумий ҳолатда молиявий ва бошқарув ҳисобини, шунингдек, экологик кўрсаткичлар бўйича ҳисботни ўз ичига олади. Зарурат бўйича у амалга оширган ҳисоб операцияларининг таҳлили ва баҳоланиши билан тўлдирилади. Сўнгги ҳолатда у кўп даражада экологик аудит билан боғланади. Бу инструментларнинг ҳаммаси корхона ва бошқа иерархия бўғиннинг «Экологик менежмент» тизимида киради ва бир вақтнинг ўзида корхоналар экологик ахборот тизимлари блокининг таркибий қисмини шакллантиради. Экологик ҳисоб (ҳисоб-китоб)ларга нисбатан XX асрнинг 90 уйларида қўйидаги ёндашувлар ишлаб чиқилган:

- 1) Корхона счетлари (ҳисоблари) атроф-муҳитга муносабатни ва табиат муҳофазаси фаолияти билан боғлиқ харажатларни, таваккалчилик ва мажбуриятларни акс еттириши керак.
- 2) Инвесторлар инвестиция қарорларини қабул қилиш учун табиат муҳофазаси фаолияти билан боғлиқ бўлган экологик тадбирлар ва харажатлар бўйича ахборотларга эга бўлиши зарур.
- 3) Табиат муҳофазаси тадбирлари бошқарув фаолияти предмети бўлганлиги сабабли менежарлар табиат муҳофазаси харажатларини шундай

аниқлаши ва қайта тақсимлаши керакки, унда маҳсулот тўғри баҳоланиши, инвестиция қарорлари эса реал сарфлар ва манфаатга (фойдага, нафга) асосланган бўлиши керак.

4) Экологик ҳисоб экологик самарадорлик принципига риоя қилишга асосланиб, барқарор ривожланишнинг калитига айланиши керак. Бунда Экосамарадорлик бир вақтнинг ўзида корхона даромадининг ўсишига ва корхонанинг АТМга таъсирини камайтиришни кўзлаши лозим. Булар табиат муҳофазаси бўйича харажатлар, жамғармалар ва хўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири бўйича аниқ ахборотларни тақдим қилиш орқали ўлчаниши мумкин.

5) қонунчилик, банклар, инвесторлар, жамоатчилик, рақобат (шу жумладан, халқаро рақобат) табиат муҳофазаси тадбирлари ва уларнинг самарадорлиги бўйича ҳисобот беришни рағбатлантиради.

Экологик ҳисобда корхоналар, туманлар, вилоятлар, мамлакат экологик фаолияти тўғрисидаги экологик ахборотлар акс еттирилади. Экологик ахборотлар иқтисодиётнинг асосий тармоқлари (кимё ва нефткимёсаноати, автомобилсозлик, фармацевтика, металургия, ўрмон саноатини қўшиб) хусусиятларини ҳисобга олиб тўпланади. Ҳозирги экологик ахборотлар қўйидаги позицияларни ўз ичини олади.

1. Ассий йўналишлар бўйича мақсадли кўрсаткичлар, стандартлар ва натижавий тадбирлар.

2. Корхоналар ва бошқа иерархия даражалари фаолиятининг энг самарали муҳим экологик аспектлари (чиқиндилар, турли чиқармалар ва бошқалар).

3. Корхоналар, туманлар, вилоятлар, мамлакатнинг молиявий кўрсаткичлари ва мулклари бўйича маълумотлар (жорий харажатлар, капитал қўйилмалар, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик бўйича харажатлар, авариядан кеуинги тадбирларга харажатлар, табиат муҳофазаси обьектларини сотиб олиш (эгаллаш) ва бошқалар).

4. Экологик авариялар бўйича жавобгарлик (зарарни ундириш бўйича судда ишни қўришни ҳам қўшиб).

5. Молиявий ҳисоботларга иловаларда бериладиган ахборотлар.

Одатда 1 ва 2 позиция ахборотлари экологик ҳисоб ёки статистик ҳисоб тушунчаси билан ифодаланади. 3-5 позициядаги ахборотлар бухгалтерия ҳисобида берилади ва улар бухгалтерия баланси, даромад ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, шунингдек, аудитор хulosаларини ҳам ўз ичига олади.

Экологик ҳисоб (ҳисоб-китоб)да қўйидаги умумий принципларга амал қилиш муҳим аҳамиятга эга: таққослашлик, бир хиллик, ишончлилик, аҳамиятлилик, холислик ва маълумотлар тўлалиги. Шу муносабат билан бугунги кунда қўйидагилар ўзларининг долзарблигини сақлаб қолади:

· Экологик ахборотлар сифатини ошириш, тасвирловчи материаллар ва қисман маълумотлардан тизимлаштирилган, рақамли, таққосланадиган (тармоқлар, раёнлар, мамлакатлар бўйича), ишончли (тасдиқланадиган) ахборотларга ўтиш;

· Компанияларнинг экологик ҳисоботи (ахборотлари) ва молиявий ҳисоботлари (ахборотлари) ўртасида зарурий амалий алоқаларни таъминлаш. Улар интеграциялашган «Экологик менежмент»га ўтиш учун биринчи навбатдаги аҳамиятга эга.

· Табиат муҳофазаси харажатлари ва бошқа харажатлар ўртасида аниқ чэгараларни ўтказиш.

Корхоналар харажатларининг ҳисоб-китобида фактик (аниқ) харажатлар (яъни ўтмиш харажатлари) ва режа (яъни келажак) харажатларини ажратиш керак. Чунки ҳозирги замон бизнес концепцияларида шундай ҳисоб-китоблардан истиқболдаги жараёнларни онгли режалаштириш учун кэнг фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан экологик ҳисоб-китоб ташқи самарани (харажат) пул бирлигига аниқлаш ва акс еттириши керак. (4-жадвал).

#### **4-жадвал**

#### **Экологик экстерналлар ва уларнинг корхона ҳисоб-китоб тизимида ифодаланиши**

Ташқи харажатлар (самаралар)	Экологик аҳамиятга эга бўлган	Экологик аҳамиятга эга бўлмаган
Ҳисоб-китоб тизимида Ҳисобга олинмаган бўлса	Биринчи хил	-
Ҳисоб тўғрисидаги масала очик (охиригача хал қилинмаган)		-
	Учинчи хил	Тўртинчи хил

Экологик ҳисоботнинг усулик инструментариялари 5-жадвалда берилган.

## 5-жадвал

### Экологик ҳисоботнинг усуллик инструментариялари.

Экологик йўналтирилган					
Ҳисоботнинг анъанавий шакллари			Экологик самарани ҳисобга олиш.		
Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ёрдамида айланишни кўпайтириш.		Атроф-мухит муҳофазаси билан боғлиқ ҳаражатлар		Интерналлашган экологик ҳаражатлар Экстерналлашган экологик ҳаражатлар	
Бевосита	Билвосита	Харажат камайиши	Харажат кўпайиши	Экстернал -лашган экологик фойдалилик	
Чиқинди-лардан қайта фойдалан ишдан олинган кўшимча тушум (даромад)	Имидж	Ишлаб чиқаришга кўшиладиган омиллар-нинг камайиши	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	Бинолар, ўрмон, тупроқ, сув ҳолатининг самараси	Ландшафт, иқлим шароитлари и саломатлик, яшаш тарзи ҳолатининг самараси
Баҳо ошиши	Гудвилл (сезилиб турмайдиган активлар)	Номақбул кўшимча маҳсулотларни камайтириш	Номақбул кўшимча маҳсулотларни ўсиши		
Янги маҳсулот	Ноу - хая				
Молиявий ҳисоботларнинг дифференциаллашуви				Молиявий ҳисоботларнинг кенгайиши	

4-жадвалдан молиявий ҳисоботларнинг дифференциаллашуви ва молиявий ҳисоботларнинг кэнгайиши ёндашувлари ўртасида аниқ чэгаралар

уўқлиги кўриниб турибди. Шу муносабат билан корхоналар экологик фаолияти тўғрисидаги тўлик ахборотнинг қисмлари (моддалари) б жадвалда кўрсатилган.

## **6-жадвал**

Атроф-муҳит муҳофазасига алоқадор бўлган баланс қисмлари (моддалари)

<b>Активлар</b>	<b>Пассивлар</b>
<b>I. Номоддий активлар.</b> Атроф-муҳит муҳофазаси учун иншоотлардан биргаликда фойдаланиш хуқуқи	<b>I.Хусусий капитал.</b> Атроф-муҳит муҳофазасини ўтказиш учун инвестицияларнинг фойда ҳисобидаги резервлари.
<b>II. Асосий капитал.</b> Атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қиласидиган иншоотлар ва қурилмалар, атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қиласидиган бошқа қурилмалар, ишлаб чиқариш ва фирма жиҳозлари, атроф табиий муҳит учун амалга оширилган олдиндан ҳақ тўлаш ва тугалланмаган жиҳозлар қурилиши	<b>II. Резерв фондлари.</b> Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича номалум мажбуриятлар учун резерв фондлари ажратмалар, тог массивлари емирилиши учун тўловларга резерв фондига ажратмалар, рекултивация учун резерв фондига ажратмалар, чиқиндиларни бартараф этиш учун резерв фондига ажратмалар.
<b>III. Айланма капитал.</b> Экологик тоза хомашё ва уэкологик тоза маҳсулот заҳиралари.	<b>III. Табиат муҳофазаси</b> мақсадлари учун молия- кредит муассасалари томонидан берилган кредитлар бўйича мажбуриятлар

Экологик ҳисоб ва экологик ҳисботда экологик аудит (Экоаудит) муҳим ўрин эгаллади. Экоаудит ёрдамида бизнесда ишлаб чиқариш жараёнларига тобора қаттиқроқ экологик талаблар қўйилади ва улар амалга оширилади. Экоаудит - бу ички фирма потенсиали, экологик таваккалчилик (хавф-хатар) ва имкониятларни тизимили текшириш инструментидир. Биринчи марта экологик аудит тизими 1970 уилларда АҚШда фирмалар томонидан ўша даврдаги америка табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига қўйиладиган талабларга эришиш мақсадларида қўлланилган еди. 1980 уилларнинг охирига келиб баъзи, компаниялар қонунчиликда назарда тутилган экологик кўрсаткичларга еришдилар. Шундан бўён фаол Экоаудит ва фаол «Экологик менежмент» АҚШ компаниялари билан бир каторда Европа фирмаларида ҳам кўп ишончга сазовор бўлди. Халқаро ИСО1400 ва ЕМАС (1998) стандартлари қабул қилиниши билан аудиторлик текширувларини вақти-вақти билан ўтказиш

компаниялар тегишли сертификатларни олишлари учун энг мұхим шартларидан бири бўлиб қолди.

Экологик аудит - бу ташкилотлар экологик фаолияти аспектларини тизимлаштирилган ҳужжатлар билан расмийлаштирилган текшириш жараёни, шунингдек, объектив олинадиган ва баҳоланадиган маълумотлар бўлиб, улар иқтисодий фаолият тури ва шартларининг, маъмурий бошқариш тизимининг ёки бу объектлар тўғрисидаги ахборотларнинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик соҳасида норматив қонунчилик талабларига ва самарадорлик мезонларига мос келишини аниқлаш мақсадларида ўтказилади.

Экологик аудитнинг асосий мақсадига қўйидагилар киради: 1)корхоналар фаолиятининг экологик аспектлари ва уларнинг белгиланган стандартлари, нормативларига ва тегишли текширишни ўтказиш ташаббусчиларининг талабларига мос келиши тўғрисида объектив ахборотларни тақдим қилиш; 2) «Экологик менежмент», экологик контролинг ва бошқаларни ташкил этишини янада яхшилашга тааллуқли фойдали тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, фирмалар ўтказадиган табиат муҳофазаси тадбирларининг самарадорлигини ошириш.

Экологик аудит қўйидаги асосий функцияларни бажаради:

- фирма фаолиятининг экологик қонунчилик ва фирманинг атроф-мухит муҳофазаси соҳасида декларацияланган сиёсатига, шунингдек, унинг иқтисодий мақсадларига мос келишини аниқлаш;
- ташкилотнинг Экология менежменти тизими самарадорлигини белгилаши;
- атроф-мухит муҳофазаси соҳасида қарорлар қабул қилиш учун менежерни ахборот билан таъминлашга имкон бериш;
- корхона ходимлари, маҳаллий аҳоли ва атроф табиий муҳитни зарарли таъсир эҳтимолидан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- экологик хавфли авариялар пайдо бўлиши эҳтимолини таҳлил қилиш;
- фирманинг атроф табиий муҳитга реал таъсирини аниқлаш;
- ташкилотни экологик сиёсатни ва ишлаб чиқариш фаолиятини уларнинг экологик хавфсизлик даражасини ошириш мақсадларида таъминлашга йўналтириш.

Халқаро стандартларга мувофиқ (ИСО14010) экологик аудит текширишининг асосий принципларига қўйидагилар киради:

- 1) Мақсад ва ҳажмни аниқ белгилаш. Бунда аудитор текширувларнинг мақсадини унинг ташаббускорлари белгилайди, ҳажми ва тафсилоти, чуқурлиги мақсадлар ҳисобга олиниб аниқланади.
- 2) Объективлик, холислик ва асослилик. Бу талабларга риоя қилиш учун аудитор гурухи аъзолари улар текшираётган фаолиятдан холис бўлишлари керак, улар объектив ва нотўғри фикрга эга бўлишдан озод бўлишлари лозим.

Аудитор гурухи аъзолари тегишли билимларга, малака ва тажрибага эга бўлишлари керак. Эко-аудиторларга касбий ва бошқа талабларнинг тўлиқ таркиби ИСО 14012 стандартида берилган.

3) Тегишли касбий еҳтиёткорлик. Аудитор гурухи аъзолари билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар конфиденсиал (махфий, яширин) ва оқилона бўлиши керак. Аудиттор гурухи аъзолари, агар қонун шуни талаб қилмаса, аудит жараёнида олинган ахборотлар ёки ҳужжатларни ёки охирги хulosаларни хар қандай учинчи томонга мижоздан (яъни аудит ташаббускоридан) рухсат олмасдан ошкор қилиши мумкин емас. Бу ҳолат ташкилотдан рухсат олишга ҳам тегишлидир.

4) Тизимлилик. Экологик аудитни тегишли турдаги текширишлар учун ишлаб чиқарилган асосий тамоуиллар ва раҳбарий кўрсатмаларга мувофиқ ўтказиш керак.

5) Аудит мезонларини белгилаш; ўрнатилган мезонларга асосланиб аудитор маълумотлари тўлиқлиги ва зарур сифати аниқланади.

6) Аудит натижалари ва хulosаларининг ишончлилиги.

7) Аудитнинг келишилган мақсадлари ва ҳажмини ҳисобга олиб аудитор хulosасининг тўлиқлиги.

Бу принциплардан кўриниб турибдики, Эко-аудит ташқи, яъни корхонадан ташқаридан юборилган ташаббус билан ўтказиладиган, шунингдек, ички Экоаудит, яъни текширилувчи ташкилот қарори билан ўтказиладиган турларга бўлинади. Мамлакат миллий қонунчилигини ҳисобга олиб аудитни мажбурий (яъни норматив хуқуқий актлар бевосита ўрнатилган ҳаракатларда ўтказиладиган) ва ташаббус аудитига (яъни хўжалик фаолияти субъектининг ўз ташабbusи билан ўтказиладиган) ажратиш мумкин. Барча ҳолларда аудит ташабbusчиси (у яна буюртмачи ёки мижоз деб ҳам аталади) аудитор ташкилоти билан тегишли шартнома тузади. Шартномада аудитор текширувининг мақсади, ҳажми, даврийлиги белгиланади. Мажбурий аудитда шартнома шакли мамлакатнинг норматив-хуқуқий актлари билан белгиланиши мумкин.

Амалиётда Экоаудитнинг қўйидаги турлари қўлланилади:

1. Тизимли аудит - корхона ташкил қилинишини ва унинг жараёнларини уларнинг структура ва функционал ишга лаёқатлилиги нуқтаи назардан тадқиқ этиш.

2. Жараёнлар аудити - маълум ишлаб чиқариш жараёнлари ва процедуралари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун тадбирлар нуқтаи назаридан текшириш.

3. Назорат аудити - масалан, қонунчилик кўрсатмаларининг бажарилишини текшириш.

4. Алоҳида сабаблар бўйича аудит, масалан,

- маҳсус чиқиндиларни ишлаш аудии;
- аҳоли саломатлигига ишлаб чиқариш жараёнларининг таъсири аудити;
- маҳсулот аудити (маҳсулотнинг экологик ҳаёт цикли);
- маҳсулот сифати аудити;
- атроф-муҳитга корхронанинг ташланмалари (оқавалари) аудити.

5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш тизими аудити - ташкилотларга уларни экологик сиёсати ва мақсадларига тааллуқли бўлган талабларни доимий бажарилишини аниқлашга ёрдам беришга йўналтиилади.

Ўзбекистонда экологик аудитнинг норматив асоси "Экологик экспертиза тўғрисида"ги (2002у) қонун билан белгиланади.

#### **2.4. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари**

Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари (КФЕНИ) унинг ахборот экологик тизимининг муҳим элементи бўлиб, экологик бошқарувнинг асосий муаммолари ечимини топишга ёрдам беради. КФЕНИ корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш, шунингдек уларнинг табиат муҳофазаси бўйича ҳаракат усуллари, харажатлари ва натижаларининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласиди.

Индикаторлар тизими қўйидаги икки гурӯхга бўлинади:

- 1) Корхона фаолиятининг экологик натижалари индикаторлари;
  - 2) Корхона фаолиятининг экологик шароитлари индикаторлари.
- Биринчи гурӯх, ўз навбатида, менежмент тизими экологик индикаторлари ва операция жараёнлари индикаторларига бўлинади. КФЕНИ структураси 3-чизмада кўрсатилган ва қисқача таърифланган.

<b>I. Корхоналар фаолиятининг экологик натижалари индикаторлари (КФЕНИ)</b>	
<b>1.1. Менежмент тизими экологик индикаторлари (МТЕИ)</b> <p>1) Сиёsat ва дастурларни амалга ошириш (еришилган мақсадли ва режа кўрсаткичлари, шу жумладан, билимлар бўйича; экологик қайта тайёргарликдан ўтган, экологик таклифлар берган, атроф-муҳит мухофазаси дастурларида қатнашадиган</p>	<b>1.2. Операция жараёнларининг экологик индикаторлари (ОЖЕИ)</b> <p>1) Таҳлил асосида аниқланган хомашё, материаллар ва энергия оқимлари, шу жумладан:</p> <p>ишлаб чиқариш ва упаковка учун материаллар (турлар бўйича дастлабки хомашё. Умумий ҳажми ва маҳсулот бирлигига, шу жумладан, сув истеъмоли, режаланган материаллар, упаковка, шундан қайта</p>

<p>ходимлар сони).</p> <p>2) Тартибга солувчи нормаларнинг бажарилиши (бажарилган ва бажарилмаган нормалар сони, экологик можаролар сони, уларнинг харжатлари; аудитор текширишлари режаларнинг бажарилиши ва бошқалар).</p> <p>3) Молиявий натижалар (экологик харжатлар (операция ва капитал харжатлар) Экоинвестициялар рентабеллиги, ресурсларни тежаш натижасида харжатларни тежаш, тадқиқот Экофондлари, Эко-можаролар бўйича Эко-жавобгарлик размери).</p> <p>4) Ташқи муҳит билан ўзаро алоқалар (оммавий ахборот воситаларида фирманинг Эко фаоллиги тўғрисида чиқишлар сони, маҳаллий аҳоли учун ўқув дастурлари, маҳаллий Экоташаббусини молиявий қўллаш (спонсорлик), шу жумладан, табиатни асраш бўйича ва бошқалар)</p>	<p>фойдаланилганлари), энергия (турлар бўйича, умумий ҳажми ва фойдаланиш самарадорлиги),</p> <p>а) маҳсулотлар (асосий ва қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шу жумладан ресикланишга қодир бўлган, ресиклланган ва қайта ишланган чиқиндилар ҳажми);</p> <p>б) корхона қўллаб-қувватланишида экологик хизмат (масалан, корхона фойдаланилган токсик (захарли) чиқиндилар ҳажми).</p> <p>2) Корхонанинг қуввати ва жиҳозлари (шу жумладан, экологик жиҳозлари қуввати ва жиҳозлари (шу жумладан, экологик жиҳозлар қуввати, транспорт воситаларининг ёқилғи сарфи, шу жумладан заҳарли газларни чиқаришни камайтирувчи қурилмалар, эгаллаган майдони ва бошқалар).</p>
---	---

## 2. Корхона фаолияти экологик шароитлари индикаторлари (КФЕШИ)

- **Чиқиндилар бўйича** (умумий ҳажми ва маҳсулот бирлигига токсик ресиклланган чиқиндилар ҳажми (массаси); мустақил қайта ишланган бошқа корхоналарга берилган ва полигонларда жоулаштирилган ҳажми);
- **Атмосфера ҳавосига чиқармалар бўйича** (йиллик чиқармалар массасси, маҳсулот бирлигига ва бошқалар);
- **сув ҳавзалари ва жоу рельефига ташланмалар бўйича** (йиллик ташланмалар массаси, маҳсулот бирлиги ва бошқалар)
- **емиссиянинг бошқа турлари** (маълум жоуларга шовқин таъсири, радиация, вибрация ва иссиқлик таъсири);

**З-чизма. Корхоналар фаолиятининг экологик натижалари индикаторлари (КФЕНИ) структураси**

КФЕНИ структураси менежмент амалиётининг асосан сифат кўрсаткичларидан замонавий микдорий ва сифат кўрсаткичларига ўтаётганлигини кўрсатади. Ушбу тизимнинг афзаллиги, унинг асосида ётган ёндашувлар билан белгиланади ва қўйидаги тадбирлар занжирига асосланади: **режалаштириш - бажар - текшириш - ҳаракат қил**.

## 2.5. Махсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш

Махсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш (МЕХЦБ) амалиётда кэнг кўлланилади. Бу инструмент асосий эътиборни корхонанинг ишлаб чиқариш ва маҳсулот истеъмоли (хизматлари) билан боғлиқ бўлган экологик таъсирига қаратади. Бунда ушбу таъсир (реал ва потенсиал) маҳсулот ҳаётий циклининг ҳамма кўламида, "бешикдан қабргача", яъни хом ашёни олишдан ва унга корхонанинг эга бўлишидан то маҳсулот ишлаб чиқаришгacha ва сўнгра фойдаланиш ва утилизациягacha тадқиқ этилади. Атроф табиий муҳитга таъсирни баҳолашнинг асосий параметлари бўлиб табиий ресурслардан фойдаланиш, аҳоли саломатлигига таъсир, экологик оқибатлар хизма қиласи.

1) МЕХЦБни қўллаш ва усулларининг хизмат қилиш соҳаси қўйидагилар белгиланади:


- маҳсулот ҳаётий циклининг турли пайтида экологик аспектни яхшилаш;
- саноат, давлат ёки нодавлат ташкилотларида қарор қабул қилиш (масалан, маҳсулотлар ёки жараёнларни стратегик режалаштиришда, муқобилини (устуворликни) аниқлашда, лойиҳалашда, қайта лойиҳалашда);
- тегишли экологик самарадорлик кўрсаткичларини, ўлчаш усулларини қўшиб, танлаш;
- маркетинг (масалан, экологик маркировка тизими ёки маҳсулотнинг экологик тозалиги тўғрисидаги декларация билан боғлиқ экологик даъво аризаларида).

2) МЕХЦБнинг асосий босқичларига қўйидагилар киради:

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёни;
- энергия ва хом ашёни эгаллаш (олиш);
- ёғоч ресурслардан фойдаланиш;
- сув ва энергиядан фойдаланиш;
- ташиш ва у билан боғлиқ бўлган атроф-муҳит учун хавфлар ёки ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида атроф табиий муҳитга турли чиқармалар;
- хавфли субстансияларни ишлаб чиқариш;

- якуний маҳсулот истеъмоли жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар;
- чиқиндилардан қайта фойдаланиш, ресикллаштириш ва чиқиндиларни жоулаштириш.

МЕҲЦБни сут ишлаб чиқариш мисолида таҳлил қиласиз:



#### 4-чизма. Сут етиштиришнинг экологик ҳаётий циклини баҳолаш босқичлари (Геделлергч., Матцсон Б., 2000, р. 51).

3) Маҳсулот экологик ҳаёти таҳлили маҳсулот экологик балансини тузиш билан якунланади. Бундай балансни тузишда корхонанинг атроф табиий муҳитга структуравий аралашуви қўйидагича тадқиқ этилади:

- майдонлардан фойдаланиш: фойдаланиш тури ва интенсивлиги;
- иморат қурмоқ: кўриниши ва шакли, қурилаётган ерга таъсири;
- ер қазиш ишлари: ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларни куришда, коммуникацияларга қўшишда;
- асосий воситалар;


- омбор захиралари;
- атроф табиий мухитга узок муддатли салбий таъсир кўрсатиш (масалан, тупроқнинг оғир металл тузлари билан ифлосланиши).

## 2.6. Экологик контроллинг

Экологик контроллинг «Экологик менежмент»нинг нисбатан янги ахборот-таҳлил инструментлари қаторига киради. Ҳозирги пайтда экологик контроллинг фирмани бошқариш тизимида ахборот билан таъминлаш ва фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштиришга йўналтирилга менежериал функцияни бажаради. Бошқача айтганда, контроллинг ташкилотнинг самарали ишини менежмент функцияси орқали ахборот инструментларини асослаб бериш ва қўллаш йўли билан таъминлаши керакки, унда айрим, ўзига хос меҳнат тақсимоти натижасида тобора ихтисослашган ахборот инструментларини мувофиқлаштириш амалга ошадиган бўлсин.

Контроллингнинг конкрет инструментлари маҳсус (ёки айрим) ва тўппа-тўғрига бўлинишлари мумкин. Маҳсус контроллинг инструментлари менежментнинг айрим кичик тизимлари фаолиятини мувофиқлаштиради, тўппа-тўғри контроллинг инструментлари эса ана шундай бир нечта кичик тизимларни бирлаштиради. Контроллингнинг маҳсус инструментлари, масалан, ташкилий тизим, ходимларни бошқариш тизими, ахборот тизимининг ўзи, режалаштириш тизими ва назорат тизими каби муҳим кичик тизимларнинг фаолиятини мослаштириш ва ахборот билан таъминлашга йўналтирилади. Тўппа-тўғри инструментларга, яъни барча асосий кичик тизимларни ва менежментнинг кичик функциясини тизиб турадиган, бирлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган инструментларга, масалан, ички фирма нархлари киради. Бу нархлар корхона кичик тизимлари ишларининг самарадорлигини аниқлашда ёки фирма бўлимларини тўғридан-тўғри бошқариш учун бюджетлаштириш тизимида қўлланилиши мумкин.

Эко-контроллинг мақсад қўйиш, қўйилган вазифаларни (режаларни) бажариш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш цикли жараёнларини амалга оширади. (5-чизма).



5-чизма. Эко-контроллинг функциялашувиининг механизмлари.

Эко-контроллингни стратегик ва оператив турларга бўлиш мумкин. (7-жадвал).

Эко-контроллинг қўйидаги учта асосий функцияни бажаради:

- ахборот таъминлашини мувофиқлаштириш (атроф-муҳит муҳофазаси учун маълумотларни аниқлаш ва ишлаш).
- фирманинг режаларини мувофиқлаштириш (стратегия ва оператив тадбирларни ишлаб чиқиши).
- назоратни мувофиқлаштириш (тактик ва режа кўрсаткичларини таққослаш).

4) Эко-контроллинг менежментни қўллаб-қувватловчи, тўппа-тўғри мувофиқлаштирувчи, корхона фаолиятини такомиллаштирувчи функцияни бажаради. Бунда Эко-контроллинг кўп усусларни қўллайди. Булар қаторига таҳлил, четга чиқишини таҳлил қилиш, ерта аниқлаш тизими, ссенария таҳлили,

қийматнинг экологик занжири таҳлили, Эко-аудит, экологик бухгалтерия ҳисоби Эко-баланс, экологик индикаторлар, назорат рўйхатлари, экологик ҳаётий цикллар таҳлили, экологик лойиҳалар учун лойиҳалар расчёти(ҳисоби) ва бошқа усуллар киради.

## 7-жадвал

### Стратегик ва оператив Эко-контроллинг нисбатлари

	Стратегик Экоконтроллинг	Оператив Эко- контроллинг
	Корхонанинг узоқ муддатда мавжуд бўлишини таъминлаш	Эмиссия, хавф-хатарни ва ресурс истеъмолини камайтириш
Контроллинг мақсади	Иқтисодий муваффақиятнинг узоқ потенсиалини ва бунинг учун зарур ресурсларни таъминлаш	Жараёнларнинг Эко-самарадорлиги
Мақсадли параметрлар	Махсулотлар, жараёнларнинг экологик изчилиги ва жамиятда экологик масалаларнинг ифода қилинишига таъсир	Чиқиндилар ҳажми, энергия истеъмоли, материал сифими
Размерлиги	Имкониятлар, хатарлар, устунлик, заифлик	Ҳажмлар, оғирлик, токсиклик
Ахборот манбаи	Ташқи мухит	Экологик ахборот тизими

### Қисқача хуносалар

«Экологик менежмент» инструментлари экологик бошқарув воситалари, усуллари маъносини беради. Уларни «Экологик менежмент» учун ахборотларни аниқлаш, баҳолаш ва қўллаш усуллари сифатида тушуниш мумкин.

«Экологик менежмент» инструментларини белгилари, моҳияти ва мазмуни бўйича турлича классификациялаш мумкин: оддий (статик) ва фаол (динамик);

Экологик ахборот тизимлари (ЭАТ) табиатдан фойдаланувчилар фаолиятининг атроф табиий мухит (АТМ)га таъсирини акс еттиради ва уни

баҳолашга имкон беради. ЭАТ ички ва ташқи адресатлар учун экологик ахборотларни аниқлайди, қайта ишлайди, баҳолайди, уларга миқдорий шаклда етказиб беради.

Экологик баланслар корхоналар ахборот тизимларининг элементи бўлиб, улар корхонанинг АТМа таъсирини ҳисобга олишнинг турли тизимларини ўз ичига олади.

Экологик аудит ички фирма потенсиали, экологик таваккалчилик (хавф-хатар) ва имкониятларни тизимли текшириш инструментидир. Шу нуқтаи назардан Экоаудит ўзига хос мақсад ва функцияларга эга. Экоаудитнинг асосий принципи қўйидагилар: мақсад ва ҳажмни аниқ белгилаш; тизимлилик; аудит мезонларини белгилаш; аудит натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги; аудитнинг келишилган мақсадлари ва ҳажмини ҳисобга олиб, аудитор хулосасининг тўлиқлиги.

Экоаудит ташқи ва ички, тизимли, жараёнлар аудити, назорат аудити, алоҳида сабаблар бўйича аудит, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бошқариш тизими аудитига бўлинади.

Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари (КФЕНИ) корхоналарнинг атроф-муҳитга таъсирини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг, ҳаракат усуллари, харажатлари ва натижаларининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи. Индикаторлар тизими икки гуруҳга бўлинади: 1) корхона фаолиятининг экологик натижалари индикаторлари. Улар ўз навбатида қатор индикатор кичик рўйхатларига бўлинади. КФЕНИ тизими "режалаштир-бажар-текшир-ҳаракат қил" тадбирлари занжиридан иборатdir.

Маҳсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш (МЕҲЦБ) инструменти асосий эътиборни корхонанинг ишлаб чиқариш ва маҳсулот истемоли (хизматлари) билан боғлиқ бўлган экологик таъсирига қаратади. Бунда маҳсулот ҳаётий цики хом ашёсини олишдан ва унга корхона эгалик қилишидан то маҳсулот ишлаб чиқаришгача ва сўнгра фойдаланиш ва утилизациягача тадқиқ этилади. Атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асосий параметрлари бўлиб табиий ресурслардан фойдаланиш, аҳоли саломатлигига таъсир, экологик оқибатлар хизмат қиласи. МЕҲЦБ кўп усулларга асосланади ва бир неча босқичлардан иборат бўлади. Маҳсулот экологик ҳаёти таҳлили маҳсулот экологик балансини тузиш билан якунланади.

Экологик контроллинг фирмани бошқариш тизимида ахборот билан таъминлаш ва фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Экологик контроллинг маҳсус (ёки айрим) ва тўппа-тўғри (сквозной) инструментларга бўлинади. У стратегик ва оператив турларга ҳам бўлинади. Барча ҳолларда экологик контроллинг хилма-хил тадқиқот усулларидан фойдаланади.

## Таянч иборалар

Экологик менежментнинг оддий ва фаол инструментлари. Экологик менежмент инструментлари классификацияси. Экологик ахборот тизимлари. Экологик баланслар. Экологик ҳисоб. Экологик ҳисобнинг усулий

инструментлари. Баланснинг актив ва пассивлари. Экологик аудит ва унинг турлари. Корхоналар фаолиятининг экологик натижалари индикатори. Маҳсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш. Экологик контроллинг.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Экологик менежмент инструментлари нима? Уларнинг аҳамияти ва қўлланилиш соҳалари ҳамда йўналишларини тушунтиринг.
2. Экологик менежмент инструментлари қандай белгиларга қараб классификацияланади?
3. Оддий (статик) ва фаол (динамик) менежмент инструментлари нима? Уларнинг фарқини тушунтиринг.
4. Экологик ахборот тизимлари нима? Уларнинг хусусиятларини ва экологик баланслардаги ўрнини тушунтиринг.
5. Экологик баланслар ва уларнинг хусусиятларини таърифланг. Экологик балансларнинг учта конструксиядан тузилишини билиб олинг.
6. Харажат - ишлаб чиқариш баланси, жараёнлар баланси, маҳсулотлар баланси нима?
7. Экологик ҳисоб ва унинг асосий хусусиятларини билиб олинг.
8. Экологик ҳисобнинг усулий инструментлари қандай хусусиятларга эга?
9. Атроф-муҳит муҳофазасига алоқадор баланснинг активлари ва пассивларини билиб олинг.
10. Экологик аудит нима? Унинг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.
11. Амалиётда экологик аудитнинг қандай турлари қўлланилади? Экологик аудитни ўtkазиш режасини тушунтиринг.
12. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикатори нима? Уларнинг аҳамияти ва хусусиятини билиб олинг.
13. Маҳсулот экологик ҳаётий циклини баҳолаш нима? У қандай аҳамият ва хусусиятларга эга?
14. Экологик контроллинг нима? Унинг аҳамияти ва хусусиятлари.

### **Асосий адабиётлар**

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. қонунлар ва норматив хужжатлар. Т.: "Адолат", 2002.
2. Голуб А., Струкова Е. Экономика природных ресурсов. М. 1998.
3. Пахомова Н., Эндерс А., Рихтер К. Экологический менеджмент. Учебное пособие. Спб: Питер, 2003
4. Серов Г. Экологический аудит. М.: 1999.
5. Экологический учёт на предприятиях. Конференция ООН по торговле и развитию. М.: 1997.
6. Царегородцев М., Сенокосов Л., Петрунин В. Платежи за пользование природными ресурсами. М.: 1998.
7. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: "Мехнат", 2000.

### **3- МАВЗУ. КОРХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТИ**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Корхонанинг «Экологик менежменти» тўғрисида тушунча
- 3.2. Корхоналар, илмий менежмент ва атроф-муҳит муҳофазаси
- 3.3. Корхоналарнинг функционал хусусиятлари ва уларнинг Экология менежменти тизимида ифодаланиши
- 3.4. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқиши

#### **3.1. Корхонанинг «Экологик менежменти» тўғрисида тушунча**

Корхона Экология менежменти корхона бошқарув фаолиятининг атроф-муҳит билан бевосита ёки билвосита ўзаро муносабатларининг турли шакллари, йўналишлари, томонлари ва бошқаларига тааллуқли бўлган тизими ҳисобланади. Бунда корхона «Экологик менежмент» предмети бўлиб корхона фаолиятининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматини экологик (табиат муҳофазаси, ресурс тежаш ва бошқалар) томонлари ёки жиҳатлари хизмат қилади. Корхона ўз фаолиятининг экологик томонини атроф табиий муҳитга ва унинг ресурсларига бошқаришда ижобий ёки салбий таъсири кўрсатади. Шу сабабдан корхона Экология менежментининг мақсади бизнес фаолиятининг атроф табиий муҳитга салбий таъсирини энг кам даражага тушириш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва истеъмолнинг, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматларининг юқори даражадаги экологик хавфсизлигига эришишдан иборат. Бунда ушбу вазифаларни амалга ошириш корхонанинг бошқа устувор мақсадларига эришиши билан (шу жумладан, жорий ва узок муддатли рақобатбардошлигига эришишни ҳам кўшиб) мувофиқлаштирилиши керак.

Шундай қилиб, корхона Экология менежментини унинг фаолиятининг экологик аспектлари белгилаб берадиган, корхонанинг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш вазифасини амалга оширадиган корхона менежментини тизимининг таркибий қисми (ёки маълум томони) деб таърифлаш мумкин. Шу маънода корхона Экология менежменти бошқарув фаолиятининг чэгаралари ва мақсадларини кэнгайтиради, у атроф табиий муҳитини ҳам шу маънода қамраб оладики, биринчидан, бундан кеуин экологик муаммолар бизнес фаолиятнинг бошқа томонларидан фарқ қиласидиган томони (жиҳати) сифатида кўриб чиқилмайди ва иккинчидан, экологик масалалар, оқибатлар, харажатлар ва бошқалар бизнеснинг интеграл қисмiga айланади.

Халқаро стандартлар нуқтаи назаридан атроф-муҳитни бошқариш тизими ресурсларни жоулаштириш, хизмат вазифаларини тақсимлаш, усувлари, процедуранлар ва жараёнлар орқали корхоналар, ташкилотларнинг ўз экологик масалалари ечими тартиби ва изчиллигини таъминлашини билдиради. Атроф-муҳит муҳофазаси бошқарув тизимини корхоналар бошқаруви тизимининг ажralmas қисми сифатида ривожлантириш доимий характерга эга. Бунда экологик сиёсатни амалга ошириш ва мақсадли ва режадаги экологик кўрсаткичларга эришиш учун структура, маъсулият, усувлар, процедуранлар,

жараёнлар ва ресурслар бошқа соҳадаги ишлар билан мувофиқлаштирилади (масалан, ишлаб чиқариш, молия, сифат, меҳнат мухофазаси ва умумий хавфсизликни бошқариш соҳаларида).

### **3.2. Корхоналар, илмий менежмент ва атроф-муҳит мухофазаси**

Корхоналар иқтисодиётига замонавий ёндашувда конституционал иқтисодиёт доирасида ривожланаётган фирманинг менежерал (бошқарув) назарияси, шунингдек стеук-холдер назарияси корхонанинг «Экологик менежмент» таҳлили учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Менежерал (бошқарув) назариялари, "хокимиятга асосланиш", "лидерларга асосланиш" назариялари билан биргаликда асосий эътиборни фирманинг (корхонанинг) ички структурасига қаратади. Бу ёндашувлар амалдаги қонунчилик ва экологик хавфсизлик стандартлари талабларидан четга чиқадиган экологик маъсулиятли қарорларни қабул қилиш механизмларини очиб беришга имкон беради.

Стеук-холдер назарияси корхона «Экологик менежмент»нинг назарий амалий таҳлили учун катта аҳамиятга эга. Стеук-холдер тушунчаси (шунингдек, "манфаатдор шахслар" тушунчаси ҳам қўлланилади) қўйидаги маънога эга: стеук-холдерлар - бу, шахслар (уларнинг гурухлари) бўлиб, улар, бир томондан, ўз мақсадларини амалга ошириш жараённида фирмага таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади, бошқа томондан эса, фирма томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг таъсирини ўзларида сезади. Стеук-холдерлар (жисмоний ва юридик шахслар) хуқуқий, иқтисодий, ахлоқий имкониятларга эга бўлиб, улар фирмага унинг ўтиш, ҳозирги ва келажакдаги фаолияти (унинг қисмлари) бўйича ўз хуқуқлари ёки манфаатлари тўғрисида даъво қилиши мумкин. Ушбу менежерал ёндашув учун фирманинг айрим индивидлари ёки уларнинг гурухлари билан ўзининг (фирманинг) ички ва ташқи ўзаро муносабатлари тўғрисидаги тассавури нуқтаи назаридан, бу индивидларнинг кўплаб ва кўпчилик жанжалли манфаатларини мослаштириш ва бошқариш вазифасини ҳал этишга ҳаракат қилиш асосий ўринни эгаллайди. Шундай манфаатларга, талабларга ёки хуқуққа эга бўлган стеук-холдерлар нисбатан бир хил гурухларни ташкил этади ва улар бошқа стеук-холдерлардан (уларнинг гурухлари) фарқ қиласи. Шундай гурухларга эга фирма маҳсулоти харидорлари, уларнинг савдо шериклари (таъминловчилари), молия институтлари (банклар, сугурта компаниялари, инвестиция фондлари), маҳаллий аҳоли, ҳокимият органлари, норасмий ташкилотлар, оммавий ахборот воситачилари ва бошқалар мисол бўлади.

Стеук-холдерларнинг барчаси, қоида тариқасида, икки асосий синфга (классга) бўлинади: 1) корхонага бевосита таъсир кўрсатадиган муҳитни шакллантирувчи дастлабки (бирламчи) стеук-холдерлар; фирма уларни ҳисобга олмаса яшай олмайди; 2) билвосита таъсир муҳитини юзага келтирадиган иккинчи даражали (ёки иккиласи) стеук-холдерлар.

Дастлабки стеук-холдерларга, одатда, мулкдорларни, инвесторларни, фирманинг ишловчи ходимларини, тайёровчиларни, харидорлар ва уларнинг ташкилотларини, рақобатчиларини, табиатнинг ўзини (унинг ресурслари ва ассимилясияли) қўшадилар. Бевосита ва билвосита таъсир муҳити шунингдек, боғланиш (контакт) аудиторияси, деб ҳам аталади. Экология менежменти нуқтаи назаридан стеук-холдерларнинг алоҳида роли шу билан белгиланадики, улар бизнеснинг ўз қарорларини (шу жумладан, экологик қарорларини) қабул қилишга табора кучли (бевосита ва билвосита) таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан улар ушбу қарорларнинг оқибатлари учун маъсулиятни (жавобгарликни) ҳам бўлиб олишлари керак.

Стеук-холдерлар таҳлили фақатгина уларнинг фаоллигини фирмани дучор қиласиган хавф-хатар нуқтаи назардангина емас, балки улар ёрдамида очиладиган, яратиладиган имкониятлар нуқтаи назаридан ҳам (ҳамкорлик эҳтимоли ва мураккаб муаммолар ечимини биргаликда қидиришни ҳам қўшиб) муҳимдир. Бу потенсиал имкониятларни амалга оширишнинг муҳим шарти корхона стратегик Экология менежментини шакллантириш ва унинг инструментларидан кэнг фойдаланиш ҳисобланади.

Немис олимни Х.Дюкхоффнинг стеук-холдерларнинг таъсири потенсиали фарқларини ва уларнинг кооперациялашувига тайёрлигини ҳисобга олиб, тавсия етган чуқур дифференсияси катта қизиқиш уйғотади (8-жадвал).

#### **8-жадвал**

#### **Стеук-холдерлар классификацияси (Х.Дюкхофф, 2019)**

		<i>Таъсир потенциали</i>	
		<i>Арзимаган (кичкина)</i>	<i>Катта (сезиларли)</i>
Кооперацияла- шувга тайёрлик	Юқори	A тури: қўллаб куватлаш ходимлари уюшмалари, тайёрловчилар	Б тури: аралаш акционерлар, инвесторлар, менежерлар, истеъмолчилар, банклар, суғурталар
	Паст	C тури: охирги рақобатчилар, маҳаллий аҳоли, университетлар ва илмий жамоатчилик	D тури: қўллаб- куватламайдиганлар оммавий ахборот воситалари, давлат, норасмий юшмалар

Стеук-холдерлар назарияси корхоналар «Экологик менежмент»и шаклланиши учун катта аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан тайёр амалий

тавсияларни бермайди. Масалан, амалиётда кўпинча стеук-холдерлар гурухини идентификациялаш (айнан ўхшатиш, тэнглаштириш) жуда қийин бўлади. Шундай стеук-холдерлар гуруҳлари ҳам борки, улар фирманинг ахлоқий муҳитидан ташқарида бўладилар, лекин уларнинг салбий ташвиқоти ва тарғиботи (пропагандаси) фирманинг бизнесини барбод қилишга ёрдам бериб, улар фирма учун салбий омиллар таъсирини кучайтирувчи кучга айланади. Кўпинча контакт аудитория вакилларининг тубдан фарқ қиласиган манфаатларининг муросага келиши имкониятлари муаммоли бўлиб қиласи, уларни ҳал этиш қийинлашади.

### **3.3. Корхоналарнинг функционал хусусиятлари ва уларнинг Экология менежменти тизимида ифодаланиши**

Ҳозирги корхоналар иқтисодиётнинг турли секторларига қарашли бўлиб, табора кўпроқ бозорнинг маълум сегментларига хизмат кўрсатадиган сервис фирмалари сифатида ўз вазифаларини бажараётир. Бу вазифани бажаришнинг принципиал йўналишлари уларнинг стратегияларида белгиланади. Умумий стратегия билан бир қаторда энг муҳим функционал вазифаларни бажариш учун фирмалар хусусий стратегияларни ҳам ишлаб чиқаётир. Хусусий стратегиялар қаторига қўйидагилар киради:

1. Маркетинг стратегияси;
2. Инвестиция стратегияси;
3. Ишлаб чиқариш стратегияси ва логистика стратегияси;
4. Ходимларни ривожлантириш стратегияси;
5. Молиявий стратегияси.

Бу хусусий стратегиялар (умумий стратегиялар ҳам) корхоналарнинг атроф-муҳит муҳофазасига тарафдорлиги мақсадларига мувофиқ экологик йўналишга ҳам эга бўлади. Хусусий стратегиялар менежментнинг турли функционал вазифалари учун ориентир беради. Шу маънода умумий менежментнинг қўйидаги кичикроқ турлари қизиқиш ууғотади:

1. Маркетинг менежменти маркетингнинг кўп хил инструментларидан фойдаланиб танланган фирма истеъмолчилари сегментининг аниқланган эҳтиёжларини, шу жумладан, экологик эҳтиёжларини ҳам қондиришни таъминлайди.

2. Инвестия менежменти доирасида маркетинг аниқлаган узоқ муддатли эҳтиёжлар асосида ва тегишли экспертиза процедураларини ҳисобга олиб зарур ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари аниқланади ва барпо этилади (шу жумладан, атроф-муҳит муҳофазасига бевосита хизмат қиласиган ёки қаттиқ экологик нормаларга риоя қилишга ёрдам берадиган қувватлар ҳам).

3. Ишлаб чиқариш менежменти ва логистика менежменти ходимлар, технологик жараёнлар, ҳом ашё, материаллар, бошқариш ва режалаштириш тизими, ёрдамида экологик мақбул ҳом ашё ва материаллар таъминоти, маълум

маркетинг миқдори ва сифатига эга ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар, шу жумладан "яшил" маҳсулотлар билан таъминлайди.

4. Ходимлар менежменти маълум ходимлар ва менежерларни ишга танлаш ва қабул қилиш бўйича, уларнинг малакасини шакллантириш ва ошириш бўйича, ходимлар ҳаракати бўйича (экологик сабабларга кўра уларни ишдан бўшатишни ҳам қўшиб) тадбирларни, шунингдек, ходимларнинг табиат муҳофазаси мотивациясини ишлаб чиқувчи чораларни ўтказишга хизмат қиласди.

5. Молиявий менежмент фирманинг ишчанлигини таъминлашга мўлжалланган, яъни менежментнинг бошқа кичик тизимлари белгиланган маълум вазифаларни бажариш, тегишли молиявий инструментларни танлаш ва қўллаш йўли билан молиявий мақсадларга эришиш, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш чораларини қўллаб-куватловчи инструментларни ҳам, шунингдек, ўз маблағларини экологик барқарор бизнесга қўйишга хоҳиши бўлган инвесторларни қидириш ҳам шулар қаторига киради.

Менежментнинг барча кўрсатилаган кичик турлари ҳам стратегик, ҳам оператив йўналишга эга. Уларнинг ҳар бири доирасида очиладиган стратегик характердаги вазифаларга қўйидагиларни асослаш ва танлаш киради:

1. Бозорнинг янги сегменти;
2. Янги инвестиция лойиҳаси;
3. Дистрибьюсионинг (таксимлашнинг) янги каналлари;
4. Ходимлар менежментининг янги пиринсиплари;
5. Янги йирик инвесторлар.

Оператив вазифаларни ечишга қўйидагилар мисол бўлади:

1. Аниқ маҳсулот учун реклама шаклини аниқлаш;
2. Лойиҳа бажарилиши назорати;
3. Маълум давр учун ишлаб чиқаришни режалаштириш;
4. Ходимларни маълум мақсадлар учун қайта квалификациялашнинг мос шаклини танлаш;
5. "Яшил" компания аксияларига маблағ қўйиш масаласини ечиш.

Корхоналарнинг кўрсатилган фаолиятининг ҳар бир соҳаси салбий экологик экстреналийлар пайдо бўлишига, яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлиши, бу салбий таъсир қўйидагиларнинг оқибати бўлиши мумкин:

1. Бозорга экологик хавфли маҳсулотларнинг кириб келиши;
2. Лойиҳаларни амалга оширишда экологик талабларнинг эътиборга олинмаслиги;
3. Ишлаб чиқаришда санитария-экологик қоидаларга риоя қиласли;
4. Ходимларнинг атроф табиий муҳит муҳофазасига хурмасиз муносабатда бўлиши;

5. Экологияга ўзининг бефарқ муносабатда бўлиши билан таникли бўлган компанияларнинг "шубҳали" аксияларига пул маблағларини қўйиш.

Шу билан бир қаторда бу соҳаларнинг ҳар бири стратегияни ишлаб чиқиша ва оператив фаолиятда атроф-муҳит муҳофазасига маълум ҳисса қўшиши мумкин.

### **3.4. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқиши**

Хар қандай корхона, ташкилот халқаро стандарт талабларига мувофиқ (ИСО 14001) ўзларининг экологик сиёсатини ишлаб чиқиши, тайёрлаши ва қабул қилиши керак. Умумий ҳолда корхона экологик сиёсатини унинг умумий экологик самарадорлиги билан боғлиқ бўлган мақсадлари ва принциплари тўғрисида баёноти ҳисобланади ва у ҳаракатлар учун, мақсадли ва режа экологик кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Илғор тажрибаларга мувофиқ ва халқаро стандарт (ИСО 14004) тавсияларига кўра, экологик сиёсатни ишлаб чиқиши корхонанинг атроф табиий муҳитига таъсирини дастлабки баҳолашни (ёки дастлабки экологик обзорини) тузишдан бошлаш керак. Бундай дастлабки баҳолаш қўйидаги аспектларни ўз ичига олиши мумкин: қонун хужжатларини ва регламентлари талабларини идентификациялаш; корхона фаолияти унинг маҳсулотлари ёки хизматлари экологик аспектларини идентификациялаш (атроф табиий муҳитга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва жавобгарликка тортишга олиб келадиган аспектларини аниқлаш); атроф-муҳитни муҳофaza қилишини бошқаришнинг мавжуд тартиби ва процедуралари самарадорлигини баҳолаш (ички мезонлар, ташқи нормативлар, регламентлар, қоидалар ва раҳбарий кўрсаткичлар тўплами бўйича ўтказилади); харид ва контракт фаолиятига тегишли мавжуд сиёсат ва процедураларни идентификациялаш; ўтмиш номувофиқликлар ҳолларини ўрганишдан кеуинги тескари алоқалар; рақобат афзалликлари учун имкониятлар; манфаатдор томонларнинг нуқтаи назарлари; корхонада экологик самарадорликка ёрдам берувчи ёки унга тўсиқ бўладиган бошқа тизимларнинг функциялари ёки операциялари.

Экологик сиёсатни ишлаб чиқища халқарор стандартларга (ИСО 14004) қисман кирган ва бу соҳада илғор амалий тажрибали умумлаштиришга асосланган қўйидаги тавсияларни ҳисобга олиш фойдали бўлади.

Ташкилотнинг ўз экологик сиёсатини ишлаб чиқища дикқат марказида туродиган саволлар рўйхати:

- ташкилотнинг белгиланган вазифалари, унинг қарашлари, асосий қадриятлари ва умидлари;
- ташкилотнинг атроф-муҳит муҳофазасига, ресурсларни тежашга, экологик хавфсизликка муносабати;
- ташкилотнинг умумий табиат муҳофазаси мақсадлари;
- манфаатдор томонларнинг талабларини ҳисобга олиш ва улар билан алоқалар ўрнатиш;
- атроф-табиий муҳитнинг ифлосланишини бартараф этиш тамоуилларига содиклик;

- ташкилотнинг маҳсулотлари, хизматлари ва жараёнлари салбий экологик таъсирини минималлашириш;
- доимий яхшилаш концепциясига содиқлик;
- экологик стандартлар, қонунлар, регламентларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлар (энг кам даражада);
- аудитор текширувларини ўтказиш ва экологик харакатларнинг натижаларини баҳолаш бўйича мажбуриятлар;
- маҳаллий ва минтақавий ҳокимият билан ўзаро таъсир, маҳаллий ва минтақавий шароитларни ҳисобга олиш бўйича мажбуриятлар;
- ишчиларнинг саломатлиги учун хавфсиз бўлган меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича мажбуриятлар;
- ходимларни ва савдо шерикларини ўргатиш, ўқитиш бўйича мажбуриятлар;
- энергия билан таъминлаш, чиқиндилар, ердан фойдаланиш, сув ресурсларини тежаш ва бошқалар бўйича ўзига хос мажбуриятлар.

### **Қисқача хуносалар**

Корхонанинг экологик менежменти - унинг фаолиятининг экологик аспектларини белгилаб берадиган, корхонанинг рақобатбардошлигини қўллаб-куватлаш вазифасини амалга оширадиган корхона менежменти тизимининг таркибий қисмидир.

Корхоналар иқтисодиётига замонавий ёндашувда неоинституционал иқтисодиёт доирасида ривожланаётган фирманинг менежерал (бошқарув) назарияси, стеук-холдер назарияси корхонанинг экологик менежменти таҳлили учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Менежерал (бошқарув) назариялари асосий эътиборни корхонанинг ички структурасига қаратади. Бу ёндашувлар амалдаги қонунчилик ва экологик хавфсизлик стандартлари талабларидан четга чиқадиган экологик маъсулиятли қарорларни қабул қилиш механизимларини очиб беришга имкон яратади.

Стеук-холдер назарияси корхона экологик менежментининг назарий-амалий таҳлили учун муҳим аҳамиятга эга. Стеук-холдерлар шундай шахсларки (ёки уларнинг гурухлари), улар бир томондан, ўз мақсадларини амалга ошириш жараёнида фирмага таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади, бошқа томондан эса фирма томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг таъсирини ўзларида сезади.

Стеук-холдерлар икки синф(класс)га бўлинади: дастлабки стеук-холдер ва иккинчи даражали (иккиламчи) стеук-холдерлар. Бундан ташқари стеук-холдерлар бошқа гурухларни ўз ичига олган классификацияга ҳам бўлинади.

Корхоналар ўзига хос функционал хусусиятларга эга бўлиб, шунга мос ҳолда менежмент тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди. Корхоналар умумий стратегия билан бир қаторда хусусий стратегияга ҳам эга бўладилар. Хусусий стратегиялар менежментнинг турли функционал вазифалари учун ориентир бўлиб хизмат қиласи. Шу нуқтаи назардан умумий менежментнинг қўйидаги кичик турларини ажратиш мумкин: маркетинг менежменти, инвестиция

менежменти, ишлаб чиқариш менежменти ва логистика менежменти, ходимлар менежменти, молиявий менежмент. Буларнинг ҳаммаси ҳам стратегик, ҳам оператив йўналишга эга.

Ҳар қандай корхона ташкилот халқаро стандарт талабларига мувофиқ экологик сиёсатини ишлаб чиқиши, тайёрлаши ва қабул қилиши керак. Корхона экологик сиёсати унинг экологик самарадорлиги билан боғлиқ мақсадлари ва принциплари тўғрисидаги баёноти ҳисобланади.

Корхонанинг экологик сиёсатини ишлаб чиқиш корхонанинг атроф табиий муҳитга таъсирини дастлабки баҳолашни тузишдан бошланади ва у қатор аспектларни ўз ичига олади. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқища илмий асослаб берилган қатор тавсиялардан фойдаланилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхонанинг «Экологик менежмент»и нима? У қандай аҳамиятга эга?
2. Менежерал (бошқарув) назарияси «Экологик менежмент» учун қандай аҳамиятга эга?
3. Стеук-холдер назарияси нима? Унинг мазмuni ва моҳиятини тушунтириинг.
4. Стеук-холдерлар қандай синф (класс)ларга бўлинади? Стеук-холдер классификациясини изоҳлаб беринг.
5. Корхона функционал хусусиятлари ва «Экологик менежмент» ўртасидаги алоқаларни белгилаб беринг.
6. Хусусий менежмент турларини таърифланг.
7. Корхона экологик сиёсати нима? Унинг аҳамиятини тушуниб олинг.
8. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқиш нимадан бошланади?
9. Корхонанинг ўз экологик сиёсатини ишлаб чиқища марказий ўринда турадиган саволлар рўйхатини билиб олинг ва уларни тушунтириинг.

### **Асосий адабиётлар**

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. Т.: 1998.
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. қонунлар ва норматив хужжатлар. Т.: "Адолат", 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в Республике Узбекистан. Т.: 2002 .
4. Герчикова Н. Менеджмент. Учебник М.: 1997.
5. Пахомова Н., Эндрес А., Рихтер К. Экологический менеджмент. Учебное пособие. Питер, 2003
7. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент. Т.: "Мехнат", 2000.

## **4- МАВЗУ. СТРАТЕГИК ЭКОЛОГИЯ МЕНЕЖМЕНТИ**


### **РЕЖА:**

- 4.1. Стратегик экология менежменти түғрисида тушунча
- 4.2. Стратегик экология менежментининг таҳлил усуллари
- 4.3. Фирманинг экологик стратегияси ва уларнинг классификацияси
- 4.4. Хорижий мамлакатларнинг экологик стратегия менежменти тажрибалари ва улардан фойдаланиш

### **4.1. Стратегик экология менежменти түғрисида тушунча**

Экологик бошқарувда стратегия "харакатлар режаси" бўлиб, у қачон, қандай, нега ва нима қилиш керак деган саволларга жавоб топишга йўналтиради. Стратегик экология менежменти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш, экологик тадбиркорлик хатарларини камайтириш чуқур ўйланган ва самарали чораларни тизимли амалга ошириш, рақобат устунлигини эгаллаш ва қўллаб қувватлаш бўйича компанияларнинг стратегик манфаатларига мос келади. Доимий равишда юзага келадиган экологик имкониятлар ва хатарлар ҳар қандай фирма олдига чуқур асосланган стратегик мақсадларни қўйишни ва уларга эришишга имкон берадиган бошқарув механизмларини қўллашни тақозо этади. Булар стратегик экология менежментининг (СЕМ) мазмуни ва энг муҳим функцияларини белгилаб беради.

Стратегик экология менежменти корхона мувафаққияти учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳаларида бошқа корхоналар билан рақобатда экологик характердаги потенсиални, шунингдек унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган экологик хатарларни аниқлаш ва шу асосда компаниянинг узоқ муддатли мақсадини белгилаши ва уларни чуқур ўйланиб тузилган чоралар ва инструментлар воситасида амалга оширишни таъминлаши лозим.



## 6-чизма. Корхона стратегик менежменти модели.

Стратегик экология менежментининг шаклланиши қўйидагиларни амалга оширишни талаб қиласди:

- 1) Корхонанинг вазифаси (миссияси) тўғрисида концептуал ишланмалар ва қарорлар қабул қилиш.
- 2) Корхонанинг ташки муҳити (ўраб турувчи муҳити) ва ички потенсиали (имкониятлари) таҳлили.
- 3) Корхонанинг вазифаларини амалга оширишга хизмат қиласдиган мақсадлар ва стратегияни ишлаб чиқиш. Булар 6-чизмада кўрсатилган.

### 4.2. Стратегик экология менежментининг таҳлил усуллари

Стратегик экология менежменти тадқиқотларида хилма-хил усуллардан фойдаланилади. Корхонанинг ички муҳитини тадқиқ этиш учун корхоналар, масалан, SWOT - таҳлил (инглизча SWOT - Стрэнгтҳс) усулини, яъни компаниянинг кучли, кучсиз томонлари, унинг имкониятлари ва хавф-хатарларитаҳлили усулини қўллашлари мумкин. SWOT - усули корхона потенсиалини тизимли ўрганиш ва баҳолашнинг самарали воситаси бўлиб, фирманинг экологик вазифаси (миссияси) ва шунга мос мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради.

Экологик SWOT-таҳлил қўйидаги хусусиятларни аниқлашга беради:

Экологик SWOT-таҳлил. Компаниянинг:

Кучли томонлари: экологик қулай жараёнлар ва маҳсулотлар, "яшил" имиджнинг мавжудлиги, ходимларнинг регламент ва мажбурий талабларга

риоя қилишга тайёрлиги, "яшил" маҳсулотлар ва технологиялар учун илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари потенсиали.

Кучсиз томонлари: ресиклланмайдиган маҳсулотлар упаковка материаллари, бутилкалар ва ҳоказолар, "ифлос" технология, токсик (хавфли) чиқиндилар, "ифлослантирувчи" имиджи, ходимлар регламент ва талабларгариоя қилмайдилар.

Имкониятлари: Янги бозорни эгаллаш, экологик хавфсизмаҳсулотларни ишлаб чиқариш ва юишиши, "яшил" имиджни шакллантириш ҳисобига компаниянинг узоқ муддат омон қолишини таъминлаш, табиат муҳофазаси чораларининг натижалилигини атроф-муҳит муҳофазаси, ресурслар ва харажатларни тежаш бўйича тадбирларни "юқори" мақсадларни қўйиш йўли билан таъминлаш.

Хавф-хатарлари: Экологик стандартнинг ўта талабчанлигининг ошиши, давлатнинг аралашуви ва назоратнинг кучайиши, "яшиллар" ва бошқа ижтимоий гурухларнинг норозилик намоиши, рақобатчиларнинг бозордаги "яшил" маҳсулот секторини қўлга олиши, малакали ходимларнинг фирманинг вақтинчалик бозор ва бошқа қийинчиликлари, муваффақиязилиги туфайли келиши, ўрта муддатли истиқболда компаниянинг омон қолишининг хавф-хатарлари ва бошқалар билан боғиқ бўлган қўшимча инвестицияларнинг зарурлиги.

Яхши натижаларга эришиш учун мутахассислар умумий стратегик менежментда ҳам қўлланиладиган "қийматнинг экологик занжири" усулидан фойдаланишни тавсия этадилар. қийматнинг экологик занжири ўзига хос микроскоп бўлиб, унинг воситасида компаниянинг стратегик табиат муҳофазаси мақсадларига эришишда унинг фаолиятининг хилма-хил, лекин бир-бири билан ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқ бўлган турларнинг ҳиссалари (ёки уларнинг ўқлиги) аниқланади ва баҳоланади. Ушбу ҳиссани баҳолаш асосида навбатдаги корхонага структурасини рационализациялаш бўйича тавсиялр ишлаб чиқилади, уларда "кам аҳамиятли бўғинлар"ни тугатиш (қайта қуриш) масалалари ҳам қўйилади. Бу усулнинг асосий ғояси шундаки, у компаниянинг стратегик вазифаларини қийматнинг барча занжири орқали, ҳам бирламчи фаолият туларини (хомашё еткахзид бериш, ишлаб чиқариш бўйича ишларни бажариш, маҳсулотни сотиш (ўтқазиш), маркетинг ва сотиш, сотишдан қеуинги хизмат қўрсатиш), ҳам қўллаб қувватловчи турларини (фирманинг инфраструктураси, меҳнат ресурсларини бошқариш, технология ва логистикани ривожлантирш) қўшиб, амалга оширишни таъминлашга асосланади.

Корхона ички муҳити талилида 7С усулидан (Струстуре, систем, Стратегу, Статф, СкиллкШаред валуесГреен етхнисс) ҳам фойдаланиш мумкин. 7С шунга мос ҳолда - Структура, Система (тизим), Стратегия, Стилб (услуб), Персонал (ходим), Квалификация (малака) бўлиб, улар қийматлар системаси (тизими) (экологик етиника) билан ўзаро боғланган, компания персонали (ходими) билан бўлинади. Бу усул фирма потенсиалининг муҳим таркибий қисмларини компания ишлаб чиқсан ва қабул қилган экологик ва етика принциплар нуқтаи назаридан баҳолаш учун ўзига хос ички каркасни

(синч) олишга имкон беади. Ташқи мұхит (ўраб турувчи мұхит) таҳлили сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик омиллар, шу жумладан глобал даражада ҳам таъсирида шаклланадиган корхонанинг эҳтимол тутилган бозор имкониятлари ва хавф-хатарни (таваккалчиликни) ўрганишни ўз ичига олади.

Фирма томонидн ишлаб чиқылған ва қабул қилинған қарор экологик ахборот тизимиға асосланиши керак. Корхона учун экологик маълумотлар ифраструктурасини барпо этиш алоҳида аҳамиятга эга.

#### **4.3. Фирманинг экологик стратегияси ва уларнинг классификацияси**

Экологик стратегия стратегик даражада «Экологик менежмент»нинг асосий элементларидан биридир. Экологик стратегия норматив экологик сиёсат ва оператив экологик дастурлар ўртасида боғловчи звено (бүғин) ҳисобла-нади. Бу ўзаро алоқани мутахассислар ўртасида кен тарқатилған Санкт-Галь «Экологик менежмент» интеграл модели орқали түлароқ тушуниб олиш мумкин (7-чизма).



**7-чизма. Интеграл «Экологик менежмент»нинг Санкт-Галь модели доирасида асосий элементларининг ўзаро алоқалари (Пахомова Н. Енрес А. Рихтер К., 2003).**

Стратегик менежмент фирманинг узоқ муддатли рақобатбардошлик вазифасини мавжуд ва шаклланадиган яни самарадорлиги потенсиали воситасида (имидж, компетенсия (ваколат), бозордаги хисса ва бошқалар) амалга оширади. Гозир фирманинг бизнес стратегияси асосан харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, етказиб беришда лидерлик қилиш ва бизнес талаблари ўзгаришини тезликда сезишга йўналтирилган. Бизнес учун экологик ва ижтимоий омиллар аҳамиятининг ошиб бориши билан унинг муваффақити потенсиалини белгилайдиган ва фирманинг стратегиясини ишлаб чиқишида ҳисобга олиш зарур бўлган анъанавий иқтисодий ва техник параметрлар доираси сезиларли даражада кэнгайди. Атроф-муҳит муҳофазаси қисмида юқорида кўрсатилган ўзгаришлар икки ёқлама бўлиши мумкин: ёки экологик таркибий қисмини фирманинг стратегиясига қўшиш йўли билан ёки экологик стратегияни мустақил ҳужжат ва инструмент сифатида ишлаб чиқариш орқали. Биринчи ҳолда ишлаб чиқаришнинг стратегик дастурлари уларнинг экологик талабларига мослигини аниқлашнуқтаиназаридан тадқиқ етилиши керак в зарур ҳолларда улар компания учун устувор экологик муаммоларнинг ечимибўйича стратегик мақсадлар билан тўлдирилиши лозим. Иккинчи ҳолда компания мустақил мақсадли ё кўрсатма сифаида стратегик экологик потенсиални шакллантириш в кўпайтириш мумкин (самарали экологик позициялар воситасида). Аммо ҳар икки ҳолда иқтисодиёт ва экология ўртасидаги ўзаро муносабатларни доимий оптимизациялаш, корхонанинг иқтисодий ва экологик манбаатлари унинг стеук-холдери ва умуман жамият ўртасидаги туташ нуқталарни кўпайтириш марказий пункт бўлиши керак.

Стратегиялар экологик талаблар ва нормаларни ҳисобга олиш даражасига боғлиқ ҳолда пассив ва актив (фаол) стратегияга бўлинади. Пассив экологик стратегия мавжуд экологик қонунлар, стандартлар, нормативларни бажариш билан чекланади. Фирманинг актив экологик сиёсати ва унга мос стратегиясида иқтисодиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси ўртасида зиддиятлар чукур даражада ечилади, табиат муҳофазаси императивлари маҳсулотни, технологияни ўзгариш, ходимларнинг компетенсия даражасии кўтариш ва бошқаларнинг имконияти сифатини кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Умуман корхонани бошқариш жараёнишундай ташкил қилиадики, унда ҳам бозор, компетенсия ва табиат муҳофазаси мақсадлари, ҳам ижтимоий мақсадлар мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Айнан ана шундай актив асосда илфор хорижий бизнес экологик бошқаруви амалга ошироқда.

#### **4.4. Хорижий мамлакатларнинг экологик стратегия менежменти тажрибалари ва улардан фойдаланиш**

Хорижий мамлакатларда, айниқса Европа мамлакатларида бизнесни барқарор ривожлантириш концепцияси талабларига жавоб берадиган экологик стратегия менежменти соҳасида кўплаб ижобий тажрибалар тўпланган. Шундай экологик стратегияларга "яшил" фирмаларнинг асосий стратегияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. "Яшил" фирмаларнинг асосий экологик стратегияларига қўйидагилар киради: етарлилик стратегияси, дематериализация

стратегияси, экологик самарадорлик стратегияси, тоза ишлаб чиқаришга, циркулярликка айланмалик, кооперацияга ўтиш стратегиялари ва бошқалар. Бу стратегиялар замонавий «Экологик менежмент» принципларига жавоб беради концептуал жиҳатдан уларни барқарор ривожланиш инновацияси ғоялари билан бирлаштиради. Айнан барқарор ривожланиш инновацияси (ва унга мос келадиган стратеги) ўзининг характеристига кўра радикал ҳисобланади ва у ўзида экологик муаммоларни ечишда ёриб ўтиш самараси потенсиалини олиб юради.

Барқарор ривожланиш принципларидан келиб чиқадиган асосий экологик стратегиялар қўйидаи хусусиятлар била таърифланади:

- етарлилик стратегияси - истеъмолни ихтиёрий чеклаш ва тегишли яшаш тарзини ўзгартириш;
- тоза ишлаб чиқариш стратегияси - айрим корхонанинг атроф табиий муҳитга салбий таъсирини технологияни (тоза ишлаб чикиш), ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номеклатурасини ва қўлланилаётган хомашёни ва шу кабиларни ўзартирш орқали минималлаштиришни таъминлаш;
- Эко-самарадорлик стратегияси - хомашё ресурсларидан фойдаланиш коефициенти ва барча технологик жараёнларининг фойдали ҳаракати коефицентини жиддий даражада кўпайтириш; (мутахассисларнинг ҳисботларига кўра ҳозирги усувлар технологик жараёнларнинг фойдали ҳаракати коефицентини тўрт мартадан ўн мартагача кўтаришга имкон беради);
- циркулярлик (айланмалик) стратегияси - чиқиндиларни минималлаштириш ва корхоналар ўртасида хомашё ва чиқиндилар оқимининг айланишини амалга оширадиган ва табиатнинг ассимилясиялаш потенсиалига мос келадиган ўзига хос индустрiali таъминот занжирини шакллантириш орқали табиатга нагруззани (таъсир юкини) камайтириш;
- кооперациялаш стратегияси - табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирни ўзаро келишиб олинган ҳолда камайтиришни, экологик муаммолар, ресурслар билан таъминлаш ва чиқиндиларни минималлаштиришни бирбирлари билан кооперациялашган қатор корхоналар гурухи томонидан биргаликда ечиш.

Барқарор ривожланишнинг инновация стратегияларига муносабатни ишлаб чиқиша корхоналар қўшимча равишда қўйидагилани ҳисобга олишлари керак:

- 1) ушбу стратегиялар компаниянинг рақобатбардошлигии мустаҳкамлашнинг катта потенсиалга эга бўлиб, уларни уникал, алоҳида ва қайта илаб чиқариш (нусхалаш) қийин бўлган компетенсиялар билан қуроллантиради; 2) уларни амалга ошириш анъанавий ишлаб чиқаришнинг фақатгина ишлаб чиқариш-технологик асосларинигина емас балки унинг ташкилий-иктисодий асосларини ҳам радикал ўзартиради, шу жумладан янги бозор секторларининг (ескиларининг тугатилишининг ҳам), уларнинг янги

талаблари ва улари таъминлаш усулларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шу билан бир қаторда улар юқори даражада ноаниқлик ва хатарлар билан боғланган; 3) барқарор ривожланишнинг инновация стратегияларини амалга оширилиши шароитлари тўғридан-тўғри стеук-холдерлар ва корхона учун ташқи стеук-холдерлар доираси томонидан ҳтимол тутилган реаксияни ҳам таҳлил қилишни тақазо этади; 4) жамоатчиликнинг экологик муаммоларга ташвишланишининг ўсиб боришини ҳар томонлама ҳисобга олишкерак, уларни инкор этиш корхоналар учун юқори хавф-хатарлар билан боғлиқ.

Циркулярлилик ва кооперациялаш стратегиялари экологик муаммоларни ҳал этиша айрим корхоналарнинг имкониятлари ва ресурсларидан ташқариға чиқишига, концентрация (тўпланиш) ва марказлаштириш афзаликларидан фойдаланишга имкон беради. Бу стратегиялар экологик муаммоларни корхоналар гурухи (ишлаб чиқариш-технологик занжирини ташкил етувчи тармоқ корхоналари гурухи ёки минтақавий асосда бирлашган корхоналар гурухи) томонидан келишилган ва мослашувчан йўналишда ечишини таъминлашга имкон беради. Ушбу инновацион ташкилий қарорларига, ечимлари тартибларига ишлаб чиқариш тенологик инновациялар ҳам жавоб бериши ва мос тушиши ерак.

Ушбу стратегияларни амалга ошириш корхоналар иқтисодий стратегияларининг қўйидаги принципларга асосланишини тақазо этади:

- дематериализация ва ресурсларни тежаш - иқтисодий жараёнларда циркулярлиликини амалга ошириш асосида дастлабки ресурслар истеъмолини сезиларли қисқартириш;
- энергияни тежаш - ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг энергия истеъмоли хажмини камайтириш в экологик тоза энергия ресурслари ва ёқилғини қўллаш йўли билан энергияни тежаш;
- минтақалаштириш - локал (маҳаллий) ресурслардан, минтақаларнинг локал потенсиалларидан фойдаланиш минтақавий келишилган ишлаб чиқариш, истеъмол ва чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан иккиласми фойдаланиш тизимларини барпо этиш;
- Адаптация (мослашиш) - иқтисодий ривожланиш суръатларини экологик тизимлар эволюцияси тезлиги ва ритмлари (маромлари) билан мувофиқлаштириш;
- Эҳтиёткорлик - табиий мухит ифлосланишини бартараф этишга хизмат қиласи;
- Чиқиндиларни минималлаштириш.

Ишлаб чиқаришнинг экологик стратегиясини ишлаб чиқишида, унинг устувор йўналишларини белгилашда фирмалар қўйидаги тўрт экологик ҳаракат доирасида иш олиб боришлири керак: маҳсулот, ишлаб чиқариш, ходимлар ва коммуникация. Ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш емиссияларини камайтириш, фойдаланиладиган ресурсларни тежаш ва шу кабилар воситасида атроф табиий мухитга нагрузкани камайтириш эътибор маҳсулотнинг барча хаётий цикли давомида бевосита атроф-мухитга

салбий таъсирини камайтиришга каратилади. Ходимларнинг экологик ҳаракатларининг тарқатувчиси сифатидаги хулқи ва мотивацияси (ассланиши) навбатдаги ҳаракат доирасида предмети ҳисобланади. Корхона турли коммуникация стратегияларидан ҳам фудаланиши мумкин, улар воситасида корхона ичида ва унинг ташқарисида атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги муаммолар ва ҳаракатлар бўйича тескари алоқалар ўрнатиш ва конструктив диалогларни ташкил этиш мумкин.

Бу ибратли тажрибалар Ўзбекистонда экологик стратегияни шакллантириш ва ривожлантиришга илмий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Қисқача хulosалар**

Экологик бошқарувда стратегия "ҳарактерлар режаси" бўлиб, у қачон, нэга ва нима қилиш керак дэган саволларга жавоб топишга йўналтирилади. Стратегик экология менежменти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежаш, экологик тадбиркорлик хатарларини камайтириш бўйича самарали чораларни тизимли амалга ошириш, рақобат устунлигини эгаллаш ва қўллаб қувватлаш бўйича компанияларнинг стратегик санфаатларига мос келади.

Стратегик экология менежменти тадқиқотларида хилма-хил усуллардан фойдаланилади. Улар қаторига SWOT-таҳлил, "қийматнинг экологик занжири", 7С ва бошқалар киради.

Экологик стратегия ва норматив экологик сиёsat ва оператив дастурлар ўртасида боғловчи звено ҳисобланади. Стратегик «Экологик менежмент» фирманинг узоқ муддатли рақобатбардошлиги вазифасини мавжуд шаклланадиган янги-янги самарадорлиги потенсиали воситасида амалга оширади. Стратегиялар актив ва пассив стратегияларга бўлинади.

Пассив стратегиялар экологик стратегия мавжуд экологик қонунлар, стандартлар, нормативларни бажариш билан чекланади. Актив стратегияда иқтисодиёт ва атроф-муҳит ўртасидаги зиддиятлар чуқур даражада бартараф қилинади, табиат муҳофазаси императивлари маҳсулотни, технологияни ўзгартириш, ходимларнинг компетенсия даражасини кўтариш имконияти сифатида кўриб чиқади ва ҳал этади. Хорижий мамлакатлар экологик стратегиясида "яшил" фирмаларнинг стратегиялари муҳим ўринни эгаллайди. Бундай стратегияларга етарлилик, тоза ишлаб чиқариш, Эко-самарадорлик, циркулярлик, кооперациялаш, стратегиялари киради. Ушбуқ стратегияларни амалга оширишда қўйидаги принципларга амал қилиш керак: дематериализация ва ресурсларни тежаш, энергияни тежаш, минтақалаштириш, адаптация, еҳтиёткорлик.

Ишлаб чиқарининг экологик стратегиясини ишлабчиқиша, унинг уступвор йўналишларини белгилашда фирмалар қўйидаги экологик ҳаракат доирасида иш олиб боришилари керак: маҳсулт, ишлаб чиқариш, ходимлар ва коммуникация. Хорижий тажрибалардан фойдаланиш. Ўзбекистонда экологик стратегия менежменти шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

## **Таянч иборалар**

Стратегик экология менежменти мазмуни. Корхона стратегик менежменти модели. Тадқиқот усуллари. SWOT - таҳлил. Қийматнинг экологик занжири. Санкт-Галь модели. 7С - усули. Пассив ва актив стратегия. Етарлилик, тоза ишлаб чиқариш, Экосамарадорлик, циркулярлилик, кооперациялаш стратегиялари.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Стратегик экология менежменти нима? Унинг аҳамияти ва асосий хусусиятларини таърифланг.
2. Стратегик экология менежментининг шаклланиши нималарга боғлиқ?
3. Стратегик экология менежменти қандай усуллардан фойдаланади?
4. SWOT-таҳлил "қийматнинг экологик занжири", 7С усулнинг хусусиятлари ва қўлланилишини таърифланг?
5. Фирманинг экологик мтратегияси нима? Унинг аҳамияти ва асосий хусусиятларини тушунтиринг.
6. Интеграл «Экологик менежмент»нинг Санкт-Галь модели доирасида асосий элементларининг ўзаро алоқаларини билиб олинг.
7. Пассив ва актив стратегия нима? Уларнинг фарки, фойдаланиш йўналишларини таърифланг.
8. Хорижий мамлактларнинг экологик стратегия менежменти соҳасида қандай ибратли тажрибалари бор? Уларни билиб олинг.
9. Етарлилик, тоза ишлаб чиқариш, Экосамарадорлик, циркулярлилик, кооперациялаш стратегиялари нима? Уларнинг маъноси, мазмуни, қўлланиш йўлларини тушуниб олинг.
10. Корхоналар ўз иқтисодий стратегияларида қандай принципларга асосланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. қонунлар ва норматив ҳужжатлар Т.: "Адолат", 2002.
2. Узбекистан: на пути устойчивого развития. Повестка дня на XXI век. Т.,2002.
3. Пирусов Е.В., Бобылев С.Н., Новосёлов А.Л., Чепурник Н.В. Экология и экономика природопользования. М.: 2002.
4. Герчикова .Н. Менежмент. Учебник. М.: 1997.
5. Пахомова Н., Эндрес А., Рихтер К. Экологический менеджмент. Учебное пособие. Спб. Питер, 2003.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. Т., 1998.
2. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш. қонунлар ва норматив хужжатлар Т.: "Адолат", 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Т., 2002.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на ХХI век. Т., 2002.
5. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. М.: 1997.
6. Герчикова Н. Менеджмент. Учебник. М.: Банки биржи. ЮНИТИ, 1997.
7. Пирусов Э.В., Бобилев С.Н. Новоселов А.Л. Чепурник Н.В. Экология и экономика природопользования. М.: 2002.
8. Горелов А.А. Экология. Учебное пособие. М., 2002.
9. Голуб А., Струкова Е. Экономика природных ресурсов. М. 1998.
10. Лукьянчиков Н.Н., Потравный И.М. Экономика и организация природопользования. М.: Тройка, 2000.
11. Одун Ю. Основы экологии. М., 1975.
12. Мескон М. и др. Основы менеджмента. М., 1997.
13. Пахомова Н., Эндрес А., Рихтер К. Экологический менеджмент. Учебное пособие. Спб.: Питер, 2003.
14. Программа действий. "Повестка дня на 21 век" и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро в популярном изложении. Женева. 1993.
15. Реймус Н.Ф. Природопользование. Словарь справочник. М.1990.
16. Реймус Н.Ф. Экология (теория, законы, правила, принципы, гипотезы). М., 1994.
17. Серов Г. Экологический аудит. М., 1999.

## **5-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **5.1. Экологик ахвол ва экологик вазият тўғрисида тушунча.**

Республика худудида ишлаб чиқаришнинг кенг микёсда тараккий этиши табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирумокда. Бу кескинлашув одатда атроф муҳитнинг ифлосланиши, тупрок ва ўсимлик копламларининг бузилиши, камбағаллашуви ва бошка кўринишларда ифодаланади. Хар бир табиий комплекс бу жихатдан маълум экологик ахволга эга бўлиб, улар бир-бирларидан ушбу ахволнинг оғир-енгиллиги, мураккаблиги, мажмуалиги билан фарқ килади. Экологик ахвол умумий тушунча ва худуд учун нисбатан баркарор хусусиятларга эга. Шунинг учун хам узок муддат давомида деярли ўзгармаслиги, яъни бирдек давом этиши мумкин. Лекин экологик ахвол баъзан оғирлашуви, баъзан енгиллашуви хам мумкин, бу хол ишлаб чиқариш маромига боғлиқ, уни атроф-муҳитга таъсири тезлашса ахвол оғирлашади, ва аксинча. Экологик ахволни турли даражада содир

бўлиши худудда хар хил вазиятларни шакллантиради. Экологик вазият экологик ахволни маълум бир вакт мобайнидаги холати, бинобарин, у бекарор бўлиб маконда вакт мобайнида бир вазиятдан иккинчи вазиятга тез орада ўзгариши мумкин. Демак, экологик вазият маконда маълум бир вакт мобайнида содир бўлади хамда ахволни аник ва равшан акс эттиради.

Ўзбекистонда экологик вазиятлар жойларда табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чикаришни ривожлантириш, атроф мухит ифлосланишининг олдини олиш тадбирлари кўланилиши кўламига караб турли микёсларда шаклланмокда. Тадқикотлар натижасига кўра эковазият мажмуали, айрим гурухли ва маълум бир омил (ёки табиий компонент) билан боғлик холда таркиб топиши мумкин экан. Мажмуали эковазият деярли барча табиий компонентларнинг ўзгариши окибатида таркиб топади. Масалан, Оролбўйидаги вазиятни хакикатан хам мажмуали деб хисоблаш жоиз, чунки, у худудда барча табиий компонентлар чўллашиш жараёнида тубдан ўзгаришга учраб, аввалги гидроморф вазият эндиликда ксероморф, гидрогаломорф ва автоморф вазият билан бутунлай алмашмокда.

Табиий компонентларнинг айрим гурухлари билан боғлик бўлган эковазият, кўпинча тупрок, ўсимлик, ёки атмосфера хавоси билан сувнинг деградатсияси ёхуд ифлосланиши билан боғлик бўлади. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларидаги эковазият кўшни Тожикистон Республикасидаги Турсунзода шахрида жойлашган алюминий корхонасининг чикиндилари эвазига пайдо бўлган. Сурхондарёнинг бу туманларida эковазият фторидли водород гази таъсирида бўлиб, натижада ахоли бош оғриги ва бўғин касалликларидан азият чекмокда. Чорва молларининг тишлари тўкилиб кетиши, ўлими содир бўлиб, экинзорлар куриди, тупрокда оғир металлар ва захарли моддалар тўпланиши кайд этилган. Демак, эковазият бир неча табиий омилларнинг зарарланиши, шунингдек, инсон ва чорва молларининг касалланиши билан боғлик. Бундай эковазиятни гурухли вазият деб караш мумкин.

Эковазият баъзан бир омил ёки компонент билан боғлик холда юзага келади. Ўзбекистонда аксарият катта худудларда вазият сув ресурсларининг ифлосланиши туфайли хатарлидир. Дарё сувларининг ичимлик суви сифатида ишлатиб бўлмаслиги, улардан суғоришда фойдаланганда тупрокда шўрланиш ходисасининг ривожланиши, шунингдек, тупрокнинг турли чикиндилар билан ифлосланиши вазиятни жиддийлаштирумокда. Дарёнинг сифатсиз сувини ахоли томонидан истеъмол килиниши Куйи Амударё, Куйи Сирдарё, Куйи Зарафшон, Куйи Кашкадарё ва бошка худудларда улар орасида турли касалликларнинг таркалишига таъсир этмокда. Айникса, 1 ёшгача бўлган гўдак, ёш болалар, аёлларда оғир асорат колдирмокда, ахоли орасида ўлим баъзи туман ва вилоятларда нисбатан кўп.

Тадқикот натижаларига кўра республикада сув ресурслари билан боғлик бўлган эковазият устувор бўлиб, атмосфера хавосининг ифлосланиши ва бошка сабаблар билан боғлик вазиятлар кейинги ўринларни эгаллайди.

## **5.2. Экологик вазиятлар ва уларнинг географик жойлашуви.**

Ўзбекистонда каноатланарли, ўртача, кескин, танг ва фалокатли экологик вазиятлар мавжуд.

Каноатланарли эковазият тизма тоғларнинг сувайригич, баланд ва ўрта баландликдаги тоғларнинг ёнбағирлариға хос. Бу худудларда табиий шароит деярли ўзгармаган, фактат айрим ўсимлик ва хайвонларнинг микдорий камайиши кузатилади.

Ўртача эковазият ўртача баландликдаги ва паст тоғлар, Кизилкум ва Устюрт платосининг айрим худудларига хос бўлиб, уларда тупрок ва ўсимлик копламининг бузилиш белгилари кузатилади.

Кескин эковазият адир, баъзан паст тоғлар ёнбағирлари, пролювиал шлейфлар, Карши чўли ва Кизилкумнинг маъданлар казиб олинаётган худудлари, Бухоро, Коракўл воҳаларини эгаллади. Бу эковазиятда табиатнинг айрим компонентларининг бузилиши кузатилади.

Танг эковазият Куйи Амударё, Хоразм вилояти ва Коракалпоғистоннинг катта кисмини эгаллади. Бу вазиятда бузилган геотизимлар тикланмайдиган хусусиятларга эга бўлади.

Фалокатли эковазият Оролбўйида Коракалпоғистоннинг Мўйнок тумани ва бутун Орол денгизи акваториясига мансуб. Бунда геотизимларнинг бузилиши ва тикланмайдиган табиий ва экологик жараёнлар кучаяди.

Саноат корхоналари ва тугунлари (мажмуалари) табиий муҳитга таъсир этиб турли даражадаги махаллий эковазиятларнинг таркиб топиши ва шаклланишига шароит яратади. Бунда саноат корхонаси (мажмуи) атрофида халкасimon бир неча эковазият минтакалари таркиб топади. Аникланишича, рангли металлургия корхоналарининг атроф муҳитга таъсир радиуси (“шамол

## **Экологик вазиятларнинг ривожланиш йўналишлари.**

Экологик вазиятларнинг тадрижий (динамик) ўзгаришини ўрганиш натижаларига кўра, республика худудида уларнинг бир неча устувор йўналишлари ажратилади: 1) майдони жихатдан мунтазам кенгайиб борувчи, 2) куйи (оддий) вазиятдан юкори (мураккаб) вазиятга баркарор ўтиб борувчи, 3) баркарор ўзгармас, 4) мураккаб вазиятдан оддий вазиятга караб ўзгарувчи, 5) мажмуали тадрижий.

Экологик вазиятларнинг аксарияти майдони жихатдан кенгайиб, мунтазам равишда ривожланиб боради. Бу хол вазиятни кучайтирувчи омилларнинг тадрижий ўзгарувчанлиги билан боғлик. Антропоген омилнинг бетўхтов кенг микёсдаги таъсири вазиятни маконда кенгайиб боришини таъминлайди. Янги нефт ва табиий газ конларини очиш максадида бурғулаш ишларининг Карши даштида мунтазам ривожлантирилиши ўртача эковазиятни кескин вазият билан алмашиши ва унинг худудда прогрессив равишда кенгайиб боришига таъсир этмоқда.

Куйи кулай эковазиятни юкори даражадаги мураккаб вазиятлар билан алмашиши айрим арелларда содир бўлади. Куйи Амударёда 1961 йилдан эътиборан гидроэкологик вазиятнинг тобора мураккаблашуви туфайли табиий

мухит энг кулай вазиятдан (1961 й.) фалокат даражагача кадар (1976-1990 йиллар) ўзгарди. Ўзгариш бир йўналишда давом этиб, барча вазиятлар даражалари бир-бирларни бирин-кетин алмаштириб борган. Баркарор ўзгариш Амударёда сув сарфининг камайиши ва минераллашув даражаси ошиб бориши билан боғлик бўлган. Фалокат даражани энг даҳшатлиси Орол денгизида юз берди. Киска вакт мобайнида (1961-2000 йиллар) унинг сатхи ЦАПут!ъ м пасайди, яъни хар йили 0,5 м дан тушиб борган. Берк хавзалар учун бу катта кўрсаткич.

Баркарор эковазият факат айрим кичик экотизимлар учун хос. Бу экотизимларда табиий ва антропоген омиллар вазият ўзгаришига деярли таъсири килмайди ёки уларнинг баркарорлиги кучли бўлади. Баланд тизма тоғларнинг сув айирғич кисмлари(глятсиалнивал минтака)да инсоннинг хўжалик фаолияти нихоятда чегараланган, факат айрим алпинистлар ва музшунослар маълум жойлардагина иш олиб борадилар. Уларнинг фаолияти табиий муҳит ўзгаришига олиб келмайди.

Мураккаб эковазиятнинг оддий вазиятга караб ўзгариши инсонни табиий муҳитни максадга мувофик йўналишда кайта ўзгаририш ва ландшафт жараёнларини баркарор бошқариши билан боғлик. Кейинги вактларда саноат окава сувларининг катта кисмини тозалашга эришилганлиги туфайли Чирчик ва Охангарон дарёлари сувларини муайян даражада тозалашига эришилди. Шунингдек, атмосфера хавосига чикарилаётган саноат чикиндиларининг микдорини республика микёсида камайиб бораётганлиги ва бошка ижобий ўзгаришлар атроф муҳит тозаланиши ва инсоннинг яшаш шароитлари кулагишининг ортиб боришида сезилмоқда.

Мажмуали тадрижий эковазият саноат, транспорт, курилиш ва кишлок хўжалиги ривожланган худудда таркиб топади, шаклланади ва ривожланади. Худудда халк хўжалигининг турли тармоклари мавжуд бўлганлиги туфайли атроф муҳитга таъсири хам турли даражада содир бўлади. Натижада маълум худудда бир неча даражали эковазиятлар юзага келади ва шаклана бошлайди. Таъсир даражаси, мунтазамлиги, чикиндиларни турига караб ва айникса чоратадбирларнинг самарадорлигига боғлик холда вазиятларнинг ривожланиш боскичлари турлича бўлади. Тоғ-металлургия (Олмалик, Навоий, Учкудук ва бошка) корхоналари, энергетика, кимё, нефтни кайта ишлаш ва бошка саноат мажмуалари таъсир доирасида эковазият танг колган саноат корхоналари атрофида эса хар хил бўлиши кузатилади.

### **Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш.**

Экологик хавфсизликни таъминлаш эндиликда биринчи даражали ва кечикириб бўлмайдиган вазифага айланди. Чунки, ичимлик сувларининг ифлосланганлиги, жойларда атмосфера хавосини чикиндилар билан жиддий тўйинганлиги, бунинг натижасида ахоли орасида турли касалликлар таркалганлиги, суформа ерларни шўрланиб, яйловларнинг махсулдорлигини пасайиб бораётганлиги кишлок хўжалик ишлаб чикишига салбий таъсир

этаётганлиги мамлакат микёсида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини уктиради.

Экологик хавфсизликни таъминлаш борасида бир катор бир-бирлари билан боғлик бўлган тугунли масалаларни хал қилиш лозим бўлади. Биринчи галда экологик (биоэкологик, геосистемали, биосферали) мониторингни амалга ошириш устувор ахамиятга эга. Ўзбекистонда бу турдаги мониторинг хозирда турли муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга ошириб келинмоқда, лекин уларнинг кўлами ва эгаллаган худуди хозирги талабга мутлако жавоб бермайди. Чунончи, тупрокнинг саноат ва кимёвий ашёлар билан ифлосланиши (Республика БошГидромет хизматига юклатилган) фактат айрим кишлок жамоалари худуди бўйича назорат килинади. Бунда барча вилоятларнинг суғориладиган ерлари назарда тутилмаган, хеч бўлмаганда хар бир вилоят бўйича танлаб олинган тестли жамоа хўжаликларини маълум участкалари назарда тутилганда максадга мувофик бўлар эди. Факат шундагина республика худуди бўйича суғорма ерларни техноген ифлосланиши бўйича тегишли хулоса чикариш мумкин бўлади. Худди шундай ахвол сув хавзаларининг ифлосланиши, атмосфера хавосининг чикиндилар билан тўйиниши ва бошка соҳаларда хам мавжуд, уларнинг белгиланган меъёрда бўлиши табиий мухит бўйича зарур бўлган мониторинг ахборотларини олиш ва мавжуд экологик вазият тўғрисида аник хулоса чикаришга имкон беради.

Экологик экспертиза янги куриладиган саноат корхоналари учун хос. Лекин мантикан караганда ишлаб турган барча саноат корхоналари, гидротехник иншоатлар ва бошка мухандислик объектлар учун мунтазам экспертиза ўtkазиш зарур. Атроф-мухитни аслида эскидан ишлаб келаётган саноат корхоналари ифлослаб келмоқда. Бинобарин, экологик экспертиза барча корхоналарни назоратга олиши шарт. Шундагина табиий мухитда тозаланиш бошланиши мумкин.

Экологик вазиятни бошқариш ва тегишли тадбирлар мажмуасини кўллаш учун негиз сифатида турли масштабларда экологик ва табиатни муҳофаза қилиш хариталарини яратиш жоиз. Бу хариталар республика худудида мавжуд экологик вазиятларни назорат қилиш, уларнинг тадрижий ўзгаришларини ўрганиш, тегишли чора-тадбирларни режалаштириш имконини беради. Мавжуд хариталар муваккат бўлиб, уларнинг хар йили янги маълумотлар билан янгилаб турилиши амалий ахамият касб этади. Хар бир вилоят маълум масштабда экологик ва табиатни муҳофаза қилиш хариталарга эга бўлиши ва дискетларга туширилиб компьютерлар оркали мутахассислар хамда раҳбарият (шахар, вилоят хокимлари, Республика Вазирлар Махкамаси)га фойдаланиш учун топширилиши даркор. Компьютерлар оркали алока барча вилоятлардан олинган тасвиirlар ёрдамида Тошкентда республика бўйича жамланма мониторингли ахборот олиниш имкони бўлади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чикарилган барча Олий Мажлис қонунлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари, кўрсатмалари ва бошка меъёрий хужжатлари ўз вактида бажарилиши ва уларга амал килиниши лозим. Конунга хурмат табиатга хам хурматни билдиради.

Экологик хавфсизликни таъминлаш шунингдек, меъёрий кўрсаткичлар, РЕМ ва бошка кабул килинган маълум андозаларга риоя қилишга хам боғлиkdir. Саноат, автотранспорт чикиндилари энг кам хавфсиз кўрсаткичларга кадар камайган бўлиши, иккиласми ресурслар тўлиқ кайта ишланиб улардан фойдали элементлар ажратиб олиниши зарур. Энг муҳими, исрофгарчиликка чек кўйилиб, табиатдан эҳтиёжга яраша бойликларни ажратиб олиб, чикиндиларни чикармаслик тамойилида иш тутишга ўтишдан иборат. Табиатдан бойликларни олишда “ким ошди” тамойилидан воз кечиб уни бойитиш, ресурсларни кайта тиклаш, камайиб бораётганларидан эҳтиёжкорлик билан фойдаланиш, бу борада мукобил вариантлар, яъни ўрнини босадиган бошка ресурслардан фойдаланишга ўтиш каби тамойилларни барча жойларда, хамма ишлаб чикариш корхоналарида кўллашга ўтиш табиатни асрash, уни эъзозлаш ўз навбатида экологик хавфсизликни таъминлашни кафолатлади.

#### **a. Экологик хавфнинг манбалари ва оқибатлари.**

Инсон хаётини турли экологик хавфлардан асрash кейинги вактларда энг муҳим масалалардан бўлиб колди. Экологик хавф-хатарнинг сабабларига технологик ва экологик кризисларни киритиш мумкин. Экологик хавф иктисодиётнинг назоратсиз ривожланиши, технология ва техниканинг оркада колиши, табиий ва антропоген авария ва фалокатларнинг юз бериши натижасида инсон, ўсимлик хамда хайвонот олами яшайдиган муҳитнинг бузилиш эҳтимоллиги, бунинг оқибатида тирик организмларнинг мавжуд бўлиш шароитларига мослашиши бузилади.

Экологик хавф-хатарнинг энг кучли объектлари АЕС, кимё саноати, нефтни кайта ишлайдиган корхоналар, трубопроводлар транспорт хисобланади. Албатта, булардан ташкари бизга сезилмайдиган технологик чикиндилар хаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошка организмларни секин-аста захарлаб келмокда, булар маълум вактдан сўнг тўсатдан катта худудга кучли таъсир қилиши хам мумкин. Инсон саломатлигига техноген чикиндиларнинг фаол тасири тўғрисида 70-йилларда бир катор олимлар огохлантирган эдилар. Масалан, яшаш муҳитида радиатсия, кимёвий бирикмаларнинг тасири каби мутаген омилларнинг кескин кўпайиши кузатилса, у холда одамнинг генетик ахбороти бузилиши мумкин. Бу ходиса инсоннинг генетик асосининг бузилиши хавфидан дарак беради. Бунинг тасдиғи сифатида кейинги 30 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда нуксон билан туғилган болалар микдори кескин кўпайганлигини кўрсатиши мумкин. Россиянинг Перм шаҳрида йодорганик ва фторорганик синтез ишлаб чикариладиган минтакада 12-17 ёшдаги ўғил болаларнинг 57%, киз болаларнинг 82%и калкон безининг гиперплази(тўкималарда структурали элементлар сонининг ортиши), буйрак юкорисининг бузилиши (дисфункция) ва бошка касалликлар билан хасталанган. Уфа, Екатеринбург, Самарада З ёшгача бўлган ёш болалар баданинг меъёрдан кичиклиги характерли ва б.

Кўрғошин ва симоб чиқиндилари ниҳоятда тахликали. Уларнинг озгина микдори ҳам болаларнинг бош мияси ўсишига жидий тасир кўрсатади. Саратон

касалини ўрганувчи халқаро агентликнинг хабарига кўра хозирги вақтда ишлаб чиқариш жараёнида тахминан 50 турдаги модда кишини рак касали билан оғришига тасир этиши мумкин, эпидемиология тадқикотларининг кўрсатишича, тахминан 100 турдаги модда канцерогенли хусусиятга эга экан. Буларнинг барчаси кучли экологик хавф тўғрисида хабар беради. Бизнингча, энг аввало саноат корхоналарида чиқиндиларнинг энг кам микдорда ташқарига чиқишини таъминлашга эришиш ўта долзарбdir.

Орол денгизининг тезкорлик билан куриб бораётганлиги хусусан Ўзбекистон худуди учун жиддий хавф, ахир денгиз бутунлай қуриса унинг ўрнида майдони 6,6 млн. га дан зиёд қум ва туздан иборат улкан Орол чўли таркиб топади, бунинг экологик ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари ҳозирдан маълум. Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошховуз воҳаларида табиат-хўжалик-ахоли тизимида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Кизилқум, Карши чўли, Устюрт платосида кейинги вақтларда маъданларни қидириш, нефт ва табиий газ қазиб олиш ва бошқа мақсадларда кенг микёсда технологик жараёнлар амалга оширилмоқда. Бунинг оқибатида катта майдонларда яйловлар ишдан чиқмоқда, яъни харакатдаги кумлар майдони кенгайиши туфайли коракўл қўйлари бокиладиган табиий яйловларда деградация кучайиш тенденцияси юз бермоқда. Бу ходиса воҳалар билан чўл туташган минтакада хам барқарорлашмокда. Бархан кумлари майдонининг кенгайиши жиддий экологик хавф, унинг оқибатлари барчага аён.

Демак, республикада экологик хавфсизлик масаласи етарли даражада таҳликали, уни маълум мажмуали дастурлар асосида боскичма-боскич ижобий хал қилиш амалий ахамият касб этади. Бу борада узокка мўлжалланган экологиялаштирилган иктисодий стратегия зарур.

## **5.6. Экологик сиёsat ва экологик иктисодий баркарор ривожланиш.**

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш туб маънода хар бир давлатнинг табиат муҳофазаси соҳасида тутаётган экологик сиёsatига боғлик. Аслида экологик сиёsat иктисодий ривожланишни белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан канчалик оқилона фойдаланилса, тайёр моддий махсулот микдор жихатдан мўл-кўл, сифат жихатдан олий навли ёки даражалиги билан ажралиб туради. Табиий бойликлардан экстенсив усулда фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш, атроф-муҳит ифлосланиши билан якиндан шуғулланмаслик худуд иктисодиётини хам инкиrozга юз тутишига олиб келади. Бинобарин, мамлакатнинг баркарор ривожланиши экологик-иктисодий омилларнинг, бир-бирлари билан узвий боғликлиги асосида содир бўлар экан табиат-жамият муносабатлари тизимида бу борадаги барча мавжуд тўсиклар бартараф этилиши лозим. Бошкacha килиб айтганда, табиат-жамият тизимида факат максадга мувофик йўналишдаги ижобий тараккиёт баркарор ривожланиши керак. Бу хол аксарият экологик сиёsatнинг мазмуни ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлиги ва ижронинг катъиятлилигига боғлик.

Экологик сиёсат ва унинг мазмунни. Табиат-жамият-шахс тизимида ишлаб чиқаришни бошкариш ягона экологик сиёсатсиз тегиши самара бермаслиги барчага аён. Собик Совет Иттифоки даврида табиий ресурслардан экстенсив фойдаланилган бир чоғда табиат муҳофазасига оид кўплаб турли хужжатлар кабул килинганд. Лекин уларга амал қилиш факат коғозда мавжуд бўлган эди. Шунинг учун хам табиат ўзгариши, атроф-мухит ифлосланиши, ресурслардан фойдаланиш коеффицентининг пастлиги хукм сурган. Бу хакикий экологик сиёсат эмас эди.

Фан ва техника тараккиёти жадаллашган хозирги вактда унинг экологик окибатлари бутун биосфера микёсида сезилаётганлиги хар бир давлатни максадга мувофик холда экологик сиёсат юргизишга даъват этади. Чунки, атмосфера хавосига, дунё океанига чиқарилаётган турли чикиндилар оз-оздан кўпайиб боради. Даврнинг ўзи, мамлакатда табиат муҳофазаси учун хар бир фукаро фаол кураш олиб боришини такозо этмоқда. Чунки бу фалокат хамма учун келади. Дарвоке, фалокат хамма учун ягона, демак, хар бир фукаро, жамият ўзаро келишган холда табиат муҳофазаси учун фаол кураш олиб боришини даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Хар бир давлат ўз худудида энг аввало, маълум микдорда атмосфера ва сув хавзаларига чиқарилаётган чикиндиларни имкони борича минимал микдорда бўлиши учун хар доим кураш олиб бориши лозим. Улар кўшни давлатларнинг хавоси, суви, тупроғининг ифлосланишига таъсир этмасин. Бундай экологик сиёсат, яхши ва тотув қўшничиликнинг мустажкамланишига хизмат килади, колаверса бутун бир биосферанинг соғлом бўлишини таъминлайди. Тўгри, мамлакат худудида таркиб топган саноат, автотранспорт чикиндилари атмосфера хавосида сайёра микёсидаги шамолларнинг умумий циркуляцияси жараёнлари таъсирида маълум йўналишда бошка давлатларнинг худудига ўтиб кетади. Чунончи, Франция, Германия ва Англия худудларидан кўтарилилган азот ва олtingугурт оксидлари Скандинавия ярим оролидаги Норвегия, Швеция ва Финляндия устида тропосферада сув буғлари билан аралашиб шу жойларда “ишкорли” ёғин сифатида тушади. АКШ нинг шимоли-шаркий худудларидан кўтарилилган ишкор хосил килувчи газлар Канада худудига ўтиб, “ишкорли” ёғин бўлиб тушади. Шунинг учун хам Канададаги 14 минг кўлда хаёт йўқ, Швециядаги 85 минг кўл ва 100 минг км масофадаги дарё ва дарё ирмокларидаги сув ифлосланган.

Бундай фалокатли вазиятда чикинди сифатида кўтарилаётган моддаларни хар бир давлат доирасида обдон тозаланишига эришиш борасида амалий харакатлар килиниши яхши самара беради. Акс холда бир мамлакатдан кўтарилаётган чиқиндилар эвазига кўшни давлатлар заарар кўриши мумкин. Бундай калтис эковазиятда заарар келтираётган мамлакатларнинг экологик сиёсати юз бераётган нохуш жараённинг олдини олувчи амалий тадбирларни кўллашга каратилиши умумисонийликдан, бир-бирларига яхши кўшничиликдан келиб чикиши керак.

Экологик сиёсатнинг негизлари, тартиб-коидалари, илмий асосланган контсепциялари, тактика ва стратегияси олим ва мутахассислар, давлат ва

жамоат ташкилотларининг йўл-йўриқлари асосида ишлаб чиқилади. Улар маълум тартибга келтирилган тарзда давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистонда экологик сиёсат давлат сиёсати даражасигача кўтарилиган. Республика Конституциясининг 47, 48, 50, 51 ва 55-моддаларида экологик қонунлар аник ва равshan тарзда ифодаланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кабул килинган “Табиат муҳофазаси тўғрисида”ги қонун (9 декабр 1992 йил) ва Вазирлар Махкамаси кабул килган карорлар мамлакатнинг экологик сиёсатини хукукий қонунлар ва карорлар асосида мустахкамлайди.

Ўзбекистонда экологик сиёсатни амалга оширишда унинг юкори органлари (Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Махкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси) ва жойлардаги махаллий хокимиятлари фаол хизмат килади.

Экологик сиёсат мамлакат микёсида табиатни муҳофаза қилиш, мажмуали мониторинг, давлат ва жамоатчилик экспертизаларини ўтказиш, эковазиятни назорат қилиш, таркиб топаётган номакбул ходиса ва жараёнлар олдини олиш, атроф-мухит тозалигини баркарор саклаб колиш табиий муҳитнинг инсон учун кулай барча хусусиятларини табиий холда бўлишига асосланади. Ушбу юмушлар билан шуғулланадиган барча муассасалар, илмий ташкилотлар, идоралар мажмуасини ташкил қилишга ундайди. Экологик сиёсатнинг мазмуни ва услубиётлари мамлакат худудида мавжуд бўлган табиат муҳофазаси тизимиға кирувчи таянч муассаса ва ташкилотлар, бошкармаларга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати, давлат дастури ва уни амалга ошириш боскичлари. Экологик сиёсат давлат микёсидаги даражада амалга оширилса атроф-мухитни яхшилашнинг белгиланган чора-тадбирлари самарали бўлади. Ўзбекистонда бу масалага мустакилликка эришилгандан кейин алоҳида эътибор берила бошланди. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари” (1997) асарида экология муаммолари бошка давлат ахамиятига эга бўлган иктиносидий, ижтимоий, ташки сиёсат таркибида атрофлича таҳлил килиниб, амалга ошириладиган вазифалар аник-равshan белгилаб берилган. Асарда республикада якин келажакда табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг тактика ва стратегияси асосланган.

Экологик сиёсат структураси (тузилмаси) анча мураккаб ва мазмунан бой. Бунда экологик жавобгарлик, окилона макроиктисодий ва тармок сиёсатини ўтказиш, атроф муҳит сифатининг андозалари ва вазифаларини аниклаш, саноатни ва транспортни табиий муҳитни ифлослантиргани учун тартибга солиш, иктиносидий механизмни амалга ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилишда қонунчиликни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишни бошқариш структурасини такомиллаштириш, мониторинг ва экспертиза вазифаларини янада такомиллаштириш, экологик саводхонликни ошириш ва таълим-тарбияни янада яхшилаш хамда

самарадорлигини ошириш ва бошкаларни хисобга олиш максадга мувофик. Улардан бъзиларини тахлил киламиз.

Кишлок хўжалигида экологик муаммоларни хал қилиш кўп омилларга боғлик. Тармок сиёсати, айникса, бозор иктисадиётига ўтиш даврида катта иктисадий ва экологик самара беради. Бозор муносабати билан ўтказиладиган хусусийлаштириш тадбирлари кишлокда инкилобий хусусиятга эга. Чунки давлат буюртмасини секин-аста йўкота бориш, дехконларни ўзлари экин турларини аниклашлар, дотатсиядан кутулиш, савдони давлат тасарруфидан чиқариш каби тадбирлар ресурслардан тўғри фойдаланиш сиёсатини амалга оширишга катта имкониятлар беради. Бу сиёсат куйидагиларни назарда тутади:

а)ерга бўлган эгалик муносабатини тубдан ўзгартириш. Бу муамммони ижобий хал қилиш дехконларни суформа ва лалми ерларга бўлган муносабатини яхшилади, дехкон ўзига ажратиб берилган ер майдонини маълум муддатга берилишидан манфаатдор. Чунки, у энди ерга ўз мулкидек муносабатда бўлиб, унинг маҳсулдорлигини муттасил ошириб боришга харакат килади, турли табиий-антропоген жараёнлар таъсиридан саклаш учун мунтазам курашади, унинг хар бир каричидан максимал фойдаланишга интилади. Бозорда талаб ва таклифни ўрганиб энг харидоргир экин маҳсулотларини сифатли килиб етиштириш харакатида бўлади;

б)ердан фойдаланишни ислоҳ қилиш натижасида экологик масалаларни эътиборга олиш биринчи даражали амалий ахамият касб этади. Дехкон хўжалиги, фермерлар, пайчилар, оила пудратчилари ернинг маҳсулдорлигини саклаб колиш ва уни янада яхшилаш максадида мавжуд тупрокни муҳофаза килувчи чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш хамда янги мухандислик, ўрмон-мелиоратив ва агромелиоратив тадбирларни режалаштиришга интиладилар. Чунки, бозор ракобати дехконни ўз участкасида, сифатли маҳсулот етиштириш илинжида барча катта-кичик, оддий ва мураккаб чораларни қўллаш билан хар йили харидоргир хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни бозорга чиқаради. Бу билан ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси суформа ердан окилона фойдаланади. Бу жихатдан дехкон ёки фермер хўжалиги колхоз(совхоз) ишлаб чиқаришидан тубдан фарқ қилиши аник сезилиб туради. Захматкаш халкимизда “Сен ерга боксанг, ер сенга бокади” деган ажойиб накл борки, у амалда неча асрлардан бери синалиб келинмоқда. Шу маънода хар бир карич ердан окилона фойдаланиш ва ернинг хосилдорлигини тобора кўтариб бориш тамойилида меҳнат қилиш, ерга сидкидилдан тўғри муносабатда бўлиш натижасидагина амалга оширилиши мумкин. Бу билан нафакат дехкон хўжалиги, шунингдек табиат муҳофазаси борасида давлат хам манфаатдор. Чунки, ер муомаладан чикиб кетмайди;

в)давлат суформа ерларини узок муддатда оиласиб пудрат, фермер хўжалиги, пайчиллик хўжаликларига берилиши ердан фойдаланганлик учун тўланадиган солик механизмини такомиллаштириш ва чукурлаштириш, ер ва сувдан фойдаланишни яхшилаш имконини беради;

г)турли типдаги тупрок ва хар хил махсулдорликдаги сугорма ерларда этиширилган махсулотлар баҳосини аниглаш ҳамда солик сиёсатининг оптимал бўлишига эришиш механизмлари яратилади.

Биринчи Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIII сессиясида ”Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Бобида килган маърузасида ҳам табиат муҳофазасига оид янги вазифаларни белгилаб берди. Чунончи, 2005 йилга кадар кишлок ахолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 % га, табиий газ билан таъминлаш 82% га етказилиши керак. Бундан, шундай хулоса чикариш мумкинки, демак, кишлок ахолисининг катта кисми тоза ичимлик суви билан таъминланса улар орасидаги турли касалликлар камаяди, табиий газ билан кишлоклар таъминланиши ўсиб турган дарахтларни ўтин килиб ёкишнинг олдини олади. Бинобарин, ўрмонзор майдонларнинг кенгайиши жадаллашади. Бу давлат миқёсидаги хакикий экологик сиёсатдир.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг хукукий, иктиносидий ва ташкилий асосларини 1992 йил 9 декабрда кабул килинган ”Табиатни муҳофaza қилиш” қонуни белгилаб берди. Мазкур қонунга мувофик Республикада табиатни муҳофaza қилишга тааллукли хукукий муносабатларни тартибга солиш Олий Мажлиснинг зиммасига юклатилган. Буларга табиатни муҳофaza қилиш соҳасидаги давлат экологик сиёсатини белгилаш, давлат табиатни муҳофaza қилиш дастурларини тасдиқлаш, шу соҳага оид Республика қонун хужжатларини ишлаб чикиш ва кабул қилиш, табиатни муҳофaza қилишга тааллукли қонунлар ижросини назорат қилиш ва мувофиклаштириб бориш ва бошка вазифалар киради.

Табиатни муҳофaza қилиш ишларига умумий раҳбарлик Вазирлар Махкамасига юклатилган. Конуннинг 8-моддасида “Атроф табиий муҳитни муҳофaza қилишнинг давлат бошкаруви тизими” куйидагича белгиланган: “Атроф табиий муҳитни муҳофaza қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг давлат бошкарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошка меъёрий хужжатларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси, давлат бошкаруви махаллий идоралари амалга оширадилар”. Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси Олий Мажлисга бўйсинади ҳамда ушбу соҳадаги давлат назоратини амалга оширади. Кўмитанинг ўз таркибий доирасида кабул килган карорлари давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фукаролар учун ҳам тегишлидир.

“Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги қонунда ушбу соҳадаги ахолининг хукук ва мажбуриятлари, атроф-муҳит сифатини меъёрий хужжатлар билан тартибга солиш, экологик назорат, экологик хукукбузарликлар учун жавобгарлик ва бошка хусусиятлар белгилаб берилган. Қонунда атроф-муҳит мониторинги давлат экологик муҳит холатини кузатиб бориш хизматига юклатилади.

Ўзбекистонда экологик сиёсат юкорида айтиб ўтилганидек бир катор кабул килинган қонунлар, “Ер тўғрисида”ги (20 июн 1990 й.), “Казилма бойликлар тўғрисида”ги (22 сентябр 1994й.), “Сув ва сувдан фойдаланиш” (6

май 1993 й.), “Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш” (26 декабр 1997 й.), “Хайвонот оламини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш” (26 декабр 1997 й.), “Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида”ги (7 май 1993 й.), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” (27 декабр 1996 й.), “Давлат кадастри тўғрисида”ги (30 август 2000 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (15 декабр 2000 й.) қонунлар ва шунингдек Вазирлар Махкамаси кабул килган кўплаб карорлар асосида амалга оширилади.

Республикада экологик сиёсатни хаётга тадбик этиш ва вазиятни соғломлаштириш, атроф-мухит ифлосланишининг олдини олиш, таркиб топган табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини боскичма-боскич ечиб бориш максадида давлат дастурлари ишлаб чикилиб амалга тадбик килинади. Бу борада республикада етарли тажриба тўпланган. Давлат дастурлари давлатлараро, давлат, худудий бўлиши мумкин (5-чизма).

Давлат экологик дастури илк бор 1986 йилда ”Ўзбекистонда атроф муҳитни 1986-1990 йиллар ва 2000 йилга кадар муҳофаза қилиш мажмуали илмий-техник дастури” ишлаб чикилди. Ушбу дастурда мўлжалланган тадбирлар тўлиғи билан амалга оширилмаган бўлсада, хар холда амалий ахамиятга эга бўлди. Дастурда белгиланган технологик ва техник тадбирларнинг бир кисмининг хаётга тадбик килиниши, ижобий натижалар берди. 1986-1989 йилларда ифлосланган окава сувларни хавзаларга ташлаш, атмосфера ҳавосига чикарилаётган чикиндиларнинг микдор жихатдан камайишига эришилди.

Юкоридаги дастур тузиш тажрибаси 1989 йилда республиканинг 1994-1995 йиллар ва истикболда 2005 йилга кадар табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини ишлаб чикишда аскотди. Мазкур дастур олдиндан анча экологиялашган, чунки, табиатни муҳофаза қилиш ва муҳитни саклаш тадбирларида табиий муҳитнинг аникланган сифатий меъёрлари хисобга олинган эди. Шунингдек, уларнинг экологик-иктисодий самарадорликлари назарда тутилган. Бу дастур доирасида узок муддатли стратегик вазифалар ва ишларнинг асосий хамда бош устивор йўналишлари, уларнинг бажарилиши республика табиий муҳитининг яхшиланиши учун зарурий шарт-шароит хисобланади. Ушбу дастур асосида 1991-1994 йиллар мобайнида мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни соғломлаштириш фаолиятлари амалга оширилди. Аммо ўша вактлардаги сиёсий ва иктисодий ўзгаришлар мазкур дастурни такомиллаштиришни талаб этар эди.

1994 йилдан бошлаб Фан ва Техника Давлат кўмитаси 15-илмий-техник дастури “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишининг илмий асосланган ёндошувлари ва муаммолари ечимини ишлаб чикиш” доирасида бир неча йирик илмий ва илмий-лойиха ташкилотларининг (Фанлар Академияси институтлари, Ўзбекистон гидрометеорология институти, Кишлок хўжалиги академияси, Ўрта Осиё ирригатсия институти ва б.) 38 топширик ва Бобларни бажариши амалга ошира бошланди. Бу республикада тўпланиб колган турли экологик муаммоларни

ижобий хал қилиш, турли табиат муҳофазаси тадбирларини илмий асослаш, атроф мухитни соғломлаштириш каби масалаларнинг жойлардаги ечимини тезлатишга ёрдам берди.

1997-1999 йиллар мобайнида мамлакатнинг 2000-2005 йиллар ва узок истикболда 2010 йилларгача мўлжалланган янги "Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича миллий харакат режаси" ишлаб чикилди. Уни тайёрлашда етук мутахассислар, кўзга кўринган олимлар ва табиат муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилотлар хамда чет эллик эксперталар ўз хиссаларини кўшдилар. Янги дастур табиат муҳофазаси бўйича кенг камровлилиги, дунё андозаларига жавоб бериши, аник маълумотлар билан хозирги мавжуд эковазиятни хакконий баҳолагани, маълум йиллар мобайнида боскичма-боскич амалга ошириладиган ишлар қўлами атрофлича асослаб берилгани билан фарқланади. Унда асосий экологик муаммолар, устивор харакатлар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида сиёсатни ишлаб чикиш ва институтсионал рамкалар, харакат дастури, иловалар, кўшимчалар, чизмалар, жадваллар, схемалар берилган. Шубха йўкки, бу жамлама миллий харакат режаси- дастури республикада табиатни муҳофаза қилиш борасида катта ишларни амалга оширишда ижобий рол ўйнайди.

Экологик сиёсатнинг ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлиги. Мамлакат худудида ишлаб чикарувчи кучларни ривожлантириш режалари тайёрланаётган жараёнда раҳбарлар, мутахассислар ва лойихаловчилар олдида бир катор жиддий масалалар туради. Шулардан бири таклиф этилаётган корхона, иншоат, ёхуд бошка техник лойихани куриш ёки амалга оширишдан олдин у атроф мухитга салбий таъсир этмайдими? деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Шунинг учун хам давлат ва жамоатчилик экспертизалирининг ахамияти 80-йиллардан эътиборан тобора ошиб бормокда. Атроф мухитни ифлослантирувчи манбалар бўйича мунтазам экологик мониторинг амалга оширилмоқда.

Ишлаб чикариш жараёнида амалга ошириладиган барча тадбирлар мавжуд экологик шароит ва вазият (мувозанат)га мос келиши, уни бузмаслиги ва ифлослантирмаслиги, у билан уйғунлашиб, табиатнинг ажralmas бир кисмига айланиши максадга мувофик. Акс холда табиий мухит бузилиб, инсоннинг яшashi ва хаёт кечириши учун хавфли бўлиб боради. Одатда табиий мухитни ифлослантирувчи ингредиент (модда)ларнинг таъсир кучини ёки самарасининг бошланиш кўрсаткичи инсон организмига нисбатан олинади. Буни рухсат этилган меъёр (РЕМ) ёки рухсат этилган контцентратсия (РЕК) деб аталади. Бу кўрсаткичдан РЕМ (РЕК) ни ортиб бориши инсонга салбий таъсир эта бошлайди, яъни унинг организмида турли касалликлар пайдо бўлади. РЕМ ни аниклашда, шунингдек, инсон организмидан ташкари чорва моллари ва ёввойи хайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар хамда табиий комплексларга хам таъсири хисобга олинади.

Хозиргача хаводаги заарли газлар, буғлар, аерозолларнинг 445 таси ва ахоли пунктларининг хавосида мавжуд бўлиши мумкин бўлган 109 та моддаларнинг РЕМи аникланган. (14-жадвал). Бу меъёрлар инсон организми

учун заарли эмас, лекин бу кўрсаткичларнинг ортиб бориши хавфнинг ўсишига таъсир этади.

Демак, экологик меъёрлар ишлаб чиқарилишининг инсон хаётига асосланиши табиат муҳофазаси соҳасида сиёсатнинг ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлигидан дарак беради. Табиий мухитдаги хар бир ўзгариш, компонентлар сифатининг бузилиши ва бошка микдорий хамда сифатий ўзгаришлар инсон организмининг меъёрий заарarlанишига нисбатан олинади. Бу мезон бошка тирик мавжудот (ўсимлик, хайвонот дунёси) ва умуман ландшафт микёсида каралади. Инсон табиий мухитда марказий ўринни эгаллаган холда унинг барча меъёрий кўрсаткичлари бошка табиий компонентларга нисбатан андоза сифатида каралади. Бундай экологик сиёсат аслида бутун борликка нисбатан ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлигидан хабар беради.

Бозор муносабатларига ўтила борган сари инсон экологик хукукининг мазмуни ва шакли хам ўзгариб боради Ахолининг мусаффо хаво ва тоза сув, яшаш шароитларининг кулайлиги (комфорт даражаси)ни таъминлаш маҳаллий хокимият ва давлат раҳбариятининг асосий вазифаларидан бирига айланади. Ахолининг турмуш тарзи таркибида экологик шароит биринчи даражали ахамият касб эта бошлайди. Республика Президентининг дастлабки

фармонларидан бири 1990 йил 28 июлда кабул килинган бўлиб, у “Ўзбекистон Республикаси кишлок ахолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида” деб аталади. Кейин 1996 йил 21 майда Вазирлар Махкамасининг” 2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси кишлок ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида” карори чикди. Бу давлат ахамиятига эга бўлган хужжатларда кишлок ахолисининг турмуш тарзини тубдан яхшилаш билан бирга ичимлик суви ва табиий газга бўлган эҳтиёжини тўларок кондиришга хизмат килади. Ахолини тоза ичимлик сувга бўлган талабини янада тўларок кондириш масаласи Олий Мажлиснинг 1-чакирик ХИВ сессиясида (14 апрел 1999 й.) кенг мухокама килинди. Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмокда” деган Бобдаги маъruzасида 1999-2005 йилларда ахолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш даражаси яна ортиши белгиланган. Буларнинг хаммаси экологик сиёсатнинг ёркин намунаси, инсоннинг экологик хукукини хурматлаш, унинг хаёт кечириш тарзини яхшилаш, шу билан бирга кишлок ахолисини табиий газ билан тамилланиш окибатида дарахт ва буталарнинг кирқилиши хам кискариб боради. Бундан факат табиат ва жамият манфаатдор бўлади.

## 5.7. Экологик-иктисодий барқарор ривожланиши

Иктисодиёт табиий мухит деградатсияга берилган, ресурслар кашшоклашган, ахоли саломатлигига путур етказилган, атроф-муҳит ифлосланган ва экологик вазият бузилган, табиий мувозанат жиддийлашаётган тарзда бўлса, тараккиёт бўлмайди. Худуд (мамлакат, ўлка) табиий ресурслари экологик жихатдан тоза, деградатсия ва кашшоклашишга берилмаган, ахоли,

ишлини ва хизматчилар саломатлиги каноатланарли, атроф-мухит мусаффо бўлган тақдирда иктисодиётни ривожлантириш учун кулай имкониятлар вужудга келади. Бинобарин, иктисодиёт билан экологик шароит орасида жуда хам якинлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирини такозо этади.

Иктисодиёт тараккиёти кўп жихатдан минерал ресурсларга боғлик. Малумки, улар тикланмайдиган тоифага мансуб бўлганликлари сабабли ишлаб чикириш муомаласига жалб килинган сари уларнинг микдори камайиб боради. Экологик-иктисодий баркарор ривожланиш тамойилига мувофик хозирда мавжуд бўлган минерал ресурсларнинг малум кисми келажак авлодларга етказилиши лозим. Шу жихатдан караганда хозирдаёт ушбу минерал бойликларнинг ўрнини эгаллайдиган мукобил варианти ресурсларни топиб, фойдаланишни бошлаш айни муддао. Электр энергия ишлаб чикиришда кўпроқ сув, шамол, куёш нуридан фойдаланиш максадга мувофик. Ўзбекистонда шамол кучли эсадиган худудлар (Бекобод, Кўкон, Ховос ва б.) бисёр. Куёш нури республика худудида деярли йил бўйи сочилиб туради. Бу борада Паркентда электр энергия ишлаб чикарадиган катта маҳсус курилма фаолият кўрсатиб турибди. Бундай ва ундан кўпроқ электр энергия ишлаб чикарадиган корхоналар бунёд этиш учун барча имкониятлар мавжуд, факат катийят ва харакат зарур.

Тоғлардаги серсув дарё ва йирик сойлар гидроенергия манбаидир. Уларга мос келадиган ГЕСларни куриш билан арzon электр энергия ишлаб чикириш имкониятлари етарли.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш микёсини кескин кўтариш вакти келди. Республикада кўплаб кора ва рангли металлом йиғиш имконияти бор (факат Орол денгизининг куриши муносабати билан унинг туб киркоғи якинида кўплаб турли катталиқдаги кемалар, баржалар колиб кетди, хозир улар коррозияга учрамокда). Коғоз чикиндилар, пластмасса, резина, шиша идишлари ва бошка тоифадаги иккиламчи ресурсларни хар йили кўплаб йиғиш мумкин ва улардан сифатли маҳсулот тайёрлаш имкони бор. Булар анча микдорда хомашёни тежайди ва атроф-мухитни ортиқча ифлосланишдан саклади.

Юкоридагилардан шундай хулоса чикириш мумкин; баркарор иктисодий ривожланишни амалга ошириш учун аввало кулай экологик вазият ва мувозанатни мустахкамлаш, ишлаб чикиришни экологиялаштириш хамда табиат муҳофазасини мунтазам амалга ошириб бориш, ресурслардан омилкорлик билан фойдаланишни барча соҳаларда йўлга кўйиш, иктисодий самараға эришиш устувор вазифа бўлиб колиши ва у амалда бажарилиши лозим.

Ўзбекистонда табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чикиш борасида талай ишлар килинган, уларнинг аксарияти амалиётга йўналтирилган.

### **Кискача хулосалар**

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ва хилма-хилдир. Табиий ресурслардан хозирда фойдаланиш холати юкори даражада деб бўлмайди.

Улардан йдаланиш жараёнида кўплаб муаммолар келиб чиккан. Табий ресурслардан окилона фойдаланиш экологик хамда ижтимоий-иктисодий жихатдан фойдалидир.

Ўзбекистонда ўзига хос экологик вазиятлар таркиб топган. Улар маълум ривожланиш йўналишига эга. Республикада маълум экологик хавф манбалар хам мавжуд. Экологик хавфсизликни таъминлаш учун катор тадбирлар ишлаб чикилган ва амалга оширилмоқда.

Екология масаласи Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Бу соҳага оид кўплаб қонун ва карорлар ишлаб чикилмоқда, давлат дастури кабул килинган. Экологик сиёсат ижтимоий-иктисодий йўналтирилиган бўлиб экологик крнцептсияни кайта куриш борасида хам амалий ишлар бошлаб юборилган.

Баркарор ривожланишга эришиш экологик ва иктиносий жихатдан тараккиёт негизида амалга оширилганда самарали бўлади. Баркарор ривожланишга эришиш катор тадбирларни амалга оширилишини такозо этади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1) Хозирда изчил экологик сиёсат юритишнинг ахамиятини нимада?
- 2) Ўзбекистонда экологияга оид кандай қонунлар кабул килинган?
- 3) Республика Давлат экологик дастурининг мазмуни-моҳияти биласизми?
- 4) Экологик сиёсат амалда кандай натижалар бермоқда?
- 5) Экологик меъёрлар нима?
- 6) Экологик контцептсияни куришнинг зарурати нимада деб биласиз?
- 7) Иктиносий-екологик баркарор ривожланишни кандай тушунасиз?
- 8) Баркарор ривожланишга эришиш учун кандай тадбирлар амалга оширилиши лозим?
- 9) Ўзбекистондаги экологик вазиятларни жойлашуви ва йўналишини айтиб бера оласизми?
- 10) Экологик хавфсизликни таъминлаш кандай омилларга боғлик?

### **Асосий адабиётлар**

1. Абиркулов К.Н., Рафиков А., Хожиматов А.Н., Экология. Ўкув кўлланма. Т.: 2004.
2. Абиркулов К.Н., Абдулкосимов А., Хамдамов Ш. Ижтимоий экология, ўкув кўлланма - Т.: Ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2004.
3. Абиркулов К. Н., Хожиматов А., Ражабов Н., Атроф мухит муҳофазаси, ўкув кўлланма - Т.: Ёзувчилар уюшмаси нашриёти, 2004.
4. Ергашев А. Экология. Т.: «Ўзбекистон», 2003.
5. Националный доклад. О состояние окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. - Т., 2002.
6. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на XXI век. - Т., 2002.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **1-амалий машғулот мавзуси: Экологик менежментнинг асосий инструментлари**

#### **РЕЖА:**

- 1.1. «Экологик менежмент»нинг инструментлари тўғрисида тушунча ва уларнинг классификациялаш
- 1.2. Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардаги ўрни
- 1.3. Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг «Экологик менежмент» тизимидағи ўрни
- 1.4. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари
- 1.5. Маҳсулот экологик ҳаётӣ циклини баҳолаш
- 1.6. Экологик контроллинг

---

### **СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШГУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ**

#### **❖ Муҳокама учун саволлар**

1. Экологик менежментнинг инструментлари тўғрисида тушунча ва уларнинг классификациялаш.
2. Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардаги ўрни
3. Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг «Экологик менежмент» тизимидағи ўрни
4. Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторлари.
5. Маҳсулот экологик ҳаётӣ циклини баҳолаш.
6. Экологик контроллинг.

#### **Машғулот мақсади:**

Ишлаб чиқариш тизимларини бошқаришда операцион менежментнинг аҳамияти ва корхоналар ракобатбардошлигини ошириш учун опрецион стратегия ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

## **Ўқув фаолияти натижалари:**

### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ Экологик менежментнинг инструментларини таҳлил қилиш;
- ✓ Экологик ахборот тизимлари ва уларнинг экологик баланслардан фарқлаш;
  - ✓ Экологик ҳисоб ва экологик аудитнинг хусусиятларини;
  - ✓ Корхоналар фаолияти экологик натижаларининг индикаторларини ажратиб олиш;
  - ✓ Махсулот экологик ҳаётйи циклини баҳолашни моҳияти;
  - ✓ Экологик контроллингни таҳлил қилиш.

### **Тингловчилар уddyалайдилар:**

- ✓ Корхона мисолида ишлаб чиқариш ва сервис хизматларини фарқлашни;
- ✓ Аутсорсинг хизматидан фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- ✓ Операцион стратегиясини ишлаб чиқиш.

## **□ МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1.** Ривожланган мамлакатлар компанияларида аутсорсингдан фойдаланишни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

**Иш мазмуни:** Япония, Корея, Америка, Европа мамлакатларида фаолият кўрсатаётган аутсорсинг компаниялар фаолияти бўйича ахборотлар тўплаш ва инсерт техникаси асосида ўрганиш.

**Топшириқ 2.** Компаниялар операцион стратегиялари устуворликларини ҳисобга олган ҳолда опрацион стратегия ишлаб чиқиш.

**Иш мазмуни:** Жаҳон миқёсидаги компанияларда корпоратив, маркетинг, молиявий стратегияларни ўрганиш ва опрацион стратегиясининг устувор вазифаларига нималар киради ва опрацион стратегияни ишлаб чиқиш.

**Топшириқ 3.** Давра сұхбати асосида тингловчилар мазкур курсни ўзлаштиришда асосий муаммо ва масалаларни мухокамага қўядилар.

**Иш мазмуни:** Бугунги кунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш компаниялари бошқарув самарадорлигига таъсир қилаётган муаммоларни мухокамага олиб чиқадилар.

1. Компаниядаги опрациялар ва бизнес-жараёнлар қай даражада тўғри ташкил қилинган, ОМ қанчалик даражада самарали қўйилган, баҳо -«қай холатда ва қандай бўлиши керак».

2. Операция ва жараёнларни қайта кўриш зарурлиги ҳақидаги қарорлар қачон ва қандай қабул қилинади?
3. Компания учун қулай ахборот тизимлари борми?
4. Жараён эгаси ва маслаҳатчилар орасидаги зиддиятни қандай бартараф этиш мумкин?
5. Бизнес-жараёнларни маслаҳатчиларсиз қайтадан ташкил этиш ҳолатлари бўлганми?
6. Компанияларга маслаҳатчиларни жалб этиш қанча турди ва юқори даражали маслаҳатчилар рўйҳати қандай?
7. Функционал бўлинмалар томонидан қабул қилинган қарорлар самарадорлиги қандай баҳоланади?
8. Бизнес-жараёнларни такомиллаштириш заруртини аниқлаш вақтини қандай аниқлаш мумкин?
9. Қайта лойиҳалаштириш жараёни қандай тугалланади?
10. Компаниянинг ташкилий тузилмаси қандай шаклланади (ўртacha компаниялар учун)?

## **2– амалий машғулот:**

### **Корхоналарнинг экологик менежменти**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда монополияга қарши бошқарувнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Корхонанинг «Экологик менежменти» тўғрисида тушунча
2. Корхоналар, илмий менежмент ва атроф-муҳит муҳофазаси
3. Корхоналарнинг функционал хусусиятлари ва уларнинг Экология менежменти тизимида ифодаланиши
4. Корхона экологик сиёсатини ишлаб чиқиш

## **3– амалий машғулот:**

### **Стратегик экологик менежмент**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Стратегик экология менежменти тўғрисида тушунча
2. Стратегик экология менежментининг таҳлил усуллари

#### **4– амалий машғулот: Стратегик экологик менежмент**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

1. Фирманинг экологик стратегияси ва уларнинг классификацияси
2. Хорижий мамлакатларнинг экологик стратегия менежменти тажрибалари ва улардан фойдаланиш

#### **5-амалий машғулот: Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:

3. Ўзбекистоннинг ўзига хос экологик вазиятлари, экологик вазияларни бартараф этиш йўналишлари.

#### **6-амалий машғулот: Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш**

Машғулот бахс-мунозара шаклида ўтказилиб, мақсади тингловчиларда инновацион лойиҳалар ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

4. Экологик муаммоларни келтириб чиқарувчи асосий манбалар, шаҳарлар экологик вазиятларида: димографик, саноат, транспорт, комунал хўжалиги, курилиш тармоқларини таъсири.

## V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Компанияда жараёнларни Balanced Scorecard концепцияси асосида бошқариш
2. Фирманинг маҳсулот ассортиментини ривожлантириш бўйича таҳлилини амалга ошириш ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши(алоҳида фирма учун ABC таҳлили асосида)
3. “Тежамкор ишлаб чиқаришни жорий қилиш” тизимидан фойдаланиш (аниқ корхона тажрибаси асосида)
4. Корхонада “Шесть сигм” тизими бўйича бизнес-жараёнларни такомиллаштириш
5. Операцион-қиймат таҳлилидан фойдаланиб маҳсулот ва хизматларни лойихалаштириш
6. Ишлаб чиқариш корхонасида қийматлар занжирини бошқариш (SCM)
  7. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш.
  8. Маҳсулот чиқаришни режалаштириш бошқаришни ташкил этиш.
  9. Захираларни бошқариш.
10. Автоматлашган лойихалаштириш ва ишлаб чиқариши бошқаришнинг автоматлашган тизми (ИЧБАТ).
11. Операциянинг математик модели; тасвирланган ходисанинг мохияти; самарадорлигининг мақсад функцияси.
12. Операцияни ўрганища масаланинг умумий операцияларни тадқиқ қилиш масаласи моделининг методологияси; мақсад функциянинг уларнинг ўзгарувчан омиллари (ечим элементлари); оптималлаш масалалари.
13. Ресурслар кўринишлари; ресурс захиралари; ресурс бирлиги сони; маҳсулот сотишдан олинадиган фойда; ишлаб чиқаришни режалаштириш масласи; масаланинг иқтисодий — математик модели; ускуналарни иш билан банд қилиш масаласи.
14. Геометрик усулларни мохияти. Нуқталарнинг каварик тўплами.
15. Операцион менежментда ўйин назариясининг унсурлари.
16. Операцияларни бошқаришда тармоқли графиква тўрли режалаштириш.
17. Тармоқли режалаштириш ва бошқариш тармоқларнининг вазифаси
18. Захираларни бошқаришда операцялар менежменти ва уларнинг тармоқли моделлари.
19. Операцияларни бошқаришда инновациядан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги.
20. Операцион менежментнинг хорижий тажрибаси

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1.Кейс. КЕЙС-СТАДИ

#### **«Анъанавий молиявий таҳлил ва АВС»**

“Дебитор ва кредитор қарздорликни бошқариш муаммолари”

#### **Педагогик аннотация**

**Ушбу кейснинг мақсади:** корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг ташкил бўлиши ва бошқарилишини баҳолаш, таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг бозор шароитларида иқтисодиёт субъектининг ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш, қарздорликларни бошқариш бўйича мақсадли тадбирларни ишлаб чиқиш.

Режалаштирилаётган ўкув натижалар: кейс билан ишлаш натижаси бўйича Тингловчилар:

- корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини баҳолайдилар ва таҳлил қиласидилар;
- корхона қарздорликларини бошқариш бўйича қарорларни тўғри танлаш ва қабул қилишни биладилар;
- корхона қарздорликларини бошқариш бўйича мақсадий тадбирларни ишлаб чиқиш кўникмаларини ўзлаштирадилар;
- молиявий қарорни мустақил қабул қилиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Ушбу кейсни мувафақиятли ечиш учун Тингловчилар дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг иқтисодий моҳияти, уларнинг характерли аломатларининг турлари бўйича таснифи, қарздорликлар вужудга келадиган шароитлар ҳақидаги билимларга эга бўлишлари керак.

**Кейс обьекти:** “Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонаси кейс обьекти бўлиб, у масъулияти чекланган жамият шаклида рўйхатдан ўтказилган.

#### **Кейснинг ахборот манбалари:**

1. “Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонаси Низоми;
2. Корхонанинг 2018 ва 2019 йиллар учун бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);
3. Корхонанинг 2019 йилдаги молиявий натижалари ҳақидаги ҳисботи (2-сонли шакл);
4. Корхонанинг 2019 йилдаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари ҳақидаги маълумотнома (2-а сонли шакл);
5. Корхонанинг 2019 йилдаги пул оқимлари ҳақидаги ҳисботи (4-сонли шакл);

Кейс майдонли, спожетли категорияга киради. Ундан ҳисботот йилигача бўлган муддат бўйича баён қилинган.

Кейс корхона молиявий хужжатлари ахборотлари асосида қурилган.

У қисқа туркумлаштирилган. Бу кейс – вазифа.

**Дебиторлик ва кредиторлик қарзликини бошқариш бўйича ушбу кейснинг мақсади** корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқаришнинг янги молиявий стратегиялари ва йўлларини ишлаб чиқиш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг тўлов қобилиятини барқарорлаштиришни рафбатлантиришдир. Шунинг учун мазкур кейсда муаммо ажратилган ва шакллантирилган, вазифа ва унинг ечими алгоритми белгиланган.

**Муаммо:** Фаолият кўрсата бошлаган кундан бошлаб корхонада истеъмолчиларга қурилиш хизматларини кўрсатиш ва керакли қурилиш материаллари ва қисмларни ҳарид қилиш соҳасидаги ўз фаолиятини молиялаштиришга шахсий молиявий манбалар мавжуд бўлган. Аммо ҳозирги пайтда тўлов қобилияти билан боғлиқ муаммолар вужудга келган, бу корхонанинг асосий хўжалик фаолиятини ривожлантириш имкониятига таъсир кўрсатади.

**Вазифа:1.** “Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонаси дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг ҳолати ва тузилишини таҳлил қилиш асосида корхонанинг бу қарздорликларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва асослаш.

20. ABC таҳлил асосида корхона ҳаражатларини аниқлаб, операцион стратегия ишлаб чиикинг.

### **“Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонасининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқаришнинг муаммолари.**

Ушбу кейснинг обьекти - “Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонаси, қурилиш соҳасидаги ихтисослаштирилган корхона бўлиб, Қашқадарё вилояти худудидаги истеъмолчиларга ўз маҳсулотларини сотади ва хизматлар кўрсатади.

### **Корхона фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари.**

Корхона қарздорликларини самарали бошқариш корхона иш кўрсаткичларини мунтазам рақишда ўрганишни тақозо қиласди. Ишлаб чиқариш фаолиятини молиявий таҳлил қилиш жараёнида кўрсаткичлар ўрганилади ва баҳоланади. Улар бир томондан натижа, фойда ва товар айланиси билан бошқа томондан эса ресурслар ва ҳаражатлар моддий-техник база, айланма сармоялар, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан таърифланади. Куйида корхонанинг асосий иқтисодий кўрсткичлари 1, 2-жадвалларда берилган.

**1-жадвал**

**Корхона активларини шакллантириш. Бухгалтерия баланси (1-шакл)  
молиявий йил бошидаги ҳолат бўйича, минг сўм**

Кўрсаткичларнинг номи	01.01.2017 йил	01.01.2018 йил	01.01.2019 йил	Ўзгаришлар суръатлари				
				(+ / -)				
<b>АКТИВ</b>								
<b>1. Узоқ муддатли активлар</b>								
<b>Асосий воситалар</b>								
Дастлабки (тикланган) қиймати	258 141,0	258 141,0	289 899,1	<b>31 758,1</b>	<b>112,3</b>			
Эскириш суммаси	145 890,2	156 052,3	165 915,4	<b>9 863,1</b>	<b>106,3</b>			
Қолдиқ (баланс) қиймати	112 250,8	102 088,7	123 983,7	<b>21 895,0</b>	<b>121,4</b>			
<b>Номоддий активлар</b>								
Дастлабки қиймат		1 000,0	1 000,0	<b>0,0</b>	<b>100,0</b>			
Амортизация суммаси		200,0	400,0	<b>200,0</b>	<b>200,0</b>			
Қолдиқ (баланс) қиймати	0,0	800,0	600,0	<b>-200,0</b>	<b>75,0</b>			
Ўрнатилган ускуналар			20 000,0	<b>20 000,0</b>				
Капитал киритмалар	36 224,1	42 511,4	62 665,9	<b>20 154,5</b>	<b>147,4</b>			
Узоқ муддатли дебитор қарздорлиги				<b>0,0</b>				
Узоқ муддатли кечиктирилган ҳаражатлар				<b>0,0</b>				
<b>1-бўлим бўйича якун</b>	<b>148 474,9</b>	<b>145 400,1</b>	<b>207 249,6</b>	<b>61 849,5</b>	<b>142,5</b>			
<b>2. Жорий активлар</b>								
<b>Товар моддий захиралар, шу жумладан</b>								
Ишлаб чиқариш захиралари	31 159,4	37 501,6	25 342,3	<b>-12 159,3</b>	<b>67,6</b>			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	521,5	1 118,5	4 102,0	<b>2 983,5</b>	<b>366,7</b>			
Тайёр маҳсулот	45 561,7	54 245,0	64 224,5	<b>9 979,5</b>	<b>118,4</b>			
Товар	1 682,2	1 278,3	1 485,6	<b>207,3</b>	<b>116,2</b>			
<b>Дебиторлар жами</b>	<b>53 779,4</b>	<b>58 523,7</b>	<b>84 512,6</b>	<b>25 988,9</b>	<b>144,4</b>			
Шундан, муддати ўтиб кетгандар	5 945,1	10 524,1	19 694,6	<b>9 107,5</b>	<b>187,1</b>			
Ҳаридорлар ва буюртмачилар қарздорлиги	41 589,2	46 825,3	75 254,6	<b>28 429,3</b>	<b>160,7</b>			
Етказиб берувчилар ва пудратчилар томонидан берилган аванслар	11 753,9	10 725,0	7 286,3	<b>-3 438,7</b>	<b>67,9</b>			
Бюджетга солиқлар ва йигимлар бўйича аванс тўловлар	125,4	549,8	1 489,5	<b>939,7</b>	<b>270,9</b>			
Давлат мақсадий фонdlарига ва сугурта бўйича аванс тўловлари	82,5	160,5	183,6	<b>23,1</b>	<b>114,4</b>			
Бошқа дебиторлик қарзлар	228,4	263,1	298,6	<b>35,5</b>	<b>113,5</b>			
Пул маблағлар жами, шу жумладан	10 584,9	8 371,4	7 538,5	<b>-832,9</b>	<b>90,1</b>			
Кассадаги пул маблағлар	1,5	1,5	1,5	<b>0,0</b>	<b>100,0</b>			
Хисоб рақамидаги пулд маблағлар	10 853,4	8 369,9	7 537,0	<b>-832,9</b>	<b>90,1</b>			
<b>2-бўлим бўйича жами</b>	<b>143 559,1</b>	<b>161 038,5</b>	<b>187 205,5</b>	<b>26 167,0</b>	<b>116,2</b>			

<b>Баланснинг активи бўйича жами</b>	<b>292 034,0</b>	<b>306 438,6</b>	<b>394 455,1</b>	<b>88 016,5</b>	<b>128,7</b>
--------------------------------------	------------------	------------------	------------------	-----------------	--------------

<b>ПАССИВ</b>						
<b>1. Шахсий маблағлар манбалари</b>						
Низом суммаси		6 528,3	6 528,3	6 528,3	<b>0,0</b>	<b>100,0</b>
Тақсимланмаган фойда	(қопланмаган зара)	94 889,9	102 961,8	119 153,3	<b>16 191,5</b>	<b>115,7</b>
Бўлгувчи ҳаражатлар ва тўловларнинг резерви		28 954,6	31 008,5	29 298,1	<b>-1 710,4</b>	<b>94,5</b>
<b>1-бўлим жами</b>		<b>130 372,8</b>	<b>140 498,6</b>	<b>154 979,7</b>	<b>14 481,1</b>	<b>110,3</b>
<b>2. Мажбуриятлар</b>						
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами</b>		<b>0,0</b>	<b>0,0</b>	<b>36 000,0</b>	<b>36 000,0</b>	
Узоқ муддатли банк кредитлари				36 000,0	36 000,0	
Жорий мажбуриятлар, жами шу жумладан		161 661,2	165 940,0	194 475,4	28 535,4	117,2
Жорий кредиторлик қарздорлиги		116 661,2	131 947,2	169 240,3	37 293,1	128,3
Етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарздорлик		62 951,4	66 465,3	87 561,8	21 096,5	131,7
Олинган аванслар		37 546,1	43 385,8	53 385,5	9 999,7	123,0
Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик		924,5	1 173,0	1 316,5	143,5	112,2
Давлат мақсадий фонdlарига тўловлар бўйича қарздорлик		126,4	326,3	631,9	305,6	193,7
Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик		10 854,4	15 258,4	17 095,9	1 837,5	112,0
Қисқа муддатли банк кредитлари		44 800,0	33 992,8	25 235,1	-8 757,7	74,2
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми				9 000,0	9 000,0	
Бошқа кредиторлик қарздорликлар		4 458,4	5 338,4	9 248,7	3 910,3	173,2
<b>2-бўлим бўйича жами</b>		<b>161 661,2</b>	<b>165 940,0</b>	<b>239 475,4</b>	<b>73 535,4</b>	<b>144,3</b>
<b>Баланс пассиви бўйича жами</b>		<b>292 034,0</b>	<b>306 438,6</b>	<b>394 455,1</b>	<b>88 016,5</b>	<b>128,7</b>

**Молиявий натижалар ҳақидағи ҳисобот (2-шакл)****2019 молиявий йил учун минг сүм**

Күрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг тегишили даври учун		Ҳисобот даври учун		Ўзгаришлар суръатлари	
	даромад (фойда)	ҳаражат (зарар)	даромад (фойда)	ҳаражат (зарар)	(+ / -)	%
1	2	3	4	5	6	7
Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан соғ тушум)	226 146,1	X	296 845,9	x	70 699,8	131,3
Сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар ва ишлар) минг таннархи	x	169 112,8	x	223 442,1	54 329,3	132,1
Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ни сотишдан ялпи фойда (зарар)		57 033,3		73 403,8	16 370,5	128,7
Даврнинг ҳаражатлари, шу жумладан:	x	44 829,9	x	54 234,3	9 404,4	121,0
Сотиш бўйича ҳаражатлар	x	12 342,3	x	13 554,2	1 211,9	109,8
Маъмурий ҳажжатлар	x	31 233,4	x	39 256,9	8 023,5	125,7
Бошқа операциядаги ҳаражатлар	x	1 254,2	x	1 423,2	169,0	113,5
Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар		X		x	0,0	
Асосий фаолият учун фойда		12 203,4		19 169,5	6 966,1	157,1
Молиявий фаолиятдан даромадлар жами	0,0	X	0,0	x	0,0	
Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар, шу жумладан	x	1 835,1	x	2 534,8	699,7	138,1
Фоизлар кўринишидаги ҳаражатлар	x	1 835,1	x	2 534,8	699,7	138,1
Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)		10 368,3		16 634,7	6 266,4	160,4
Даромад (фойда) солиқ бўлагунга қадар фойда (зарар)		10 368,3		16 634,7	6 266,4	160,4
Даромад (фойда) солиги	x	242,5	x	443,2	200,7	182,8
<b>Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари)</b>		<b>10 125,8</b>		<b>16 191,5</b>	<b>6 065,7</b>	<b>159,9</b>

2018 йилда узоқ муддатли активлар ўзининг баҳоланишида 61 849,5 минг сўмга (42,5%) га кўпайган ва 2019 йилнинг 1 январида 202 249,6 минг сўм кўрсаткичга етган. Асосан бу ўсишга янги ускуналарни ҳарид қилиниши ва капитал қуйилмаларнинг кўпайиши таъсир қилган.

Корхоналарга жорий активлари ҳам ўсиш суръатларига эга, аммо ўсиш суръатлари ташқи айланма активларга нисбатан камроқ бўлган (2018 йилда 16,2% га) ва 2019 йилдаги ҳолати бўйича 187 205,2 минг сўмга етган.

2019 йилда корхонанинг дебиторлик қарздорлиги 845 126 минг сўмни ташкил қилган.

### **Корхона пассивларини шакллантириш.**

Пул маблағлари ва жамламаларни шаклланишининг шахсий манбалари ўсишга ўзининг ижобий доимийлиги билан таърифланади. Корхонанинг Низом жамғармаси ўзгармасдан қолмоқда ва 6 928,3 минг сўмни ташкил қиласди. Тақсимланмаган фойданинг кўрсаткичлари кўпаймоқда. Энг катта суръат 2019 йилда 16 191,5 минг сўмга 15,7% бўлган, аммо барибир ижобий динамика мавжуд ва 2019 йилнинг охирида 119 153,3 минг сўмни ташкил қиласди. Шубҳали қарзлар бўйича шакллантирилган резервлар ҳам, 2019 йилда камайган бўлсалар ҳам, корхона фаолиятини молиялаштириш манбаларини тўлдирдилар.

Корхона раҳбарияти молия-кредит муассасаларидан пул маблағларини қарзга олишга ижобий қарайдилар.

2019 йилда сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) нинг таннархи 223 442,1 минг сўмни, маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ни сотишдлан ялпи фойда 73 403,8 минг сўмни ташкил қиласди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга ҳаражатлар назорат остида бўлиб, 2019 йилда 13 554,2 минг сўмга тенг бўлган.

2019 йилдаги 39 256,9 минг сўмлик маъмурий ҳаражатлар ўз ичига раҳбар ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ушлаб туриш, яъни иш ҳақи, моддий-техник базани таъминлаш, бошқа ташкилотлар хизматлари (свет, сув, алоқа) га ҳақ тўлаш бўйича ҳаражатларни олади.

Корхона қарз маблағларидан фойдаланилганлиги сабабли кредит ресурслари учун фоизлар тўлаш бўйича қарз мажбуриятларига эга: 2018 йилда 1 835,1 минг сўмлик ҳаражатлар бўлган, 2019 йилда эса улар 2 534,8 минг сўмни ташкил қиласди.

“Курилишмонтажсервис” хусусий корхонаси кичик ва хусусий бизнеснинг субъекти бўлганлиги учун солиқса тортишнинг соддалаштирилган тизими бўйича солиқ тўлайди. 2018 йилда давлат бюджетига солиқларни тўлаш 242,5 минг сўмни, 2019 йилда 443,2 минг сўмни ташкил қиласди.

Корхонанинг соф фойдаси 2018 йилда 10 125,8 минг сўмни, 2019 йилда 16 191,5 минг сўмни ташкил қиласди.

Корхонанинг дебиторлик қарздорлиги ташкил бўлиши муддатлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

**2019 йилда ташкил бўлиши муддатлари бўйича корхонанинг  
дебиторлик қарздорлиги.**

	<b>Қарздорлик муддатлари</b>	<b>Йил охирида жами</b>	<b>Тў лов муддати келмаган</b>	<b>Тўлов муддатлари ўтиб кетган кунлар</b>			
				<b>1 дан 30 гача</b>	<b>31 дан 60 гача</b>	<b>61 дан 90 гача</b>	<b>90 дан ортиқ</b>
1.	Ҳаридорлар ва буюртмачиларнинг қарзи	75 254,6	9 243,5	12 276,4	21 681,7	12 358,4	19 694,6
2.	Ходимларга берилган аванслар	0,0	-	-	-	-	-
3.	Етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар	7 286,3	4 295,0	2 991,3	-	-	-
4.	Солиқлар ва бюджетга йиғимлар бўйича аванс тўловлари	1 489,5	-	953,5	536,0	-	-
5.	Давлат мақсадий фонdlари ва сугурта бўйича аванс тўловлари	183,6	-	149,2	34,4	-	-
6.	Бошқа дебиторлик тўловлари	298,6	-	243,9	54,7	-	-
<b>Ж А М И</b>		<b>84 512,6</b>	<b>13 538,5</b>	<b>16 614,3</b>	<b>22 306,8</b>	<b>12 358,4</b>	<b>19 694,6</b>

Корхонада шубҳали ва ишончсиз қарзларни қоплашнинг маҳсус резервини шакллантириш амалиёти мавжуд:

- агар тўлов муддати келмаса, унда резерв қарздорлик суммасидан 1 % да шакллантирилади;
- тўлов муддати 1 кундан 30 кунгacha ўтиб кетганда – резерв 2%;
- тўлов муддати 31 кундан 60 кунгacha ўтиб кетганда – резерв 10%;
- тўлов муддати 61 кундан 90 кунгacha ўтиб кетганда – резерв 30%;
- тўлов муддати 90 кундан ошиб кетганда – резерв 50%.

Корхонада кредиторлик қарздорлигини тўлаш муддатини белгилаш учун йиғма жадвал тузилади, унда қарзлар муддатлари бўйича гуруҳларга ажратилади. (4-жадвал).

**2019 йилда ташкил бўлиш бўйича корхонанинг кредиторлик  
қарздорлиги.**

№	Қарздорлик муддатлари	Йил охирида жами	Тўлов муддати келмаган	Тўлов муддатлари ўтиб кетган кунлар			
				1 дан 30 гача	31 дан 60 гача	61 дан 90 гача	90 дан ортиқ
1.	Етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарздорлик	87 561,8	25 435,4	25 799,8	36 326,6	-	-
2.	Олинган аванслар	53 385,5	1 500,0	30 958,9	20 926,6	-	-
3.	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик	1 316,5	-	1 060,4	256,1	-	-
4.	Давлат мақсадий фондларига тўловлар бўйича қарздорлик	631,9	-	420,1	211,8	-	-
5.	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича	17 055,9	500,1	11 036,1	5 559,7	-	-
6.	Бошқа кредиторлик қарздорлик	9 948,7	-	2 435,5	6 813,2	-	-
<b>Ж А М И</b>		<b>169 240,3</b>	<b>27 435,5</b>	<b>71 710,8</b>	<b>70 098,0</b>	-	-

Қарздорликларни бошқаришда бош ҳисобчиси ҳисоб-китоблардаги маблағларни айлана олишлиги устидан назоратни амалга оширади.

Дебиторлик қарздорлиги (ҳисоб-китоблардаги маблағлар)нинг айлана олишлигини баҳолаш учун айлана олишликнинг қуидаги формулалар бўйича ҳисобланган кўрсаткичларидан фойдаланилади:

*айланишлар сони = сотишидан соф тушум / ўртacha дебиторлик қарздорлик*

*Дебиторлик қарздорлигини тўлаши даври = даврнинг календар кунлари / айланишлар сонига.*

Кредит қарздорлигини айлана олишлигини баҳолаш учун айлана олишликнинг қуидаги формулалар бўйича ҳисобланган кўрсаткичларитдан фойдаланилади:

*айланишлар сони – сотишидан тушган тушумлар + ўртacha кредиторлик қарздорлиги*

*Кредиторлик қарздорлигини тўлаши даври = даврнинг календар кунлари / айланишлар сонига.*

## **II. Тингловчи учун услубий кўрсатма.**

### Муаммо

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича мақсадли тадбирларни белгилаш ва ишлаб чиқиш.

### Вазифалар:

- ҳисоб-молия бўлими ходимларининг корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини корхона баланси тузилишини мувофиқлашишига таъсирини таҳлил қилиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг айлана олишлигини таҳлил қилиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг қиёсий таҳлили;
- корхонада дебиторли ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича мақсадли тадбирлар тизимини танлаш ва асослаш.

Ечимнинг алгоритми

- ҳисоб-молия бўлими ходимлари корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича фаолиятининг таҳлили.

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини корхона баланси тузилишини мувофиқлаштиришга таъсирининг таҳлили ўз ичига корхона кўрсаткичлари бўйича агрегацияланган балансини тузиш ва унинг маълумотларининг тадқиқоти ва таҳлилини ўтказишни олади (5-жадвал)

5-жадвал

**2019 йил учун агрегацияланган баланснинг вертикал таҳлили.**

Кўрсаткичлар	Даврнинг бошида		Даврнинг охирида		Ўзгариш	
	минг с.	%	минг с.	%	минг с.	%
<b>Баланснинг активи</b>						
1.	Мулк					
1.1.	Иммобилизацияланган активлар					
1.2.	Айланма активлар					
1.2.1.	Захиралар ва ҳаражатлар					
1.2.2	Дебиторлик қарздорлик					
1.2.3.	Пул маблағлари					
<b>Баланснинг пассиви</b>						
1.	Мулкнинг манбалари					
1.1.	Шахсий сармоялар					
1.2.	Қарз сармоялари					
1.2.1.	Узоқ муддатли мажбуриятлар					
1.2.2.	Қиска муддатли мажбуриятлар					
1.2.3.	Кредиторлик қарздорлиги					

Агрегацияланган баланснинг вертикал таҳлилини ўтказишида ҳам корхона фаолиятини молиялаштириш манбалари бўйича ва ҳам пул маблағларини корхона активларига жойлаштириш бўйича асосий қўрсаткичлар белгиланади.

Бу ерда яна ҳар бир қўрсаткичнинг умумий якунга салмоғи, мутлоқ миқдорлар ва фоизли акс эттиришлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш зарур, бу корхона қарздорликларини хўжалик юритувчи субъектиning тўлов қобилиятига таъсирини таҳлил қилиш учун зарурдир.

- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар тарқиби ва тузилишининг таҳлили:

Корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини таҳлил қилишни боришида бу қарздорликларнинг тарқиби ва тузилишини ҳамда содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш зарур.

Бу вазифани бажариш учун, биринчи навбатда, 6 ва 7-жадвалларни тузиш зарур.

### **2019 йилда корхона бўйича қарздорлиги тарқиби ва тузилишининг таҳлили.**

Кредиторлар билан хисоб-китоблар		Даврнинг бошида		Даврнинг охирида		Четга чиқимлар	
		сумма минг с.	салмоғи %	сумма минг с.	салмоғи %	сумма минг с.	салмоғи %
1.	Етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарздорлик						
2.	Олинган аванслар						
3.	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик						
4.	Давлатнинг мақсадий фонdlарига тўловлар бўйича қарздорлик						
5.	Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик						
6.	Бошқа кредиторлик қарздорлик						
<b>Ж А М И</b>							

Кредиторлик қарздорлиги тарқибини таҳлил қилиш ҳар бир қарздорликнинг умумий тузилишидаги ролини ҳамда унинг вақтдаги ўзгариши суръатларини таҳлил қилиш зарур. Корхонанинг контрагентлар олдидағи ҳар бир молиявий мажбурияти ўзининг орқасидан тадбиркорлик субъектида белгиланган оқибатларни олиб келади, уни қандайлигини аниқлаш зарур. Яна хисоб-молия бўлими ходимининг кредиторлик қарздорлигини бошқаришдаги асосий вазифаларини қўрсатиш зарур.

**2019 йилда корхона бўйича дебиторлик қарздорлиги таркиби ва  
тузилишининг таҳлили**

Кредиторлар билан хисоб-китоблар	Даврнинг бошида		Даврнинг охирида		Четга чиқимлар	
	сумма минг с.	салмоғи %	сумма минг с.	салмоғи %	сумма минг с.	салмоғи %
1. Ҳаридорлар ва буюртмачиларнинг қарзи						
2. Ходимларга берилган аванслар						
3. Етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар						
4. Солиқлар ва бюджетга йифимлар бўйича аванс тўловлари						
5. Давлат мақсадий фонdlари ва суғурта бўйича аванс тўловлари						
6. Бошқа дебиторлик тўловлари						
<b>Ж А М И</b>						

Дебиторлик қарздорлиги таркибини таҳлил қилишда ҳар бир қарздорликнинг умумий тузилишидаги ролини ҳамда унинг вақтдаги ўзгариши суръатларини таҳлил қилиш зарур. Контрагентларнинг корхона олдидаги қарздорлиги – бу корхона айланмасидан четга чиқсан пул мblaғларидир. Бу мblaғларнинг тадбиркорлик субъекти учун олиб келадиган салбий оқибатларини аниқлаш зарур. Яна хисоб-молия бўлими ходимининг дебиторлик қарздорлигини бошқаришдаги асосий вазифаларини кўрсатиш зарур.

Корхона дебиторлик қарздорлиги таркиби ва тузилишини таҳлил қилгандан кейин шубҳали ва ишончсиз қарзларни қоплашнинг маҳсус резервини шакллантириш бўйича корхона амалиётидан фойдаланиш, тегишли хисоб-китобларни ўtkазиш ва 8-жадвални тўлдириш зарур.

8-жадвал

**Шубҳали ва ишончсиз қарзлар бўйича резерв суммасининг ҳисоб-китоби**  
**2019 йилдаги ҳолат бўйича**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Умумий сумма	Тўлов муддати келмаган	Тўлов муддатлари ўтиб кетган кунлар			
				1 дан 30 гача	31 дан 60 гача	61 дан 90 гача	90 дан ортиқ
1.	Ҳаридорлар ва буюртмачилар деби-торлик қарздорлигининг суммаси						
2.	Резервни шакллантириш учун фоиз ставкаси						
3.	Гурӯҳ бўйича резерв суммаси						
<b>Резервнинг умумий суммаси</b>							

Шакллантирилган резерв корхонага контрагентлар - “Қурилишмонтажсервис” хусусий корхонаси ҳаридорлари ва буюртмачиларининг қайтарилимган қарzlари бўйича ўзининг молиявий барқарорлигини суғурталаш имкониятини беради.

- Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг айлана олишлигини таҳлил қилиш.

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари айлана олишлигини таҳлил қилишини боришида ҳар бир қарздорликнинг айлана олишилиги кўрсаткичини белгилаш бўйича тегишли ҳисоб-китобларни ўтказиш зарур. Бу кўрсаткичларни тўлиқроқ таҳлил қилиш учун вақтнинг бир қатор даврлари учун динамикани кузатиб чиқиш зарур.

Ушбу вазифани бажариш учун 9 ва 10-таҳлилий жадвалларни тузиш зарур.

**9-жадвал**

**Кредиторлик қарздорлиги айлана олишигининг таҳлили.**

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	Четга чиқимлар (+ / -)	
				2019 й. да 2018 й. га нисбатан	%
1.	Махсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ни сотишдан тушган соғ тушум, минг сўм				
2.	Ўртacha кредиторлик қарздорлиги, минг сўм				
3.	Мунтазам айлана олишилик (1 бет / 2-бет)				
4.	Кредиторлик қарзини тўлаш даври, кунлар ёки кунлар айланишлар сони				

Корхонанинг кредиторлик қарздорлиги уларни келгусида ўз активлари ҳисобидан қоплаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул мажбуриятларининг мавжудлигидан иборат бўлади. Кредиторлик қарздорлигини айлана олишлиги кўрсаткичининг корхона маҳсулотлари (товари, ишлари ва хизматлари) еи сотишдан тушумга ўзаро боғлиқлигини, ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолиятига таъсирини аниқлаш зарур. Корхона мутахассислари томонидан қарздорлик муддатини ўтиб кетиши ва хўжалик юритувчи субъект тўлов қобилиятини ёмонлашишига йўл қўймаслиги мақсадида бу кўрсаткичларни бошқариш бўйича хulosалар таклифлар тақдим этилиши керак.

10-жадвал

#### **Дебиторлик қарздорлиги айлана олишигининг таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	Четга чиқимлар (+ / -)	
				2019 й. да 2018 й. га нисбатан	%
1.	Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ни сотишдан тушган соғ тушум, минг сўм				
2.	Ўртacha дебиторлик қарздорлиги,минг сўм				
3.	Мунтазам айлана олишилик(1 бет / 2-бет)				
4.	Дебиторлик қарзини тўлаш даври, кунлар ёки кунлар айланишлар сони				

Дебиторлик қарздорлиги корхона шахсий айланма маблағларининг иммобилизациялашдан иборатdir. Бунинг натижсида корхона молиявий йўқотишларга эга бўлиши мумкин.

Дебиторлик қарздорлиги айлана олишиги кўрсаткичининг корхона маҳсулотлари (товарлари, ишлари ва хизматлари)ни сотишдан тушумга ўзаро боғлиқлигини, ҳамда унинг молиявий тўлов қобилияти “Курилишмонтажсервис” хусусий корхонаси мажбуриятларини тўлаш имкониятига таъсирини аниқлаш зарур. Корхона мутахассиси томонидан қарздорлик муддатини ўтиб кетиши ва хўжалик юритувчи субъект тўлов қобилиятини ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида бўйича кўрсаткичларни бошқариш бўйича хulosалар ва таклифлар тақдим қилиниши керак.

#### **Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг қиёсий таҳлили.**

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг таҳлилини боришида ҳисоб-китоблар балансини тузиш билан қарздорликларнинг ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш имкониятига ўзаро таъсири кўрсаткичларини белгилаш бўйичи тегишли ҳисботларни ўтказиш зарур. (11-жадвал)

Ҳисоб-китоб балансининг активига дебиторлик, пассивига кредиторлик қарздорлиги киритилади. Дебетли сальдо, яъни дебиторлик қарздорлигини ошиб кетиши корхона айланма маблағларидан бир қисми оборотдан ноқонуний

олинганлиги ва уни дебиторлар оборотида бўлишини билдиради. Аксинча, ҳисоб-китоб баланси бўйича кредитли сальдо, яъни кредиторлик қарздорлигини дебиторликдан ошиб кетиши бошқа корхоналар ва ташкилотлар маблағларини режадан ташқарига жалб қилинишини билдиради.

11-жадвал

### **Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг қиёсий таҳлили.**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2019 йил		Ошиб кетишлилар	
		дебиторлик	кредиторлик	дебиторлик	кредиторлик
1.	Буюртмачилар ва етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб				
2.	Аванс тўловлари				
3.	Бюджетдан ҳисоб-китоблар				
4.	Бюджетдан ташқари фонdlар билан ҳисоб-китоблар				
5.	Ходимлар билан ҳисоб-китоблар				
6.	Бошқа қарздорликлар				
<b>Ж А М И</b>					

2019 йилдаги ҳолатига қўра корхонада хўжалик юритувчи субъектнинг контрагентлри билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича қийинчиликлар вужудга келган.

Бу кўрсаткичларни тўлиқроқ таҳлил қилиш учун қарздорликларнинг умумий суммасини кузатиб бориб, корхонада тўлов қобилиятига эга бўлмасликни вужудга келишини асосий сабабларини аниqlанг ва корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари қиёсий ҳисобот балансини таҳлил қилиш билан хulosаларни тасдиқлаш зарур. - корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича мақсадий тадбирлар тизимини танлаш ва асослаш

Корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни бошқариш бўйича мақсадий тадбирлар тизимини танлашда қуйидагилар зарур.

- қарздорликларни бошқаришда асосий вазифаларни белгилаш;
- қарздорликларни бошқаришнинг асосий мақсадларини белгилаш;
- қарздорликларни бошқариш бўйича асосий натижаларни аниглаш;
- ҳисоб-молия бўлими мутахассисларининг вазифаларини тақсимлаш;
- қарздорликларни бошқаришнинг усувлари ва йўлларини белгилаш;
- қарздорликларни бошқариш бўйича мақсадий тадбирларни белгилаш;
- корхона фаолиятини молиялпаштиришнинг усувлари ва йўлларини белгилаш.

Пировардида корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича мавжуд вазиятни таҳлил қилиш якунлари бўйича якуний хulosаларни чиқариш йўли билан молиявий стратегияни танлашнинг тўғрилигини асослашни тақдим этиш. Дебиторлик ва кредиторлик

қарздорликларни бошқариш бўйича мақсадли тадбирлари тизими вариантини танлаш презентация кўринишида асослаш.

### **Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш вараги.**

<b>Кейс билан ишлаш босқичининг номи</b>	<b>Ишлар босқичининг мазмуни</b>	<b>Натижалар</b>
Кейсда берилган вазифа билан танишиш	Берилган вазиятнинг обзори ва масалани ечиш учун муҳит ахборотларни белгилаш.	
Жорий вазиятнинг таҳлили	<p>“Курилишмонтажсервис” хусусий корхонасининг дастлабки кўрсаткичлари ёрдамида вазиятга диагноз қўйиш.</p> <p>Ушбу кўрсаткичлар бўйича субъекнинг ҳақиқий ҳолати кўриб чиқилади ва босқичма-босқич вазиятли таҳлил.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳисоб-молия бўлими ходимларининг корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини бошқариш бўйича фаолиятининг таҳлили;</li> <li>- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини корхона баланси тузилишини мувофиқлашишига таъсири;</li> <li>- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таркиби ва тузилишининг таҳлили;</li> <li>- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини айлана олишлигининг таҳлили;</li> <li>- дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг қиёсий таҳлили;</li> <li>- корхонадаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни бошқариш бўйича мақсадий тадбирлар тизимини танлаш ва асослаш.</li> </ul>	
Муаммони шакллантириш	Асосий муаммони ажратиш ва унинг ташкил қилувчи аломатлари, исботлари) ни аниқлаш.	
Муамонинг муқобил ечимини танлаш	<p>Вазиятли вазифанинг эҳтимол бўлган муқобил ечимини шакллантириш.</p> <p>Стратегияни танлаш ва асослаш (якка ҳолда):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- афзалликлар ва кутилган натижалар;</li> <li>- камчиликлар ва қарзлар.</li> </ul>	
Муамони ечимини ишлаб чиқиш ва асослаш	Аниқ ечимни мукаммал ишлаб чиқиш ва асослаш.	

## Баҳолаш мезонлари

### 1. Якка тартибда бажарилган ишни баҳолаш тизими.

Иштирокчилар	Баҳолаш мезонлари				
	Жорий вазиятнинг таҳлили max 1,0	Муаммони шакллантириш max 0,5	Муаммонинг муқобил ечимини танлаш max 0,5	Аниқ вазифани мукаммал ишлаб чиқиши ва асослаш max 0,5	Умумий балл (мах балл 2,5)
.					
.					

2,0 – 2,5 баллар – “аъло”; 1,5 – 2,0 баллар – “яхши”; 1,0 – 1,5 баллар – “қониқарли”, 1,0 дан паст – “қониқарсиз”

### 2. Муаммони гурухли ечиш вариантиларини баҳоли тизими.

1. Ҳар бир гуруҳ 2 баҳолаш балларини олади. У уларнинг барчасини бирданига ечимининг битта вариантига бериши ёки ечимининг шахсий вариантини баҳолашни қўшмасдан иккига (1:1, 0,5:0,5 ва х.к.) тақсимлаши мумкин.

2. Ечимнинг ҳар бир варианти бўйича олинган баллар қўшилади. Балларнинг энг кўп микдорини тўплаган вариант ғалаба қозонади. Баҳсли ҳолларда овоз беришни ўтказиш мумкин.

### Муаммо ечими вариантиларини баҳолаш.

Гурух	Муаммо ечимининг муқобил вариантилари				
	1	2	3	4	5
I.					
II.					
III.					
IV.					
V.					
<b>С У М М А</b>					

### 3. Тақдимотнинг ўзини рағбатлантирувчи баҳолаш тизими.

1. Ҳар бир гуруҳ сўзга чиқсан гуруҳнинг презентациясини баҳолайди. Ҳар бир мезон бўйича гуруҳ 10 балл максимум 50 балл олиш имкониятига эга.

2. Барча олинган баллар ўртача балл ҳисоблаб чиқилади ва якунида презентацияни тайёрлаган энг яхши мини гуруҳ аниқланади.

**Таклиф қилинаётган ечим презентациясини баҳолаш.  
(аҳлоқий рухиятни күтариш сифатида)**

Гурұх	Презентаци- яниңг тұлғалығы ва аниқлиги (1 – 10)	Тақдим этилаётган презентация- нинг күргазмалығы (1 – 10)	Гурұх аъзолари- нинг оммавийли- ги ва фаоллиғи (1 – 10)	Таклиф қилинаёт- ган ечимнинг ноёблиғи (1 – 10)	Қонуний меъёрлар га мослиги (1 – 10)	Тұпланған баллар нинг умумий суммаси
]						

**2-Кейс. “Интер-Роҳат ” қүшма корхонаси мисолида**

**«МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ  
КҮРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛИ»**

**ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ**

**1. Фаннинг номи:** “Операцион менежмент”.

**Мавзунинг номи:** “Молиявий натижаларни ифодаловчи күрсаткичларни таҳлили” мавзуси бўйича кейс.

**2. Ушбу кейснинг мақсади** – Тингловчиларни ўрганилган мавзу бўйича эгаллаган назарий билимлари асосида амалий ҳаракатлар, мулоқотлар, фикрлаш орқали муайян иқтисодий ва молиявий вазиятни таҳлил қилиш натижасида тўғри баҳолай олишлари кераклиги билан белгиланади.

**Кутилаётган натижалар:** корхона молиявий натижаларини ифодаловчи күрсаткичларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш усулларини ўрганиш, молиявий таҳлилни баҳолаш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун Тингловчилар қуидаги **натижаларга эришишлари лозим**: молиявий натижаларни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва ҳисоб-китоб қилиш, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш усули, корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш;

**3. Ушбу кейс кабинетли ва сюжетли тоифасига киради.** Вазиятни ҳолатни ўтган даврдан ҳозирги давргача бўлган иқтисодий жараёнлардан иборат.

**4. Бу ташкилий-институционал** кейс. У молиявий ҳисобот маълумотларига тақрибан асосда тузилган қисқа ва структурали кейстопшириқ. Кейснинг обьекти бўлиб “Интер-Роҳат” қүшма корхонаси ҳисобланади.

**5. Дидақтик мақсадлари бўйича** - тренинг кейси ҳисобланаб, амалий машғулот давомида берилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Шу боисдан, кейсда алоҳида вазиятда вужудга келган муаммони таҳлил қилиб, ижобий ҳал қилиш учун вазифалар, уни ечиш кетма-кетлиги, ахборот манбалари берилган.

**6. Кейснинг асосий ахборот манбаси сифатида “Интер-Роҳат” қўшма корхонасининг 2019 йил бўйича 2-шакли - “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маълумотлари ҳамда “Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усусларини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси материалларидан фойдаланилди.**

**7. Кейснинг асосий моҳияти, афзалликлари қўйидагилардан иборат:**

- ўқув машғулотини кейс-технологияси орқали ўтказилади;
- Тингловчиларни максимал фаоллигини оширади ва мустақил ишлашга, фикрлашга ундайди;
- аниқ маълумотлар асосида қурилган вазиятнинг мавжудлиги Тингловчиларда уни ечишга қизиқиш үйғотади;

### **Кириш**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий ва молиявий ҳолатини таҳлил қилишни тақозо этади.

Корхоналарни молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ва муҳими - молиявий натижалардир. Молиявий натижалар (фойда ёки зарар) хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда барометр вазифасини ўтайди. Шу боис, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш шаклланаётган эркин иқтисодиёт шароитида нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга моликдир.

Корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни комплексли ва тизимли тарзда омилли таҳлил қилиш лозим. Молиявий натижаларни омилли таҳлил қилиш натижасида корхоналарни рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатининг олдини олиш, фойдани ошириш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ва молиявий салоҳиятини ошириш, хўжалик фаолиятини иқтисодий баҳолаш самарадорлигини ошириш имкони бўлади.

**Ушбу кейсда “Интер-Роҳат” қўшма корхонасининг молиявий ҳисботи маълумотлари асосида фойда (зарар) кўрсаткичлари ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар таҳлил қилинган ва соғ фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари аниқланган бўлиб, натижада уларнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятида содир бўлган муайян вазият ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон бўлади.**

Берилган кейсни ечиш натижасида қўйидаги ўқув натижаларига эришиш мумкин:

- ўрганилган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммони алоҳида ва гуруҳлараро таҳлил қилишга ва асосли бошқарув қарорларини қабул қилишга ўрганиш;
- мустақил қарор қабул қилишга ўрганиш;
- ўқув маълумотларини ўрганиш даражасини текшириш.
- корхоналарда молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини излаб топиш ва уларни иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш;

## **1.”Интер-Роҳат” қўшма корхонасидаги вазият билан танишиш**

“Интер-роҳат” қўшма корхонаси молиявий ҳолатини таҳлил қилиш натижасида унинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан камайганлиги аниқланди. Молиявий натижалар корхонани иқтисодий-молиявий салоҳиятини ошишида муҳим ўринни эгаллади.

Корхона раҳбари бош бухгалтерга молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилишни, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлашни ҳамда ушбу кўрсаткичлар бўйича корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо беришни топширади.

Хўжалик субъектларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш учун асосий ахборот манба молиявий ҳисоботнинг 2-шакли -“**Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот**” маълумотлари ҳисобланади. Шу боис, қўйида “Интер-роҳат” қўшма корхонасининг 2019 йилдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари берилган.

## **2.”Интер-Роҳат” қўшма корхонасининг молиявий ҳисоботи маълумотлари**

**1 январ 2019 йил**

**Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-сонли шакл**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)
Махсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан соғ тушум	010	9279949	X	9210307	X
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	020	X	3936010	X	31443853
Махсулот (товар, иш хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (сатр 010 -020)	030	5343939		6066454	
Давр харажатлари, жами (сатр 050+060+070+080) шу жумладан:	040	X	1271901		2939813

Сотиш харажатлари	050	X	535249		866284
Маъмурий харажатлар	060	X	736652		980428
Бошка операцион харажатлари	070	X		[	1088407
Келгусида солиқка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	X		X	4694
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	154376	X	852733	X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр 030-040+090)	100	4226414		3979374	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр 120+130+140+150+160), шу жумладан	110	73215	X	509679	X
Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	120	25361	X	24975	
Фоизлар кўринишидаги даромадлар	130	-	X	6831	X
Узоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	140	-	X	47768	X
Валюта курси фарқи даромадлари	150	-	X	33555	X
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	478 54	X	396550	X
Молиявий фаолият бўйича харажатлари, жами (сатр 180+190+200+210), шу жумладан	170	X	379702	X	830342
Фоизлар кўринишидаги харажатлар	180	X	272265	X	555152
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар харажатлар	190	X	-	X	6323
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	X	107437	X	159530
Молиявий фаолиятнинг бошқа зарарлари	210	X	-	X	109937
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр 100+110-170)	220	3919927		365 8711	
Фавқулодда фойда ва зарарлар	230	-	850	X	1046
Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр 220+/-230)	240	3919077		3657665	
Даромад (фойда) солиги	250		1975757		374482
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260		218952		2209341
Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари)	270	1724368		1073842	X

(1-илова)

### 3.Билимларни жонлантириш учун саволлар

- 1.Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум қандай аниқланади?
- 2.Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
- 3.Асосий фаалиятнинг фойдаси (зарари) қандай аниқланади, унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қиласди?
- 4.Давр харажатлари таркибига қандай харажатлар киради?
- 5.Корхонаниг асосий фаолиятидан келган бошқа даромадлар (харажатлар)га нимлар киради?
- 6.Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (зарар) қандай аниқланади ҳамда унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
- 7.Молиявий фаолиятнинг даромадларига нималар киради?
- 8.Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда қандай аниқланади?
- 9.Фавқулоддаги фойда ва фавқулоддаги зарар деганда нима тушунилади?
- 10.Соф фойда қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

### 4.Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

**Муаммо.** Корхонада мавжуд бўлган вазият асосида унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолияти молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

#### Вазифалар

- Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да ифодаланишини ўрганиш.
- Молиявий натижаларнинг ҳар бир кўрсаткичини аниқланиш йўлларини ва умумлашган кўрсаткичларини аниқлаш.

“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” 2-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

- Корхонада соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички имкониятлар суммасини аниқлаш ва хulosалар бериш.
- Корхонанинг молиявий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

#### Ечиш кетма-кетлиги

1. Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Нима юз берган? Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3. Омилли таҳлилни ўтказиш натижасида пировард кўрсаткични ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсири аниқланади, ҳисоб-китоб қилинади ҳамда натижавий кўрсаткични ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар хажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари излаб топилади.

4. Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

### **Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма**

<b>Таҳлил босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишиш	<p>1. Кейсни ўқиши жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.</p> <p>2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг.</p> <p>3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.</p>
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	<p>1. Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим ҳусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг.</p> <p>2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин?</p> <p>3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.</p>
3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	<p>1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.</p>

## 5. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

**1-жадвал**

### **Маҳсулот сотишдан кўрилган ялпи фойда ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Шартнома (эркин баҳода)	Ҳақиқатда хисобот йил
1.	Маҳсулот сотишдан келган соф тушум		9196320	
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи		3106261	
3.	Сотишдан олинган ялпи фойда (зарар)			

**2-жадвал**

### **Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан келган фойда (зарар) ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда хисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Ялпи фойда				
2.	Давр харажатлари				
3.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари				
4.	Асосий фаолиятнинг бошқа харажатлари				
5.	Операцион фойда (зарар)				

**3-жадвал.**

### **Умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (зарар) ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили.**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда, ўтган йил	Ҳақиқатда хисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Операцион фойда (зарар)				
2.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари				
3.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар				
4.	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар				
5.	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.				
6.	Умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарар)				

**4-жадвал.**

## Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда хисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (зарар)				
2.	Фавқулодда фойда				
3.	Фавқулодда зарар				
4.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар)				

### 5-жадвал

#### Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда хисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар)				
2.	Фойда солиғи				
3.	Бошқа солиқ ва тўловлар				
4.	Соф фойда (зарар)				

### 7.Кейсологнинг жавоб варианти

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун “Махсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги” Низомга асосан оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади. Таҳлил қилиш аввалимбор, корхонанинг маҳсулотларни сотишдан келган ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади, (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Махсулот сотишдан кўрилган ялпи фойда ва уни ўзгаришига таъсир  
қилувчи омилларнинг таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Хақиқатда ўтган йил	Шартнома (эркин баҳода)	Хақиқатда ҳисобот йил
1.	Махсулот сотишдан келган соғ тушум	9279949	9196320	9210307
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	3936010	3106261	3143853
3.	Сотишдан олинган ялпи фойда (зарар) (1к-2к)	5343939	6090059	6066454

1-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ялпи фойда ҳажми ҳисобот даврида асос йилига нисбатан 722515 минг сўмга кўпайган ёки унинг ўсиш суръати 113,5 %ни ташкил қилди. Бунга қуидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Сотиш баҳосининг ўзгариши.

$$9210307 - 9196320 = +13987 \text{ минг сўм (+)}$$

Демак, ушбу омил эвазига ялпи фойда ҳажми 13987 минг сўмга ошган ёки олинган кўшимча ялпи фойда (722515) жами баҳони ошиши эвазига олинган.

2. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши.

$$3143853 - 3106261 = +37592 \text{ минг сўм. (-)}$$

Демак, сотилган маҳсулотнинг таннархининг 37592 минг сўмга ошиши ўзнатижасида ялпи фойда шунча суммага камайган.

3. Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши. Ушбу омил корхонанинг тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ. (ички омил), чунки маҳсулот қанча кўп сотилса, фойда ҳам шунча кўп бўлади. Унинг таъсирини ҳисоблаш усули қуидагича:

$$A. 9196320 : 9279949 \times 100 = 99 \%$$

$$B. 53439391 \times 1 : 100 = -53439 \text{ минг сўм.}$$

Демак, сотилган маҳсулот ҳажмининг 1 %га камайиши корхонанинг ялпи фойдасини 53439 минг сўмга камайтирган.

4. Маҳсулот ассортименти ва таркибини ўзгариши. Ушбу омилнинг таъсирини қуидаги усул билан аниқлашни тавсия этамиз.

**Баланс усули.** Бунда ялпи фойда бўйича аниқланган умумий фарқдан олдин ҳисобланган омилларнинг таъсири айрилади, яъни:

$$[-722515] - [(+13987) + (-37592) + (-53439)] = +617497 \text{ минг сўм.}$$

Омиллар баланси:  $[(+13987) + (-37592) + (-53439) + (+617497)] = -722515 \text{ минг сўм.}$

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда асосан корхоналарнинг маҳсулотларни сотишдан олган фойдасини тавсифлайди. Бу фойдани аниқлаш учун товарларни сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатлари ва асосий фаолиятдан олинган бошқа харажатлар чегирилиши, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши тавсия этилган.

Операцион фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (2- жадвал).

**2-жадвал**

**Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан келган фойда (зарар) ва унинг  
ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда ҳисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Ялпи фойда	5343939	6066454	+722515	113
2.	Давр харажатлари	1271901	2939813	+1667917	184
3.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	154376	852733	+698357	5,5
4.	Асосий фаолиятнинг бошқа харажатлари	X	X	X	X
5.	Операцион фойда (зарар) (1к-2к+3к-4к)	4226414	3979374	-247040	94,2

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилаётган корхонада асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажми ҳисобот йили, ўтган йилга нисбатан 5,8 %га камайди. Бунга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг 722515 минг сўмга кўпайиши натижасида асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори 17,1% га [ $722515 \times 100:4226414$ ] ошган.

2. Давр харажатлари ҳажмининг 1067917 минг сўмга ортиши эвазига асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори 39,5%га камайган [ $1067917 \times 100:4226414$ ].

3. Бошқа операцион даромадлар миқдори 698357 минг сўмга ошган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмини 16,5% га кўпайтирган [ $698357 \times 100:4226414$ ].

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган 3 та омилнинг таъсири:  $(+17,1) + (-39,5) + (+16,5) = -5,8\%$ . Бу фоиз эса асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга (-5,8 %) teng.

Энди, асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирили алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, 3-жадвал.

**3-жадвал**

**Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби**

Ҳисоблашнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижавий кўрсаткич-асосий фаолиятдан келган бошка операцион даромадлар	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+, -)	Ўзгариш сабаблари
		Ялпи фойда	Давр харажатлари	Асосий фаолиятдан келган бошка операцион даромадлар			
1	2	3	4	5	6		
		5343939	1271901	154376	4226414	-	-
		6066454	1271901	154376	4948929	+722515	Ялпи фойдани кўпайиши
		6066454	2939813	154376	3281017	-1667912	Давр харажатларини кўпайиши
		6066454	2939813	852733	3979374	+698357	Асосий фаолиятдан кўрилган даромадларни Кўпайиши
Омиллар баланси:						-247040	

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун операцион фойдага молиявий фаолиятнинг жами даромадлари қўшилади ва молиявий фаолият бўйича жами харажатлар айрилади. Таҳлил қилиш учун 4-жадвални ҳавола қиласиз.

**4-жадвал.**

**Умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (зарар) ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили.**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда ҳисобот йил	Фарқи	
				Мутлоч суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Операцион фойда (зарар)	4226414	3979374	-247040	94,2
2.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	73215	509679	+436464	6,9 м
3.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	379702	830342	+450640	2,2 м
4.	Молиявий фаолиятдан кўрилган натижа (3к-2к)	-306487	-320663	-14176	104,6
5.	Умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарар) (1к+2к-3к)	3919927	3658711	-261216	93,3

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ҳажми ҳисобот йили, ўтган йилга нисбатан 261216 минг сўмга камайди ёки унинг ўсиш суръати 93,3 %ни ташкил этди. Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўзгаришига

таъсир қилувчи омиллар таъсирини занжирили алмаштириш усули орқали аниқлаймиз (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Умумхўжалик фаолиятидан қўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

Хисоблашни Г тартиб сони	Алмаштириш нинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижавий кўрсаткич- умумхўжалик фаолиятидан келган фойда, 1ус + 2ус - 3ус	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+, -)	Ўзгариш сабаблари
		Операцион фойда	Молиявий фаолият бўйича жами даромадлар	Молиявий фаолият бўйича жами харажатлар			
A	B	1	2	3	4	5	6
1	-	4226414	73215	379702	3919927	-	-
2	1	3979374	73215	379702	3672887	-247040	Операцион фойдани камайиши
3	2	3979374	509679	379702	4109351	+436464	Молиявий фаолиятдан тушган даромаднинг кўпайиши
4	3	3979374	509679	830342	3658711	-450640	Молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни ошиши
Омиллар баланси: -261216							

**6-жадвал.**

**Солик тўлангунга қадар фойда (зарар)таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда 2017 йил	Ҳақиқатда 2007 йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Умумхўжалик фаолиятидан келган фойда (зарар)	3919927	3658711	-261216	93,3
2.	Фавқулодда фойда	-	-	-	-
3.	Фавқулодда зарар	850	1046	+196	123
4.	Солик тўлангунга қадар фойда (зарар)	3919077	3657665	-261412	93,3

4. Корхонани солиқ түлагунга қадар фойдасини аниқлаш учун умумхўжалик фаолиятидан келган фойдага фавқулодда фойда қўшилади, зарар айрилади. Куйидаги жадвалда солиқ тўлангунга қадар фойдани таҳлилини ҳавола қиласиз, (6- Жадвал).

Таҳлил қилинаётган корхонада солиқ тўлагунга қадар фойда ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 261412 минг сўига камайди ёки унинг ўсиш суръати 93.3 % ни ташкил қилди. Унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Умумхўжалик фаолиятидан келган фойдани ўзгариши.
2. Фавқулодда зарар суммасини ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (7-жадвал).

#### **7-жадвал**

#### **Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) ни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби**

Ҳисоблашнинг тартиб сони	Алмаштиришининг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибиға кирувчи омиллар		Натижавий кўрсаткич-солиқ тўлагунга қадар фойда 1ус - 2ус	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, ( +, - )	Ўзгариш Сабаблари
		Умумхўжа-лик фаолиятидан келган фойда	Фавқулодда зарар			
A	B	1	2	3	4	5
1	-	3919927	850	3919077	-	-
2	1	3658711	850	3657861	-261216	Умумхўжалик фаолиятидан келган фойдани камайиши
<b>3</b>	<b>2</b>	<b>3658711</b>	<b>1046</b>	<b>3657665</b>	<b>-196</b>	<b>Фавқулодда зарар суммасини кўпайиши</b>
Омиллар баланси: 261412						

5. Савдо ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда микдоридир. Соф фойда - савдо ташкилотларининг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари бўйича, шу жумладан, товарларни сотиш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича аниқланади. Таҳлил учун қўйидаги жадвални ҳавола қиласиз .

## 8-жадвал

### Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йил	Ҳақиқатда ҳисобот йил	Фарқи	
				Мутлоқ суммада (+,-)	Фоизда (%)
1.	Солик тўлангунга қадар фойда (зарар)	3919077	3657665	-261412	93,3
2.	Фойда солиги	1975757	374482	-1601275	18,9
3.	Бошқа солик ва тўловлар	218952	2209341	+1990389	10,1
4.	Соф фойда (зарар)	1724368	1073842	-650526	62,3

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада соф фойда ҳажми ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан 650526 минг сўмга камайди ёки унинг суръати 62.3 % ни ташкил қилди. Унинг ўзгаришига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатди.

1. Солик тўлагунга қадар фойда ҳажмини ўзгариши

2. Фойдадан солик ҳажмини ўзгариши

3. Бошқа солик ва тўловлар ҳажмини ўзгариши

Ушбу омилларни таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали ҳисоб-китоб қилинади (9-жадвал).

## 9-жадвал

### Соф фойда ҳажмини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китоби

Ҳисоблашнинг тартиб сони	Алмаштиришининг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижа-вий кўрсат-кич-соф фойда 1ус - 2ус -3ус	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+, -)	Ўзгариш сабаблари
		Солик тўлагунга қадар фойда	Фойда-дан солик	Бошқа солик ва тўловлар			
A	B	1	2	3	4	5	6
1	-	7	391907	1975757	218952	1724368	-
2	1	5	365766	1975757	218952	1462956	-261412
3	2	5	365766	374482	218952	3064231	+1601275
4	3	5	365766	374482	2209341	1073842	-1990389
Омиллар баланси: -650526							

## **Соф фойда ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усули**

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада соф фойдани ҳажми ҳисбот йили ўтган йилга нисбатан 650526 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш сурати 62,3% ни ташкил этган. Бу ўзгаришга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

- сотишдан тушган соф тушумнинг 69642 минг сўмга камайиши ялпи фойда ҳажмини шу миқдорда пасайтирган (1-жадвал);
- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархни 792157 минг сўмга камайиши ялпи фойда ҳажмини шу суммага оширган (1-жадвал);
- давр харажатларининг 1667917 минг сўмга кўпайиши операцион фойда суммаси ҳажмини шу миқдорга камайтирган (2-жадвал);
- асосий фаолиятдан кўрилган бошқа операцион даромадларнинг 698357 минг сўмга кўпайиши опреацион фойда ҳажмини шу суммага кўпайтирган (2-жадвал);
- молиявий фаолиятдан кўрилган харажатларнинг 14176 минг сўмга кўпайиши натижасида умумхўжалик фаолиятидан келган фойда шу миқдорга камайган (3-жадвал);
- фавқулодда заарлар суммасининг 196 минг сўмга ошиши солиқ тўлагунга қадар фойда ҳажмини шу суммага камайтирган (3-жадвал);
- даромад солиғининг 1601275 минг сўмга камайиши соф фойда ҳажмини шу миқдорга оширган;
- бошқа солиқлар ва ажратмаларнинг 1990389 минг сўмга кўпайиши соф фойда ҳажмини шу суммага камайтирган.

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган омиллар таъсирининг ўзгариши соф фойда суммасида бўлган фарқни беради:  $[-69642] + (+792157) + (-1667917) + (+698357) + (-14176) + (-196) + (+1601275) + (-1990389) = -650531$  минг сўм. Ҳосил бўлган 5 минг сўм фарқ ( $650531 - 650526$ ) рақамларни бутунлаш эвазига рўй берди. Таҳлил қилинаётган обьектда соф фойда ҳажмини ошириш учун катта имконият бўлган. Ҳисобланган 8та омилдан 5 тасининг таъсири салбий бўлган. Агар ушбу омиллар ўтган йилги даражада сақланиб қолинганида эди, соф фойда суммаси 4012415 минг сўмга ошган бўлар эди. У ҳолда, соф фойданинг умумий ҳажми ҳисбот йили 5086257 минг сўмни ( $1073842 + 4012415$ ) ёки унинг ўсиш суръати 62,3 % эмас ( $1073842 : 1724368 \times 100$ ), балки 295 %ни ( $5086257 : 1724368 \times 100$ ) ташкил этган бўлар эди. Демак, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар миқдори **4012415 минг сўмга** тенг экан.

Демак, корхона бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўлларини ишлаб чиқиши керак.

**8.“Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили”  
мавзуси бўйича вазиятли ҳолат ечимини аниқлаш бўйича ўқитиши  
технологияси.**

<b>Вақт: 2 соат.</b>	Тингловчилар сони: 20-25 та.
<b>Машғулот шакли</b>	Назарий билимлар асосида билим ва кўникмаларни чуқурлаштиришга йўналтирилган амалий топшириқларни бажариш.
<b>Машғулот режаси</b>	<p>1.Мавзу мазмунига кириш.      2.Билимларни жонлантириш.      3.Кейс билан индивидуал танишиш.      4.Кейсни кичик групхларда ечиш ва тақдим қилиш.      5.Натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.      6.Машғулотни якунлаш. Групх ва Тингловчилар фаолиятини ҳамда ўкув машғулотида эришилган ютуқларни баҳолаш.</p>
<b>Ўкув машғулотининг мақсади:</b> Тингловчилар эгаллаган назарий билимлар асосида амалий ҳаракатлар, фикрлаш орқали муайян иқтисодий ва молиявий вазиятни тўғри баҳолаб, асосли бошқарув қарорларини қабул эта билишлари керак.	
<b>П Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўкув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• корхонанинг молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили билан танишитириш;</li> <li>• кейсда берилган муаммоли вазият ва унинг вазифалари ҳамда муаммони ечиш кетма-кетлиги билан танишитиради;</li> <li>• тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлил натижаларини умумлаштириш;</li> <li>• охирги хулосалар берилади ва асосланади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• корхонанинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш йўлларини айтадилар;</li> <li>• вазиятдан келиб чиқсан ҳолда муаммони аниқлаш, ифодалай олиш ва уни ечиш вазифаларини, муаммонинг ечими бўйича аниқ ҳаракатлар кетмакетлигини аниқлайдилар;</li> <li>• таҳлил натижалари асосида иқтисодий баҳо берадилар, тегишли бошқарув қарорларини қабул қила оладилар;</li> <li>• хулоса ва қарорларни асослаш ва ҳимоя қилиш кўникмаларини эгаллайдилар.</li> </ul>
Ўқитиши усуслари	Кейс-стади усули, амалий машғулот, баҳс
Ўқитиши воситалари	Кейс, тарқатма материаллар, флипчарт, маркерлар, скотч, А32 қозош вараклари
Ўқитиши шакллари	Индивидуал, фронтал ва групхларда ишлаш
Ўқитиши шароити	Групхларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳо	Кузатув, блиц-сўров, тақдимот, баҳолаш.

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Иш босқич-лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Тингловчи фаолиятининг мазмуни
	Ўқитувчининг	Тингловчиларнинг
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, кейс стадини ишлаб чиқади. Кейс материаллари билан танишиш ва ечиш учун Тингловчиларга тарқатади. Вазиятни таҳлил қилиш учун услугубий кўрсатмалар. Мустақил таҳлил қилишни ва натижаларни вазиятни таҳлил қилиш варагига киритишни топширади.	Кейс-стади мазмуни билан танишадилар. Мустақил тайёргарликни бошлайдилар. Вазиятни таҳлил қилиш варагини индивидуал равишда тўлдирадилар.
1-босқич. Мавзуга кириш. (10 дақ)	1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини хамда олиб борилиш режасини маълум қилади 1.2.Кейс-стадининг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини аниқлайди. 1.3.Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва ме-зонлари билан таништиради .	Тинглайдилар, саволлар берадилар, танишадилар
2-босқич. Асосий қисм. (60 дақ)	2.1.Мавзу бўйича блиц-сўров усулида Тингловчилар билимлари жонлантирилади (1-Илова). 2.2.Тингловчиларни гурухларга бўлади. Кейс билан мустақил ишлаш натижаларини кичик гурухларда муҳокамасини ташкил қилади, Коллектив равиша вазиятни таҳлил варагини тўлдиришни, индивидуал ҳолда ечилган муаммоли вазият ечими бўйича муҳим натижаларни баҳолаш ва танлашни, тақдимотга тайёрлашни топширади.	Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар  Топширикларни муҳокама қиладилар, вазиятни ҳолатни мустақил таҳлил қиладилар.
2-босқич. Асосий қисм. (60 дақ)	2.3.Ўқув фаолиятини бошқаради, маслаҳат беради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди. 2.4.Тақдимот бошланишини эълон қилади. Кейсни ҳал қилиш ишлари натижалари бўйича гурухлардан вакилларини тақдимотга чақиради. Тақдимот давомида гурух вакилларига аниқлаштирувчи саволлар бериб боради. 2.7.Топшириклар ечимини гурухлараро баҳоланишини ташкил қилади. Ҳар бир гурухнинг иш натижалари умумлаштирилади ва хulosалар берилади, ўзаро баҳоланади.	Гурухларда биргаликдаги топширикларни бажарадилар.  Гурухлар иш натижаларининг тақдимотини ўтказадилар. Баҳса иштирок этадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар
3-босқич. Якунловчи. (10 дақ)	3.1.Машғулотга якунловчи хulosалар қилади. Натижаларни изоҳлайди. 3.2.Ҳар бир иштирокчини ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва аниқ бажаргани, маъruzанинг мазмуни, берилган жавоблар ҳисобга олинади. 3.3.Яна бир бор кейснинг мақсадини ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини айтиб ўтади.	Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар берадилар.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Тежамкорлик</b>	- бу хар хил фаолятни имкон даражасида минимал ресурс харажатлари билан амалга оширадиган категория хисобланади.	a category assuming realization of any kind of activity at its minimum possible expenses of resources.
<b>Самарадорлик</b>	- бу корхона учун максимал қиймат яратиш мақсадига йўналтирилган фаолият натижасини акс эттирувчи категория хисобланади.	a category reflecting productivity of purposeful actions on creation of the greatest value for the company.
<b>Қиймат -</b>	бу сифатни махсулот сотилиши мумкин бўлган нархга нисбатидир. -	- the relation of quality to the price on which the goods can be sold or rendered service. Competitive success - ability simultaneously to raise quality, to reduce the price and to keep or increase profit. The basic way of achieving of its increase in quantity of clients and a market share through perfection of operations.
<b>Операцион менежмент</b>	бу корхонанинг асосий махсулотни ишлаб чиқариш ва этказиб беришга йўналтирилган, оператсион тизимларини лойихалаштириш, эксплуататсия қилиш ва мукаммалаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият.	the activity connected with designing, operation and improvement of operating systems of the company intended for manufacturing and delivery of basic production or rendering of services.
<b>Ишлаб чиқариш тизими</b>	- бу корхонанинг оператсион ресурсларидан киритилаётган ишлаб чиқариш омилини ("кириш") корхона томонидан танланган махсулотга ("чиқиш") айлантириш мақсадида фойдаланадиган	the system using operational resources of the company for transformation of the entered factor of manufacturing ("input") in selected production or service ("exit").

	ТИЗИМДИР.	
<b>Асосий (дастлабки) хизматлар</b>	- бу, истемолчилар махсулот сотиб олаётгандаги махсулот билан биргаликда, кўрсатилишини хоҳлайдиган хизматлар; улар ишлаб чиқариш технологияларига амал қилиш, истемолчиларнинг талабларини хисобга олиш, махсулот билан раоқбатлашган нархда таминлашлардан иборат	- the services, which consumers wish to receive together with a product; they consist in production technology observance, the account of concrete requirements of consumers, timeliness of delivery and their granting at competitive price.
<b>Қиймат қўшадиган хизматлар</b>	бу, корхонани унинг бозордаги рақибларидан ажратиб турадиган ва ушбу корхонани мижозлари билан бўлган муносабатларини яхшилашга йўналтирилган, хизматлардир	the services allocating the companies among its competitors and promoting formation in a positive channel of mutual relations of the company with its clients. mass production of production with a wide set of characteristics and the properties providing satisfaction of requirements of individual customers.
<b>Алоҳида буюртмалар бўйича кўплаб ишлаб чиқариш, кастомизатсия</b>	бу махсулотларни, кенг кўлламдаги тавсиф ва хоссаларга ега қилиб, шу билан бирга алоҳида буюртмачилар талабларига жавоб берадиган қилиб оммалашган ишлаб чиқаришдир.	mass production of production with a wide set of characteristics and the properties providing satisfaction of requirements of individual customers.
<b>Операцион стратегия</b>	бу фирманинг узок муддатли ракобатдош стратегиясини максимал самарали кўллаб кувватлашга йўналтирилган фирма умумий сиёсатининг ва ресурслар ишлатилиши режалари ривожланишининг концептуал асосидир.	conceptual expression of development of the general policy and the plans of use of resources of firm aimed at as much as possible effective support of its long-term competitive strategy.
<b>Завод</b>	бу ишлаб чиқариш	the concept according to

<b>ИЧИДА ЗАВОД</b>	алохидада бўлинишини тавсифлайдиган контцепциядир. Сху билан бирга алохидада мустақил бўлимлар ажратилиб, уларнинг хар бири учун алохидада оператсион стратегия ишлаб чиқилади. Бунда, стратегиялар алмашишида еҳтимоли бўлган харажатларни камайтириш мақсадида, хар бир бўлим ўз оператсион стратегиясига суюнган холда фаолият юритади	which manufacture breaks into separate product lines with allocation in independent divisions and an operational strategy is developed for each of them. Each division functions within the limits of own operational strategy for minimization of possible losses at change of one strategy with another.
<b>Стратегия иккига бўлиниши</b>	корхона ўз рақибининг бозордаги ўрнига этгаллаш мақсадида, шу билан бирга ўз ўрнини хам сақлаб қолган холда фаолият юритишида ўринлидир. Бунда ушбу корхона ўз махсулоти характеристикаларига кўшимча тарзда, рақибининг фаолиятини такрорлаб, яхшилайди. Кўп холларда бу холат корхона учун мағлуб бир муросаларга бориш муаммоларини туғдиради	takes place in the event that the companies aspires to master a successful position of the competitor, keeping the existing position and copying actions of the competitor by means of improvement of characteristics of a product and addition of new services or technologies to already available. Frequently it creates problems for the company because of necessity to go on certain compromises.
<b>Буюртма ғолиби</b>	- бу малумбир махсулот, уни бошқа корхона махсулотларидан ажратиб турадиган хосса ва характеристикиали махсулотдир.	the goods or service, with a set of properties and the characteristics, distinguishing the goods or service of one company from the goods or service of other companies.
<b>Буюртма квалификатори</b>	- бу малум бир махсулотнинг шундай твсифлари тўпламики, булар ушбу махсулотни сотиб олинишига сабаб бўла	a set of the characteristics, allowing so to allocate the goods or service that it becomes argument for purchase fulfilment.

	олади.	
<b>Фаолият тизимли харитаси</b>	- бу корхона стратегиясини хаётга тадбиқ этишга йўналтирилган ва битта тизимга йиғилган хар хил фаолият схемасидир.	the embodiment scheme in life of strategy of the company by means of the various kinds of activity united in uniform system.
<b>Дастлабки имкониятлар (компетентсия)</b>	ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фирмасини унинг рақибларидан ажратиб турадиган билим ва услублари хисобланади.	abilities, skills and the receptions allocating industrial or service firm among its competitors.
<b>Самарадорлик асосий кўрсаткичлари</b>	менежерларга корхона фаолиятини баҳолаш ва ундаги ўзгаришлар заруриятини аниқлашга имкон берадиган кўрсаткичлардир. Булар кундалик маблағ зарурияти, битта маҳсулот бирлигига ёки бўлимга тўғри келадиган операцион даромади каби молиявий кўрсаткичлар ва буюртма бажа  рилиш вақти, умумий сотувдаги янги маҳсулотлар сотилиши қисми каби номолиявий кўрсаткичлар.	the indicators allowing managers to estimate activity of the company as a whole and to define necessity of changes for operations. Financial indicators, such as daily requirement for money resources and the operational income on a unit of production or on structural division, and also not financial indicators, such as time of performance of the order and a share of sales of the new goods in the general sale will be key indicators
<b>Ишлаб чиқарувчанлик</b>	ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари	an indicator of efficiency of use of resources.
<b>Ўрганиш эгриси (тажриба йиғилиши) -</b>	бу берилган битта маҳсулотни ишлаб чиқариш вақти ва бу маҳсулотдан олдин ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сони орасидаги боғлиқликни кўрсатувчи график.	is the schedule showing interrelation between time of manufacturing of the given unit of production and quantity of units of production, made to considered.
<b>Шахсий тажриба йиғилиши</b>	бу ишчи бир хил жараённи кўп тақрорлаши натижасида олинадиган устачилик ва ўз ишлаб чиқарувчанлиги ошиши хисобланади	is a result of continuous improvement by the worker repeatedly repeating the same process, the skill, acquisition of skills and increase of own productivity.

<b>Ташкилот тажрибаси йиғилиши</b>	бу ташкилот амалий фаолияти йиғилиши ва унинг бошқаруви, технологиялари ва инжинирингидаги ўзгаришлари натижасидир	is a result of both continuous perfection of practical activities of the organisation, and changes in management, technology and engineering.
<b>Лойиха -</b>	бу ўзаро боғлик бўлган, малум бир натижага эришишга йўналтирилган ва уларни амалга ошириш учун узоқ муддат талаб етиладиган ишлар кетма-кетлиги	sequence of the interconnected works directed, as a rule, on achievement of concrete considerable result and on which long time performance is required.
<b>Лойиха бошқаруви</b>	бу берилган лойиха чекловларини хисобга олган холда ресурсларни (мехнат, моддий ва ускуналар) режалаштириш, тақсимлаш ва назорат қилишдир	is a planning, distribution and regulation of resources (labour, material and the equipment) taking into account all restrictions of the given project (technical, budgetary, time, etc.)

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Махсус адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2017.- 46 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сонқонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси. (Янги таҳрири) Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4555-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 21 январь, № 15 (7517).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 22 январь, № 16 (7518).

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 23 январь, № 17 (7519).

8. 2020 йил –«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси. 2020 йил 25 январь. № 3-4 (777) .

9. Umarhodjaeva M.G. OPERATSION MENEJMENT. Q`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti .Darslik.Toshkent- 2014.- 402 б.

10. Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.- Учебник.М.ИНФРА-М 2009. –233 с.

11. Чейз Р., Эквилайн Н.Дж., Якобс Р. Производственный и операционный менеджмент. 10-е изд. Учебное пособие. М.: “Вильямс”, 2008.–704 с.

12. Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.- Учебник.М.ИНФРА-М 2009. – 233 с.

13. Круглова Н. Ю., Круглов М. И. Стратегический менеджмент. Учебник. М.: РДЛ, 2009. – 154 с.

14. Йўлдошев Н.Қ., Юсупова Д.Т. Сифат менежменти.Ўқув қўлланма.-Т.:ТДИУ, 2019й. – 270б.

15. Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарслик. – Т.:ТДИУ, 2013.- 433 б.

16. Йўлдошев Н.Қ., Юсупова Д.Т. Тизимли менежмент назарияси.  
Дарслик. Т.: ТДИУ, 2019й. 270б.

## **2. Интернет ресурслар**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
2. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Матбуот хизмати расмий сайти

3. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти

4. [www.UzA.Uz](http://www.UzA.Uz) – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти

5. [www.review.uz](http://www.review.uz) – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти

6. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

7. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали

8. [www.eurasianews.com](http://www.eurasianews.com) – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти

9. [www.vip.lenta.ru](http://www.vip.lenta.ru) – Интернет нашриёти

10. [www.InternetNews.com](http://www.InternetNews.com) – янгиликлар сервери